

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**МИНГБОЕВ ШОҲРУҲ БАҲОДИР ЎҒЛИНИНГ**

**ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН  
МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАҲЛИЛ**

**5A240122 – Прокурорлик фаолияти**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Д.И.Нодиров**

**ТОШКЕНТ – 2021**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ОММАВИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЬМУРИЙ ИШЛАРНИНГ ТАВСИФИ</b>	
<b>1.1.</b> Оммавий-хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.....	11
<b>1.2.</b> Оммавий-хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш принциплари.....	22
<b>II БОБ. ОММАВИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА</b>	
<b>2.1.</b> Германияда маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг хусусиятлари...36	36
<b>2.2.</b> АҚШда оммавий-маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби.....53	53
<b>III БОБ. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	
<b>3.1.</b> Маъмурий ишларни кўриб чиқишида мавжуд муаммолар.....64	64
<b>3.2.</b> Маъмурий ишларни кўриб чиқишини тартибга соловчи қонунчиликни такомиллаштириш.....73	73
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>78</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....83</b>	
<b>ИЛОВА.</b> “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси, Қонун лойиҳасига таққослама жадвал, диссертация бўйича ўтказилган сўровнома ва унинг натижаси.....94	94

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда суд томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб боришда маъмурӣ суд иш юритувига оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, бу орқали ҳокимиятлар бўйиниши принципини амалда таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ижро ҳокимияти фаолияти суд томонидан назорат қилиш Ҳалқаро суд лойиҳаси (World Justice Project) доирасида баҳолашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиб, ушбу лойиҳа доирасида ҳар йили 128 та давлатнинг ушбу ҳуқуқ индекси бўйича рейтинги эълон қилиб борилади<sup>1</sup>. Айниқса, сўнгги йилларда давлатлар томонидан Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашга хизмат қилувчи қонуности ҳужжатлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини олдини олишда суд назорати институтидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳонда оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, низолашувчи тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, давлат бошқарув органларининг норма ижодкорлиги устидан суд назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган қонуности ҳужжатлар устидан суд назоратини амалга оширишнинг процессуал асослари, мазкур жараёндаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, далиллар таснифини аниқлаш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат бошқаруви тизимида олиб борилган ислоҳотлар, шу жумладан, маъмурӣ соҳадаги ислоҳотлар ўзига хос тарихий, сиёсий, ҳуқуқий ёки маданий хусусиятлардан келиб чиқувчи тажрибага асосланади. Кўпгина

---

<sup>1</sup> The World Justice Project Rule of Law Index® 2020 // [https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online\\_0.pdf](https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf)

давлатларда маъмурий ислоҳотларнинг мақсади оммавий бошқарув тизимининг транспарентлигига ҳамда маъмурий ва суд процедураларини такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февральдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармон<sup>2</sup>и билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Уларнинг ишини ташкил этиш учун янги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш талаб этилди, лекин маъмурий жазоларни қўллаш илгаригидек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс бўйича амалга оширилди. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни ишлаб чиқишининг ўзи бутун муаммога ечим бўлмасди, чунки табиатан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ва оммавий-ҳукуқий низолар бир-биридан фарқ қиласди.

Шу пайтга қадар маъмурий судлар маъмурий-ҳукуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқаётган эди. Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармон<sup>3</sup>и билан маъмурий ҳукуқбузарликка доир ишлар жиноий ишлар бўйича судларга ўтказиладиган бўлди.

Фармонда маъмурий одил судлов тизимини яратиш вазифаси белгиланди. Бу бежиз эмас. Сабаби, маъмурий судларнинг ташкил этилганига эндиGINA уч йил бўлган бўлса-да, ушбу давр мобайнида уларнинг фаолиятини

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февральдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармон // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармон

янада такомиллаштиришга зарурият пайдо бўлди. Шунинг учун, маъмурий судларнинг одил судловни амалга ошириш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар ва амалий таҳлиллар ўтказилиб, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар атрофлича ўрганилмоқда.

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш”<sup>4</sup> суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгадир. Немис олимни фуқароларнинг маъмурий суд тартибида ҳуқуқий ҳимоясини шундай таърифлайди: “Маъмурий суд иш юритуви тартибида ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқий давлатда қонун устуворлигининг тожидир”<sup>5</sup>.

**Тадқиқотнинг обьекти** оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни судларда кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишни ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишни миллий қонунчиликдаги тартибини ўрганиб чиқиб, уларни хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш, улар юзасидан келиб чиқсан саволларга жавоб қидириш, соҳа илм фани ривожи ва қонунлар такомиллашишига ҳисса қўшишдир.

Ушбу мақсад тадқиқотнинг:

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>5</sup> Funke, Perspektiven subjektiv-rechtlicher Analyse im öffentlichen Recht, JZ 2015, 369.

- оммавий ҳуқуқий низоларнинг тушунчасини ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш принциплари моҳиятини очиб бериш;
- оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш хусусида миллий қонунчилигимиз ва унинг амалиётини таҳлил қилиш;
- Германия ва АҚШ давлатларида маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- назарий, ташкилий ҳамда амалий жиҳатдан маъмурий ишларни кўриб чиқишида мавжуд муаммоларни ёритиш;
- маъмурий ишларни кўриб чиқиши борасида хориж амалиёти ва қонунларини ўрганиш ва миллий қонунчилик билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш;
- маъмурий ишларни кўриб чиқиши тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилған таклиф ва хулосаларни ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаб беради.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

- оммавий ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий ҳуқуқий низолар, маъмурий иш тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган, унинг Маъмурий суд ишларини юритиш кодексида акс этиши зарурлиги ҳақидаги таклифлари асослантирилган;
- маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий субъект сифатида суднинг фаолияти билан боғлиқ принциплар хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, маъмурий суд ишларини юритиш принципларини қонунчиликда такомиллаштириш ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган;
- маъмурий суд ишларининг судга тааллуқлилиги бошқа ҳукуқ соҳалари билан солишлирилган ҳолда уни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқсан таклифлари асослантирилган;

– хорижий давлатлар қонунчилиги миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қилинган ҳолда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш орқали уларнинг юқори маъмурий органларга мурожаат қилиш институтини жорий қилиш ҳақида таклиф ишлаб чиқилган ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган бошқа таклифлари асослантирилган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш, унинг қиёсий ҳуқуқий таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари миллий олимларимиз томонидан деярли ўрганилмаган. Ўзбекистонлик олим ва мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб бораётганлардан Э.Хожиев, Ш.Шайзаков, И.Хамедов, Л.Хван, Ф.Хакимов, И.Цай<sup>6</sup> томонидан маъмурий суд иш юритувининг айrim жиҳатлари, Ж.Нематов<sup>7</sup> томонидан маъмурий процедураларни такомиллаштириш ва унинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, Б.Қосимов<sup>8</sup> томонидан хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция, Д.Артиков<sup>9</sup> томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган.

Шунингдек, мазкур соҳада чет эл эксперт ва олимларидан Е.Б.Лупарев, А.Б.Зеленцов, Н.М.Коркунов, Д.М.Чечот, Е.В.Хахалева, Ю.А.Тихомиров,

---

<sup>6</sup> Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Ахборотномаси (2019, № 4 (40));, Хакимов Фуломжон Турғунпўлатович. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари // ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун Диссертация, ТДЮИ, 2009 йил.; Хамедов И.А., Цай И.М., Ежегодник публичного права 2014.; Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан Общая часть. Учебник. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.; Э.Т.Хожиев, Ф.Т.Хакимов. Маъмурий ҳуқук. Бакалавриатнинг юриспруденция йўналиши талабалари учун ўкув кўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 407 бет.

<sup>7</sup> Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) // Монография. – Тошкент, 2018 йил.; Нематов Ж. Административная юстиция в Республике Узбекистан: сравнительно-правовой анализ // Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси. 2016 й. – С. 38-47.

<sup>8</sup> Qosimov, B. (2018) "Administrative justice and forms of its organization: national and foreign experience," Review of law sciences: Vol. 2 : Iss. 2 , Article 4. Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol2/iss2/4](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss2/4); Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018.

<sup>9</sup> Артиков Дилмурод Рахматиллаевич. идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий ҳуқуқий жиҳатлари // юридик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. ТДЮУ, 2020.

И.В.Михеева, А.И.Минина, Д.М.Замышляев, Хартмут Маурер, Т.В.Пешкова, И.В.Панова, И.М.Галий, А.П.Алехин, Н.Ю.Хаманева, Д.Н.Бахрах, А.К.Соловьева, А.В.Глодина, М.Н.Марченко, Vučetić Dejan, А.А.Соловьев, А.А.Остроумов, Р.О.Опалев, Д.В.Галушко, В.Е.Усанов<sup>10</sup> ва бошқалар изланишлар олиб боришган.

Бундан ташқари, В.В.Бойцова, Л.В.Бойцов, Kaufmann M., Nolte J.J., Юрген Кипп, Дмитрий Маренков, Йорг Пуделька, Анастасия Бергер, Нина Веш, Вольфганг Шлик, Hermann Pünder<sup>11</sup> каби хорижий олим ва

<sup>10</sup> Лупарев Е.Б. Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003.; Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001; Зеленцов А.Б. Учебно-методический комплекс и методические рекомендации по изучению курса «Административная юстиция». – М.: Изд. РУДН, 2011. – С. 51; Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // [http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG\\_141.htm](http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm); Хаманева Н.Ю. Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998. № 12. С. 29–36.; Чечот Д.М. Неисковое производство. М., 1973.; Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.; Хахалева Елена Владимировна. Проблемы разграничения публично-правовых и частноправовых споров. Теория и практика общественного развития (2010, № 4). ст. 196. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razgranicheniya-publichno-pravovyh-i-chastnopravovyh-sporov/viewer>; Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998. № 6. С. 8–13.; И.В. Михеева. Судебная защита публичных интересов. [http://www.unn.ru/pages/vestniki\\_journals/99990195\\_West\\_pravo\\_2003\\_2\(7\)/B\\_1-8.pdf](http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_pravo_2003_2(7)/B_1-8.pdf); Минина А.И. Критерии арбитрабильности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.; Замышляев Д.М. Виды судебных юрисдикций в Российской Федерации: сравнительно-правовой и исторический подход: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015.; Хартмут Маурер : Общее административное право , 15-е издание, 2004 г., ISBN 3-406-52631-4 . Раздел 3, маргинальный номер 12.; Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. Воронеж, 2014. С. 116.; Панова И.В. Проблемы рассмотрения административных дел // Вестник ВАС РФ. 2012. № 5. С. 12–46.; Галий И.М. Административно-правовые споры в рамках института Административного судопроизводства : проблемные вопросы содержательной характеристики // Административное право и процесс. 2007. № 1. С. 9–12.; Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015.; Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5–13.; Бахрах Д.Н. Административное право. М., 1997.; Соловьева А.К. Административная юстиция в России: проблемы теории и практики: Автoref. дисс. канд. юрид. наук. СПб., 1999.; Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: дис. ... док. юрид. наук. Воронеж, 2003.; Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора //Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002.; А.В.Глодина. Административное дело и административно-правовой спор: понятие и соотношение. <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/pravo/2017/03/2017-03-14.pdf>; Марченко М.Н. Правовые системы современного мира : учеб. пособие. М., 2008. С. 327 ; Сайдов А.Х.Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности) : учебник / под ред. В. А. Туманова. М., 2004.; Vučetić Dejan. Serbian judicial review of administrative acts and European standards for administration disputes // Law and Politics. 2005. Vol. 3, № 1. 2005. P. 73–90.; Соловьев А.А., Остроумов А.А. Зарубежные модели административной юстиции : учеб. пособие для аспирантов. М., 2015.; Р.О.Опалев. О ключевых европейских стандартах (принципах) в сфере административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 2, 2017.; Д.В.Галушко. Международные стандарты административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 1, 2016. Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // [http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG\\_141.htm](http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm); Соловьев А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – М., 2017.

<sup>11</sup> Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Системы судебного контроля за администрацией: классические модели и модификации. Материалы семинара. — М., 2002. — С. 18–31.; Kaufmann M. Untersuchungsgrundsatz und Verwaltungsgerichtsbarkeit. Mohr Siebeck, 2012. S. 400.; Nolte J.J. Die Eigenart des verwaltungsgerichtlichen

мутахассислар томонидан маъмурий юстициянинг умумий жиҳатлари ва Германияда маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби, маъмурий суд иш юритуви ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Gussakovskii P.N., С.Бояхчян, В.А.Слепченко, P.Woll, R.A.Carp, Ю.Н.Старилов, В.И.Лафитский, Д.Т.Караманукян, И.Ю.Богдановская, С.Ю.Данилов, А.В.Разгильдеев, А.В.Малько, В.Н.Побединский, С.С.Квач, Н.В.Фролова, Zimmer M.B., Н.Ю.Хаманева, Г.И.Никеров, Bernard Schwartz, Roberto L.Corrada, J.Robert Brown, William F.Frunk, Richard H.Seamon, Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin, Н.Саванович, Howard N. Fenton, Е.А.Волох, А.Д.Джерагиян<sup>12</sup> каби хорижий

---

Rechtsschutzes. Grund und Grenzen der Anwendung des Zivilprozessrechts im Verwaltungsprozess.; Юрген Кипп. Ведение процесса судьей в административном судопроизводстве (Handling of proceedings by the judge in the administrative court procedure) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — ISBN 978-5-9998-0220-0.; Дмитрий Маренков. Судебная система Германии. Краткий обзор (Das deutsche Gerichtssystem im Überblick) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung <> Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), [www.drvj.org](http://www.drvj.org); Йорг Пуделька. Виды иска в административном судопроизводстве на примере Германии (The different types of action in administrative court proceedings — the German example) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — ISBN 978-5-9998-0220-0.; Анастасия Бергер, Нина Веш. Административный процесс в Германии (Verwaltungsprozess im deutschen Recht) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung <> Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), [www.drvj.org](http://www.drvj.org); Вольфганг Шлик. Структура и функции юрисдикции административных судов в Германии (Structure and functions of administrative courts' jurisdiction in Germany) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — ISBN 978-5-9998-0220-0.; Hermann Pünder. German administrative procedure in a comparative perspective: Observations on the path to a transnational ius commune proceduralis in administrative law. Oxford University Press and New York University School of Law. 2013. Downloaded from <https://academic.oup.com/icon/article/11/4/940/698721> by guest on 23 December 2020.

<sup>12</sup> Gussakovskii P.N. Administrative Justice [Administrativnaya yustitsiya]. Zhurn. Min. yust. - Magazine of the Ministry of Justice, 1906.; Бояхчян С. Административные суды США и Франции в контексте рецепции опыта создания административной юстиции (Administrative courts of the U.S.A. and France in the context of reception of experience of administrative justice creation) Московский государственный юридический университет имени О. Е. Кутафина.; Слепченко Вероника Андреевна. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России (Some aspects of administrative justice in foreign countries and in the Russian Federation),<http://injustjournal.ru/wpcontent/uploads/2020/04/%D0%A1%D0%BB%D0%B5%D0%BF%D1%87%D0%B5%D0%BD%D0%BA%D0%BE.pdf>; Woll, P. Administrative law: the informal process / P. Woll. – Berkeley, CA : University of California Press, 1974. – 203 p.; Carp, R. A. Judicial Process in America / R.A.Carp, R. Stidham. – 5th ed. – Washington, D. C. : Congressional Quarterly Press, 2001. – 425 p.; Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М.: Инфра-М-НОРМА, 2001.; Лафитский В.И. Административная юстиция в США // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. – 2003. – № 1.; Караманукян Д.Т. Административная юстиция США: монография. – Омск: Омская юридическая академия, 2014.; Богдановская И.Ю., Данилов С.Ю., Зеленцов А.Б. и др. Административное право зарубежных стран. Учебник / под ред.: Козырина А.Н., Штатина М.А. – М.: Спартак, 2003.; Разгильдеев Александр Витальевич. Административное Правосудие: Опыт стран Европы, США и возможность его использования в России // Журнал «Закон» № 11 Ноябрь 2013, 135-150 с.; Малько А.В. Сравнительное правоведение / А. В. Малько, А. Ю. Саломатин М.: Норма: ИНФРА-М, 2011.; Zimmer M.B. Overview of Specialized Courts / M. B. Zimmer. // International Journal for Court Administration. 2009 (August). Vol. 2. No 1. P. 12. URL: <http://www.iaca.ws/files/LWB-SpecializedCourts.pdf>; Побединский В.Н. Административная юстиция в современной России: глобальный контекст и перспективы развития / В.Н.Побединский, С.С.Квач, Н.В.Фролова // Вестник Тюменского государственного университета. Социально-экономические и правовые исследования. 2016. Том 2, № 4. С. 96-106.; Хаманева Н.Ю. Административная юстиция США // Государство и право. – 1993. – № 3.; Никеров Г.И. Административно-процессуальное право США // Государство и право. – 1997. – № 12. – С. 102–106;

олим ва мутахассислар томонидан хорижий давлатлар маъмурий юстицияси, хусусан, АҚШ маъмурий юстицияси, оммавий-маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби ўрганилган.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқот олиб борища илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хulosалар, таклиф ва тавсиялардан маъмурий ҳуқуқ соҳасида тадқиқот ишларини олиб борища, «Маъмурий ҳуқуқ» ва «Маъмурий суд иш юритуви» каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда ва бошқа ҳуқуқий фанлар юзасидан маъруза матнларида, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишида ҳамда унинг натижаларидан соҳага оид қонун ҳужжатларини янада яхшилашда ифодаланиши мумкин.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Кириш, уч боб, олти параграф, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар каби қисмлардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

---

Хаманева Н.Ю. Административная юстиция США // Государство и право. – 1993. – № 3. – С. 141–145.; Bernard Schwartz, Roberto L.Corrada, J.Robert Brown, Jr. “Administrative Law^ a casebook” seventh edition. Aspen Publishers, 2010. P. 385.; William F.Frunk, Richard H.Seamon “Administrative Law: examples and explanations” second edition. Aspen Publishers, 2006.; Bernard Schwartz, Roberto L.Corrada, J.Robert Brown, Jr. “Administrative Law^ a casebook” seventh edition. Aspen Publishers, 2010.; William F.Frunk, Richard H.Seamon “Administrative Law: examples and explanations” second edition. Aspen Publishers, 2006.; Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006.; Саванович Н., Ежегодник публичного права 2017.; Howard N. Fenton. Where too little judicial difference can impair the administrative process: the case of Ukraine. // Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Comparative administrative law: an introduction. // Comparative Administrative Law. SusanRose-Ackerman, Peter L.Lindseth. EdwardElgar 2010.

# **I БОБ. ОММАВИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЬМУРИЙ ИШЛАРНИНГ ТАВСИФИ**

## **1.1. Оммавий-хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари**

“Маъмурий судлов” (маъмурий суд ишларини юритиш) тушунчасини англаш учун, биринчи навбатда, “оммавий хуқуқий муносабат”, “оммавий хуқуқий низо”, “маъмурий иш” ва “маъмурий хуқуқий низо” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб олиш зарур.

Табиийки савол туғилади, ўзи хуқуқий можаро(конфликт), хуқуқий низонинг моҳияти деганда нимани тушунамиз? Хуқуқий можаро(конфликт) ҳакида гапирганимизда, унинг иштирокчиларининг маълум бир қаршиликлари билан боғлиқлигини ва кўпинча низо шаклида ифодаланишини таъкидлаш керак. Конфликт хуқуқий маънода низонинг бошланиш(олд) шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки бир қатор ҳолларда низоли вазият томонларнинг келишуви билан ҳал қилиниши ва низоли хуқуқий муносабатларга айланиб қолмаслиги мумкин<sup>13</sup>.

Маъмурий хукуқ соҳасидаги хуқуқий зиддият, ижро этувчи ҳокимият фаолияти соҳасидаги хуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган муносабатлар характерига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу муносабатлар оммавий хуқуқий характерни ифодалайди<sup>14</sup>.

Низонинг хуқуқий моҳиятига таъсир этувчи моддий шарт унинг мазмунидир. Шундай қилиб, фуқаролар ўртасидаги, масалан, мерос тўғрисидаги низо фуқаролик характерига эга, маъмурий орган ва фуқаро ўртасида уни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ бўлган низо оммавий хуқуқий мазмунига ва аниқроги, маъмурий-хуқуқий мазмунига эга (маъмурий низо).

Кўриниб турибдики, гап фақатгина юқоридаги низо турларининг фарқи ушбу низоларнинг бирида иштирок этаётган субъектгагина боғлиқ эмас, балки

<sup>13</sup> Лупарев Е.Б. Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003. С. 11.

<sup>14</sup> Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001; Хаманева Н.Ю. Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998. № 12. С. 29–36.

бу мунозаранинг муҳим нуқтаси бўлган моҳиятига ҳам боғлиқ. Юз йилдан ошиқ вақт олдин Н.М. Коркунов оммавий хуқуқий низоларни кўриб чиқиши керак бўлган маъмурий ва фуқаролик юстицияси ўртасидаги фарқни келтириб, буни оммавий ва хусусий хуқуқ ўртасидаги фарқ сифатида ифода этди<sup>15</sup>.

Маълум бўлишича, агар процессуал муносабатлар ёрдамида хусусий хуқуқий муносабатлар (фуқаролик хуқуки, оила, уй-жой ва бошқалар) амалга оширилса, у ҳолда хусусий хуқуқ низолари юзага келади; агар процессуал муносабатлар маъмурий, молиявий, солиқ, бюджет ва бошқа оммавий моддий хуқуқий муносабатларни амалга оширишга ёрдам берса, у ҳолда оммавий хуқуқий низо келиб чиқади. Бу шуни англатадики, оммавий-хуқуқий низо - бу унинг мазмуни ҳисобланган хуқуқнинг оммавий тармоқлари масалаларидан иборат бўлган низо. Масалан, молия қонунчилиги масалалари бўлган низони молиявий оммавий низо деб аташ мумкин; солиқ масалалари - солиқ оммавий низоси, маъмурий масалалари - маъмурий низо ва бошқалар. Табиийки, маъмурий оммавий низолар моддий маъмурий муносабатларнинг процессуал таъминланишида ўрин эгаллади. Олимлар тўғри таъкидлаганидек, агар низонинг мазмунини ташкил этадиган масала маъмурий ҳуқуққа тегишли бўлса, низо маъмурий ҳисобланади. Д.М. Чечот таъкидлаганидек, маъмурий органлар фуқаролар ёки ташкилотлар билан турли хил мазмундаги ҳуқуқий муносабатларда бўлиши мумкин: маъмурий, фуқаролик, ер, молиявий, меҳнат. Маъмурий харакатлар бაъзи ҳолларда нафақат маъмурий, балки бошқа (масалан, фуқаролик) оқибатларга олиб келади. Бундай вазиятларда низо маъмурий характерни йўқотади<sup>16</sup>.

Демак, моддий ҳуқуқий муносабатларнинг ушбу муносабатларни амалга оширилишини таъминлаш учун мўлжалланган процессуал муносабатлардан устунлигини қиёсан ҳисобга олганимизда, шуни тасдиқлай оламизки, оммавий ҳуқуқ ва хусусий хуқуқ низолари ўртасидаги фарқни тавсифловчи моддий жиҳат низоларнинг ушбу турларини ажратишга имкон берадиган асосий омил

<sup>15</sup> Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.

<sup>16</sup> Чечот Д.М. Неисковое производство. М., 1973. С. 10.

хисобланади, шу қаторда процессуал фарқ эса уларни тўлдирувчи ҳолат бўлиб келади. Масалан, маъмурий орган квартирага нисбатан мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни фуқарога рад этадиган бўлса, ҳам фуқаровий-ҳуқуқий низо ҳам маъмурий ҳуқуқий низо келиб чиқиши мумкин. Демак, шахс судга ариза топширишидан аввал низонинг моҳияти ва мазмунини аниқлаб олиши лозим. Агар маъмурий орган процессуал ҳолатлар бўйича ҳуқуқни рўйхатдан ўтказишни рад этса, суд маъмурий иш юритиши тартибида маъмурий низони ҳал қилишда орган (унинг мансабдор шахси) ҳаракатининг қонунийлигини текширади. Агар рад этиш шахснинг ушбу ҳуқуқнинг мавжуд эмаслиги туфайли амалга оширилган бўлса, демак, низо хусусий ҳуқуқий характерга эга ва шахс дарҳол хусусий низони ҳал қилиш учун даъво тартибида судга мурожаат қилиши лозим. Ишонишимизча, оммавий ҳуқуқий низоларнинг хусусий низолардан асосий фарқи айнан низонинг ҳуқуқий моҳиятига бориб тақалади. Биз олимларнинг маъмурий суд иш юритуви тартибида фуқаролик ҳуқуқий низо эмас, балки фуқаролик низоларидан фарқ қиласидан процессуал ҳимоя воситаларидан иборат оммавий ҳуқуқий низолар<sup>17</sup> кўриб чиқилиши тўғрисидаги фикрларига қўшиламиз.

Юртимизда маъмурий суд иш юритуви тартиби жорий қилиниб, унинг алоҳида тартиби кодекслаштирилганидан сўнг “маъмурий иш” категориясининг аниқлаштирилиши талаб этилди. Илмий изланишларда “оммавий-ҳуқуқий муносабат”ларга таъриф берилганда, унинг оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий хусусияти эса унда иштирок этувчи томонларнинг бири сифатида давлат ҳокимияти субъектининг иштирок этиши белгиланган. Илмий адабиётларда бундай қарашларнинг тарафдорлари қўпчилик эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин, бизнинг фикримизча, хозирги кунда оммавий-ҳуқукий

<sup>17</sup> Хахалева Елена Владимировна. Проблемы разграничения публично-правовых и частноправовых споров. Теория и практика общественного развития (2010, № 4). ст. 196. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razgranicheniya-publichno-pravovyh-i-chastnopravovyh-sporov/viewer>

муносабатларнинг субъектлари сифатида бир томонда жисмоний ва юридик шахсларни, иккинчи томонда эса фақатгина давлат органларини эмас, балки ҳокимият ваколатларига эга бўлган турли субъектларни учратиш мумкин. Демократик хуқуқий давлатда олиб борилаётган номарказлаштириш нафакат давлат органлари тизими ичидаги, балки ундан ташқарида ҳам юз бермоқда. Жумладан, айрим давлат функциялари нодавлат ташкилотларига (фуқаролик жамияти институтларига) ўтказилмоқда. Бу ўз навбатида оммавий-хуқуқий муносабатларнинг бир томонида иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган хамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг хуқуқларини ва конун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга мурожаат қилиш белгиланган. Демак, маъмурий судда оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо кўриб чиқилаётганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади<sup>18</sup>. “Оммавий хуқуқий низолар” атамаси биринчи бўлиб Ю.А.Тихомиров томонидан таклиф қилинган бўлиб, олим низонинг ушбу турини ваколатли органлар томонидан қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ва оммавий (жамоат) ҳаракетига эга бўлган низоларни тушунган<sup>19</sup>. Низо, агар унинг мазмуни хуқуқнинг оммавий соҳаларини (конституциявий, маъмурий, солиқ, молиявий, жиноий, халқаро оммавий ва бошқалар) қамраб оладиган бўлса, у оммавий хуқуқий низоларга тегишли бўлишини ҳам Ю.А.Тихомиров таъкидлаган. Бу каби низолар кенг маънода оммавий хуқуқий низолар сифатида қаралади ва бундай фикрга И.В.Михеева<sup>20</sup>

<sup>18</sup> Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси (2019, № 4 (40)). 32-бет.

<sup>19</sup> Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998.№ 6. С. 8–13.

<sup>20</sup> И.В. Михеева. Судебная защита публичных интересов. [http://www.unn.ru/pages/vestniki\\_journals/99990195\\_West\\_pravo\\_2003\\_2\(7\)/B\\_1-8.pdf](http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_pravo_2003_2(7)/B_1-8.pdf)

ҳам қўшилган. Бу борада маъмурий соҳада изланиш олиб борган олим Минина оммавий ҳуқуқий низоларни тор маънода, давлат бошқаруви органлари томонидан қонуний белгиланган ваколатни амалга ошириш мобайнида келиб чиқадиган низолар деб ҳисоблайди<sup>21</sup>. Маъмурий ишлар ҳақиқатдан ҳам маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқади, лекин бу уларнинг ўхашлигидан далолат бермайди, балки бу оммавий маъмурийни бир таркибий қисм сифатида қоплаб кетишидан дарак беради. Маъмурий ишлар оммавий характерга эга ва маҳсус процессуал тартибда суд муҳокамасини талаб қиласди. Оммавий-ҳуқуқий низонинг асосий характеристикаси - баҳсли ҳуқуқий муносабат тарафларининг ҳуқуқий тенгсизлиги. Шундай қилиб, Д.М.Замишляев фикрича, маъмурий низонинг белгиловчи хусусиятлари - бу ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг тенг ҳуқуқлигининг йўқлигидир, яъни улардан бири ҳокимият функциялари билан таъминланганлиги; шу билан бирга, бу алоҳида юрисдикция ва унинг маҳсус процедураларини ажратиш учун сабаб бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти ҳам саналиши. Олим бу хусусиятлар ҳамма оммавий-ҳуқуқий низоларга тегишлилиги масаласини ҳам айтиб ўтади<sup>22</sup>.

Немис назарияларига кўра, оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги фарқда ҳар доим ҳам аниқ ечимга келиб бўлмайди ва у зиддиятли ҳисобланади<sup>23</sup>. Немис олимларининг фикрига кўра, агар низо келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар оммавий бўлса, низо оммавий ҳисобланади. Ўртадаги фарқни аниқлаш учун бир қатор назариялар мавжуд. Ҳозирда энг кенг тарқалганлари учта<sup>24</sup>:

- Манфаатлар назарияси. Оммавий ҳуқуқ жамоат манфаатларига хизмат қиласиган бўлса, ҳал қилувчи қоида ҳисобланади.

<sup>21</sup> Минина А.И. Критерии арбитрабильности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.

<sup>22</sup> Замышляев Д.М. Виды судебных юрисдикций в Российской Федерации: сравнительно-правовой и исторический подход: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. С. 100-101

<sup>23</sup> К различным теориям см. напр., Корр/Schenke, Kommentar zur VwGO (комментарий к АСЗ), § 40, Rn. 11.

<sup>24</sup> Хартмут Маурер : Общее административное право , 15-е издание, 2004 г., ISBN 3-406-52631-4 . Раздел 3, маргинальный номер 12.

- Бўйсунув назарияси. Юқорига бўйсунув муносабати мавжуд. Бу ҳар доим маъмурий ҳужжат ёки қарор ҳақида гап кетганда юз беради.
- Субъектнинг ривожлантирилган назарияси (махсус ҳуқуқ назарияси, Modifizierte Subjektstheorie): низони ҳал қилувчи норма фақат бир суверен томонга ҳуқуқ беради ёки мажбурият юклайди.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, ҳуқуқшунос олимлар томонидан “оммавий-ҳуқуқий низо” (ва хусусан унинг асосий кўриниши ҳисобланган “маъмурий-ҳуқуқий низо”)нинг бир неча умумий хусусиятлари кўрсатиб ўтилган: биринчидан, оммавий-ҳуқуқий низолар оммавий ҳуқуқ соҳаларига тегишли масалаларни қамраб олади; иккинчидан, оммавий-ҳуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён булади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас; учинчидан, оммавий-ҳуқуқий низоларни хал этишнинг махсус тартиби жорий этилади; тўртинчидан, оммавий-ҳуқуқий низолар турли субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича юзага келади; бешинчидан, оммавий-ҳуқуқий низолар ҳокимият субъектлари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқа оммавий қарорлар ва ҳаракатлар бўйича юзага келади.

“Оммавий-ҳуқуқий низо” ва “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчалари кўпгина ҳолатларда бир бутун ёки иккинчиси биринчисининг бир қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Т.В.Пешкова ҳам ушбу нуқтаи назарни қўллайди. Унинг фикрига кўра, маъмурий ҳуқуқий низолар томонлардан бири сифатида қатнашувчи ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек бошқа органлар ва давлат бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахслар бўлган барча низоларни ўз ичига қамраб олади<sup>25</sup>. Худди шундай мулоҳаза И.В.Панова томонидан ҳам қўлланилади<sup>26</sup>. И.М.Галий “маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа

---

<sup>25</sup> Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. Воронеж, 2014. С. 116.

<sup>26</sup> Панова И.В. Проблемы рассмотрения административных дел // Вестник ВАС РФ. 2012. № 5. С. 12–46.

оммавий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар” тушунчасини маъмурий ҳуқуқий низога нисбатан синоним деб ҳисоблайди<sup>27</sup>. Бизнинг фикримизча ушбу тушунчани маъмурий ҳуқуқий низога тўлиқ синоним дейиш нотўғри бўлса керак. Тўғри, ушбу тушунчалар қисман синоним, лекин тўлиқ равища эмас. Сабаби, юқорида биз оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасини аниқлаганимизда, маъмурий унинг бир соҳаси, яъни қисми сифатида кўриб чиқдик, чунки маъмурий бу оммавий ҳуқуқий низоларнинг бир қисми сифатида тушунилади. Бу Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддасида қўйидагича келтирилган:

Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин<sup>28</sup>.

Юқоридагидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу каби тушунча берилиши судлар ўртасидаги ишларнинг тааллуқлилиги масаласини бироз ноаниқликка олиб келади. Тўғри, кодексда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно деб келтирилиши муаммони бироз юмшатади, лекин тўлиқ ечим бера олмайди. Чунки шахс маъмурий судларга тааллуқли ишлар масаласини аниқ белгилаб олиши учун бошқа кодекслардаги(масалан, иқтисодий, фуқаролик) тааллуқли ишлар рўйхатини билишига мажбур бўлиб қолади. Бунинг натижасида шахс қайси судга мурожаат қилишида чалкашликларга сабаб бўлишига олиб келади,

<sup>27</sup> Галий И.М. Административно-правовые споры в рамках института Административного судопроизводства : проблемные вопросы содержательной характеристики // Административное право и процесс. 2007. № 1. С. 9–12.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон. 26-модда. <https://lex.uz/docs/3527353>

чунки орадаги фарқ аниқ очиб берилмаган. Вазиятни МСИЮтКнинг 26-моддаси иккинчи қисми ҳам мураккаблаштиради, сабаби маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланиб қўйилмоқда, лекин улар қайсилар эканлиги ҳақидаги савол туғилади. Демак, ушбу тааллуқлилик масаласини ҳал қилишимиз баробарида судлардаги ортиқча нотушунмовчиликларнинг олдини олинишига ёрдам беради.

А.Б.Зеленцовнинг фикрича, маъмурий-хуқукий низо — фукароларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ёки маъмурий давлат хокимияти органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги масалалари бўйича маъмурий хуқукий муносабатdir<sup>29</sup>. А.П.Алексин эса ушбу муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект томонидан бошқа томоннинг ўз хуқуқ ва эркинликлари бузилди деб ўйлаши натижасида келиб чиқадиган низолар деб ўйлади<sup>30</sup>. Н.Ю.Хаманева “маъмурий-хуқукий низо” тушунчасини юридик низонинг бир кўриниши сифатида таърифлаб, мазкур низо бошқарув жараёнида юзага келиши, субъектларнинг алоҳида мақомга эга эканлиги ва низонинг маҳсус тартибда ҳал этилиши сингари хусусиятларини кўрсатиб ўтади<sup>31</sup>. Одатда, маъмурий хуқукий низолар бошқарувчи органлар томонидан бошқарилувчи шахсларга таъсири натижасида, масалан ноқонуний ҳокимият акти қабул қилиниши ва бу таъсири шахс ўзининг хуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ўйлаганида вужудга келади. Бу каби низолар бошқарувчи томоннинг ташаббуси билан ҳам, шунингдек прокуратура органларининг маъмурий органлар хужжатлари ва ҳаракатлари устидан протест киритиши натижасида ҳам бошланиши мумкин. Бу масала Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасида ҳам қўйидагича келтирилган: қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

<sup>29</sup> Публично-правовой спор, как предмет административного судопроизводств. //доступно на сайте: [http://studies.in.ua/admin\\_proces-seminar/2125](http://studies.in.ua/admin_proces-seminar/2125) (время обращения март 2015г.)

<sup>30</sup> Алексин А.П. Административное право России. – М.: 2015, С. 56.

<sup>31</sup> Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5-13

Фуқаролар кўпинча ҳукуқни қўллаш актлари устидан шикоят қилиш ҳукуқидан кенг фойдаланадилар. Норматив ҳужжатларнинг ноқонунийлиги тўғрисида шикоятлар камроқ учрайди, аммо фуқароларнинг акт муаллифига ёки бошқа ваколатли органга бундай мурожаатлари қонунийдир<sup>32</sup>. Бизнинг Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодексимизда ҳам судга тааллуқли ишлар жумласида айнан идоравий норматив ҳукуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар келтирилган ва шахс тўсиқларсиз ушбу ҳужжатлар юзасидан низолашишга ҳақли.

Маъмурий жараённинг муҳим вазифаси суд томонидан оммавий-ҳукуқий низоларни кўриб чиқишининг ҳукуқий шакли сифатида маъмурий-ҳукуқий муносабатлар иштирокчиларининг бузилган ҳукуқлари ва эркинликларини тиклашдир. А.К.Соловёв таъкидлаганидек, маъмурий одил судловнинг асосий мақсади ноқонуний хатти-ҳаракатни тутатиш, фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив оммавий ҳукуқларини ҳимоя қилиш орқали давлат бошқаруви қонуниятининг бузилган тамоилини тиклашдир<sup>33</sup>. Фуқаро ёки ташкилот ҳукуқий ҳужжатни судга шикоят қилиш билан тегишли орган ёки мансабдор шахснинг ҳаракатлари (қарорлари) билан рози эмаслигини эълон қиласи ва ноқонуний деб эълон қилишни талаб қиласи. Ушбу турдаги муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши лозим. Бундай ҳолларда, суд мустақил ва холис ҳакамлик вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, маъмурий суд ишларини юритиш алоҳида тартибда ва процедуралар асосида юритилиши тўғрисидаги мулоҳазаларга қўшиламиз. Сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, маъмурий ишларда ҳар доим бир томон нотенг муносабатда бўлади ва бу бошқа суд процесслидан фарқ қилишига олиб келади.

---

<sup>32</sup> Бахрах Д.Н. Административное право. М., 1997. С. 45.

<sup>33</sup> Соловьев А.К. Административная юстиция в России: проблемы теории и практики: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. СПб., 1999. С. 10.

Маъмурий-хукуқий низолар соҳасида комплекс тарзда илмий изланишлар олиб борган Е.Б.Лупаревнинг фикрича, маъмурий-хукуқий низоларнинг бошка хукуқий низолардан асосий фарқи, унинг маҳсус субъект таркибига ва объектга эга эканлигидир. Маъмурий-хукуқий низоларнинг маҳсус субъекти сифатида давлат бошқаруви ваколатларига эга бўлган шахс ёки ташкилот намоён бўлади. Маъмурий-хукуқий низоларнинг обьекти бўлиб эса, бошқарув хукуқларини, қонуний манфаатларни ва оммавий бошқарув мажбуриятларини амалга ошириш тартибини ҳимоя килиш ҳисобланади. Маъмурий-хукуқий низоларнинг предмети — давлат-ҳокимият ваколатлари берилган орган ёки шахснинг субъектив бошқарув хукуқлари, мажбуриятларни амалга ошириш тартиби, таъминланмаган оммавий бошқарув манфаати. Оммавий ҳукуқлар, манфаатлар ва мажбуриятларнинг бошқарув хусусиятига эга эканлиги маъмурий-хукуқий низоларни бошка хукуқий низолардан ажратиб турувчи мезонлардан биридир<sup>34</sup>. Э.Б.Лупарев шу билан бирга маъмурий низонинг генетик таърифи бўйича ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилган ҳолда, унинг асосий хусусиятини давлат бошқаруви соҳасидаги “зиддият” деб белгилайди<sup>35</sup>.

Тегишли тартибда судга кўриб чиқишига ва ҳал қилишига берিব юборилган ишда оммавий хукуқий низонинг мавжудлиги янги ҳукуқий феноменинни юзага келтиришини ва бу маъмурий иш деб аталишини А.В.Глодина таъкидлайди<sup>36</sup>. Биз ҳам ушбу таърифга кўшилган ҳолда, “Маъмурий иш” атамаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда назарда тутилган фақат маъмурий иш юритиш тартибida кўриб чиқиладиган ишларга нисбатан қўлланилади деб ўйлаймиз. Аммо, муаллифларнинг аксарияти маъмурий иш деганда айнан маъмурий-хукуқий низони тушунишади. Бизнинг фикримизча, “маъмурий иш” ва “маъмурий

---

<sup>34</sup> Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: дис. ... док. юрид. наук. Воронеж, 2003. С.14-15

<sup>35</sup> Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора //Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002. - С.134.

<sup>36</sup> А.В.Глодина. Административное дело и административно-правовой спор: понятие и соотношение. <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/pravo/2017/03/2017-03-14.pdf>

хуқуқий низо” тушунчалари - бошқа-бошқадир. Маъмурий хуқуқий низо - бу оммавий хуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги номувофиқлик(келишмовчилик) ёки зиддият бўлса, маъмурий иш эса суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган маъмурий-хуқуқий низо, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллардир.

Юқорида келтирилган таърифларни инобатга олиб, “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги кодекснинг атамалар бўлими ёки алоҳида асосий тушунчалар деган моддасида оммавий хуқуқий муносабатларга, маъмурий хуқуқий низоларга, маъмурий иш тушунчасига таъриф бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида фуқароларда асосий тушунчалар ҳақида тасаввур пайдо бўлади, бошқа ишлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар ойдинлашади ва судга тааллуқлилик масалаларидағи чигалликлар бироз юмшалади деб ҳисоблаймиз. Шу баробарида, кодексда маъмурий органлар тушунчасига ҳам таъриф бериб ўтилса, модданинг пастки қисмида ПФ-3358, ПФ-3366 ларни ҳавола тарзида келтирса айни муддао бўлар эди.

## **1.2. Оммавий-хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш принциплари**

Қиёсий хуқуқ соҳасидаги мутахассисларнинг кўрсатмаларига қўра, илгари социалистик хуқуқ оиласига мансуб бўлган давлатлар қонунчилиги роман-герман хуқуқий оиласига яқинлашуви кузатилади<sup>37</sup>. Бугунги кунда маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 2018 йил 25 январда қабул қилиниши бундай яқинлашув мисолларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, Европада маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги машхур қонунлардан биринчиси 1952 йилда социалистик Югославияда қабул қилинган. Бу Маъмурий низолар тўғрисидаги қонун(акт) деб номланган<sup>38</sup>. Бугунги кунда собиқ Югославия республикаларида: Сербия, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговинада турли хил шунга ўхшаш қонунлар амал қиласиди. 1956 йилда Испанияда Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги қонун<sup>39</sup>, 1960 йилда Германия Федератив Республикасида Маъмурий суд процесси тўғрисидаги қонун қабул қилинди<sup>40</sup>.

Суд процеслари соҳасидаги халқаро миқёсда тан олинган стандартлар, принциплар, тавсиялар, қоидалар, мезонлар ҳар хил хуқуқий характердаги ҳужжатларда мавжуд ва улар турли даражага эга бўлиб, мос равища глобал (универсал) ёки минтақавийларга бўлинади. Халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига айланган маъмурий суд ишларининг халқаро

<sup>37</sup> Марченко М.Н. Правовые системы современного мира : учеб. пособие. М., 2008. С. 327 ; Сайдов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности) : учебник / под ред. В. А. Туманова. М., 2004. С. 373–378.

<sup>38</sup> Vučetić Dejan. Serbian judicial review of administrative acts and European standards for administration disputes // Law and Politics. 2005. Vol. 3, № 1. 2005. P. 73–90.

<sup>39</sup> Соловьев А.А., Остроумов А.А. Зарубежные модели административной юстиции : учеб. пособие для аспирантов. М., 2015. С. 105–106.

<sup>40</sup> Административное процессуальное право Германии = Verwaltungsrechtsschutz in Deutschland : Закон об административном производстве; Закон об административно-судебном процессе ; Законодательство об исполнении судебных решений : пер. с нем. / [В. Бергманн, введ., сост.]. М., 2007.

стандартлари нафақат Инсон ҳуқуқлари умумжағон декларацияси<sup>41</sup>да, балки 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тұғрисидаги Халқаро пакт<sup>42</sup>ларда ва бошқа халқаро ҳужжатларда ҳам үз аксини топған.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, тўлиқ маъмурий юстиция(шу қаторда, маъмурий суд иш юритуви) тизимишинг мажбурий белгилари қуидаги шартлар мавжудлигига боғлиқдир. Биринчидан, ташкилий шароитлар (умумий юрисдикция судлари доирасида судяларнинг ихтисослашуви ёки алоҳида маъмурий судлар кўринишидаги маҳсус органларнинг мавжудлиги). Иккинчидан, расмий (оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибининг мавжудлиги - Маъмурий процессуал кодекси). Учинчидан, моддий-таъминловчи шароитлар (судларга ижроия ҳокимиятини самарали назорат қилиш имкониятини берадиган маъмурий процесснинг минимал ҳуқуқий стандартлари мавжудлиги). Мажбурий шартларга эътибор берадиган бўлсак, принципларнинг учинчи шартда келтирилиши унинг маъмурий суд ишларини юритишида минимал стандартларни ўрнатувчи қоидалар сифатида нақадар муҳимлигини белгилаб беради.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг энг муҳим стандартлари (принциплари) 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тұғрисидаги Европа конвенциясида (кейинги ўринларда - Конвенция) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг суд амалиёти(прецедент)да баён этилган. “Стандарт” ҳуқуқий тоифаси меъёрларни ишлаб чиқиш учун бошланғич нуқтага ишора қиласи, аммо давлатларга нисбатан аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди<sup>43</sup>. Шунинг учун тегишли меъёрлар ва қоидалар белгиланиши давлатларнинг миллий қонунчилигига минимал даража касб этиб қолади, чунки давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигига

<sup>41</sup> URL: [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declhr.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml) (мурожаат санаси:11.02.2021 г.).

<sup>42</sup> URL: [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/pactecon.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml) (мурожаат санаси: 11.02.2021 г.).

<sup>43</sup> Patterson D. M. Philosophy of Law and Legal Theory: an Anthology. Oxford, 2003. P. 266.

хукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш кафолатларининг анча юқори даражасини белгилаб, бу борада кўпроқ фуқароларга эркинлик ва хукуклар белгилаганлари ҳолда ўз қонунчиликларини такомиллаштириб боришлари мумкин.

Конвенциянинг 6-моддаси 1-бандида ва 13-моддасида ушбу стандартлар (принциплар) келиб чиқадиган асосий меъёрлар келтирилган. Хусусан, Конвенциянинг 6-моддаси 1-бандига асосан, ҳар ким агар унинг фуқаролик хукуклари ва мажбуриятлари тўғрисида низо юзага келса, қонун билан белгиланган мустақил ва холис суд томонидан оқилона вақт ичида адолатли ва очиқ суд муҳокамасига киришиши ва низонинг ҳал қилиниш ҳукуқига эга. Суд қарори оммавий равища эълон қилинади, аммо демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ёки миллий хавфсизлик сабаблари туфайли матбуот ва жамоатчиликка суд мажлисининг тўлиқ ёки бир қисми давомида қатнашишига, шунингдек, вояга етмаганларнинг манфаатлари талаб қилганда ёки томонларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ёки суднинг фикрига кўра, бу аниқ зарур бўлганда - адолат манфаатларига кўра ошкоралик бузилиши мумкин бўлган алоҳида ҳолатларда рухсат берилмаслиги мумкин.

Жумладан, Конвенциянинг 6-моддасида келтирилган “фуқаролик хукуклари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низо” деган жумла юқоридаги модда орқали таъминланаётган кафолатни бир қарашда маъмурий суд иш юритуви доирасида қўллаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикрга олиб келади, лекин ундан 1971 йил 16 июлдаги Рингеисен иши ва 1978 йил 28 июндаги Коениг иши бўйича Европа судининг инсон ҳукукларига доир қарорлари “фуқаролик хукуклари ва мажбуриятлари” формуласининг баъзи маъноларини очиб беришга имкон берди. Маъно шуни англатадики, ушбу сўз бирикмаси, ҳатто, у шахс ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги низо бўлса ҳам, шунингдек, қайси орган ушбу қарорни қабул қилишга ваколатли ва қайси қонунга асосан низо ҳал бўлишидан қатъи назар “натижаси хусусий

характердаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан ҳал қилувчи бўлган ҳар қандай процедурани” қамраб олади<sup>44</sup>.

Шунингдек, Конвенциянинг 13-моддасига биноан, Конвенцияда тан олинган ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳатто бу расмий равишда ҳаракат қилган шахслар томонидан бузилган тақдирда ҳам улар давлат органи томонидан тъминланадиган самарали ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқига эга.

Юқорида келтирилган нормаларнинг таҳлили чет эл юристларига маъмурий иш юритишининг асосий стандартларини (тамойилларини) аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга, турли муаллифлар бироз бошқача принциплар (стандартлар) тўпламларини ҳам таклиф қилишади. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам юқоридаги нормаларга таянган ҳолда бир неча асосли стандарт(принцип)ларни келтириб ўтамиш:

- 1) қонун асосида тузилган суд томонидан ишларнинг кўриб чиқилиши;
- 2) суднинг мустақиллиги ва холислиги, ишни кўриб чиқишида ошкоралик;
- 3) самарали ҳуқуқий ҳимоя;
- 4) репрессив ҳуқуқий ҳимоя;
- 5) одил судлов;
- 6) ишни кўриб чиқиши учун асосли ва оқилона муддатлар;
- 7) суд қарорларининг мажбурий бажарилиши.

Европа Кенгашининг маъмурий суд ишларини юритиши стандартлари моделининг асосий элементларини батафсил муҳокама қилиш учун “судни фақат қонун асосида тузилиши” каби элемент билан бошлиш мақсадга мувофиқ. Конвенциянинг 6-моддасида суд “трибунал” сифатида номланган ҳамда низони трибунал томонидан ҳал қилиш талаби ҳам мустаҳкамланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг белгиланган суд амалиётида келтирилган “Трибунал” атамасининг талқинига асосланиб, трибунал маҳсус

<sup>44</sup> Дело «Ле Комт (Le Compte), Ван Левен (Van Leuven) и Де Мейер (De Meyere) против Бельгии : постановление Европейского суда по правам человека от 23 июня 1981 г. // Европейский суд по правам человека. Избранные решения : в 2 т. М., 2000. Т. 1. С. 342–343.

давлат органи сифатида тушунилади ва унинг мақсади суд функцияларини (қонун ваколати доирасидан келиб чиқиб, ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат) қонун устуворлиги принципидан фойдаланган ва қонунда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда бажаришдан иборат. Бошқа элементлар сифатида – “мустақиллик” ва “суднинг холислиги” кабиларни келтиришимиз мумкин, яъни суд ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиш талабига жавоб бериши, суд жараёни тугагунига қадар холис бўлишини англатади. Суднинг мустақиллиги бу унинг ташқи таъсирсиз ишларни ҳал қилиш қобилиятидир. “Муайян органни мустақил деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқлигини аниқлаш учун, бошқа жиҳатлар қатори, унинг аъзоларини тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколат муддати, ташқи босимга қарши кафолатлар мавжудлиги ва бу ташкилот қай даражада мустақил эканлиги ҳам ҳисобга олиниши керак”(1989 йилги Инсон ҳукуқлари бўйича Европа судининг Лангборгер қарши Швецияга қарори<sup>45</sup>). БМТнинг асосий принципларида белгиланган суд ҳокимияти мустақиллигининг 1985 йилдаги минимал стандартлари Европа Кенгashi томонидан Вазирлар Қўмитасининг Р (94) 12-сонли судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли ҳақидаги тавсияномасини аъзо давлатларга қабул қилиш учун асос бўлди<sup>46</sup>. Ушбу тавсияномада кўрсатилган қоидаларга кўра, суднинг мустақиллиги кафолати куйидаги талабларга асосланади: судьялар сонининг етарлилигига, уларнинг иш хавфсизлигига, тегишли тайёргарлик даражасига, суд ҳокимияти ёрдамчи ходимларнинг етарли таркибиغا ва тегишли моддий-техник таъминланганлик даражасига. Энг муҳим суд мустақиллигининг омиллари сифатида суднинг мақоми ва судьяларнинг иш ҳақи масаласи келтирилади, ўз навбатида, бу икки омил судьянинг касбига ва унинг иш ҳажмига мос бўлиши керак. 1998 йилда Европа Кенгashi ҳомийлигида қабул қилинган судьялар мақоми тўғрисидаги Европа Хартияси<sup>47</sup>нинг умуний тамойилларини таҳлил қилиш асосида ҳар бир

<sup>45</sup> Langborger v Sweden. URL: [http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515#{"itemid":\["001-57515"\]}](http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515#{)

<sup>46</sup> Langborger v Sweden. URL: [http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515# {"itemid":\["001-57515"\]}](http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515# {)

<sup>47</sup> URL: [http://www1.umn.edu/humanrts/russian/euro/RRec\(94\)12.html](http://www1.umn.edu/humanrts/russian/euro/RRec(94)12.html) (мурожаат санси: 11.02.2021 г.).

судьяга нисбатан мустақиллик, холислик ва компетентлик талаблари кўулланилади (чунки суд амалиёти соҳасида тажрибаси кам ва юриспруденция соҳасида етарли билимга эга бўлмаганлар орасида суд мустақиллиги тўғрисида сўз юритишнинг ўзи хато). Польша Олий Маъмурий суди судьяси маъмурий қарорлар устидан суд назорати самарадорлиги тўғрисидаги ҳисобот<sup>48</sup>да таъкидлаганидек, ушбу фазилатлар қуидагиларга кўра ўзига хос аҳамиятга эга бўлади, яъни маъмурий судлар судьяларига нисбатан ижро этувчи ҳокимият органлари таъсирига тушиб қолиш хавфи ва улар ваколатларининг тор ихтисослашуви. Ҳокимиятлар тақсимланиши судларнинг мустақиллиги ва холислиги талабининг асоси бўлган принцип ҳисобланади<sup>49</sup>.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя принципи Европадаги маъмурий ҳужжатларни суд томонидан кўриб чиқища тамал тоши сифатида тушунилади. Ушбу стандарт суднинг ваколатларини вазиятни қонунчиликка мослаштириш учун зарур бўлган тузатиш чораларини кўришга кафолатлаш учун мўлжалланган. У, хусусан, қуидагиларни назарда тутади:

зарар етказиши мумкин бўлган маъмурий ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича дастлабки чоралар (дастлабки ҳимоя чоралари)<sup>50</sup>, қарорларни қабул қилиш имконияти;

маъмурий ҳаракатлар ва қарорларни қабул қилиш тўғрисида буйруқ бериш ваколати;

қарорларни қабул қилиш ва маъмурий ҳаракатларнинг олдини олиш имконияти, шу жумладан, маъмурият маъмурий ихтиёрига кўра чекланган ҳолатларда, маъмурият ўз ваколатларидан чиқсан ҳолда ҳаракат қилган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда(ultra vires)<sup>51</sup>.

<sup>48</sup> URL: <http://www.kaluga.arbitr.ru/law/docs/5> (дата обращения: 11.02.2021 г.).

<sup>49</sup> Vučetić Dejan. Op. cit. P. 83–84.

<sup>50</sup> Recommendation № R (89) 8 of the Committee of Ministers to member states on provisional court protection in administrative matters / Adopted by the Committee of Ministers on 13 September 1989 at the 428th meeting of the Ministers' Deputies. URL: <https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/>

<sup>51</sup> Р.О.Опалев. О ключевых европейских стандартах (принципах) в сфере административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 2, 2017. Ст 21

Самарали хуқуқий ҳимоя стандарты амалдаги низоли маъмурий актни суд қарори билан алмаштириш имкониятини истисно этмайди. Шундай қилиб, маъмурий ишларни кўриб чиқаётган суд ҳар қандай ҳолатда ҳам юридик жиҳатдан қонуний, мажбурий қарорларни қабул қилиш хуқуқига эга бўлиши керак, тавсия ва маслаҳатлар бериш имконияти берилшининг ўзи етарли ҳисобланмайди, агар одатда шундай қилинса ҳам (“Bentham v Netherlands” иши)<sup>52</sup>. Инсон хуқуқлари бўйича Европа суди томонидан қўлланилган терминологияга қўра, суд низо бўйича “тўлиқ юрисдикция” хуқуқига эга бўлиши ёки “етарлича суд назорати” ни амалга ошириши керак («Tsfayo v. United-Kingdom» иши). Шунингдек, самарали хуқуқий ҳимоя қилиш принципи судга нафақат маъмурий ариза (шикоят)нинг моҳиятини кўриб чиқиши, балки маъмурий ариза (шикоят) қаноатлантирилгандан кейин қандайдир товон пули тайинлаш (зарарни ундириш) ваколатига эга бўлиши мумкинлигини назарда тутади. Қоида тариқасида, компенсация алоҳида қарор орқали амалга оширилади. Суд, шунингдек, бирон бир томонни суд харажатларидан озод қилган ҳолда, уни оқлаш хуқуқига эга бўлиши керак<sup>53</sup>.

Европада маъмурий низоларда (маъмурий ҳужжатларни суд томонидан кўриб чиқиши, маъмурий суд ишларини юритиш) хуқуқий ҳимоя одатда репрессивдир. Бу шуни англатадики, ушбу хуқуқий ҳимоя ўз табиатига қўра кейинги навбатдагилик характерига эга. Ҳимоя аллақачон қабул қилинган (садир этилган) маъмурий ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш орқали таъминланади. Маъмурий иш юритиш билан бир вақтда амалга ошириладиган ёки маъмурий иш юритишни бузадиган маъмурий хатти-харакатлар устидан суд назорати маъмурий фаолиятга сезиларли даражада зарар етказиши ва тўғридан-тўғри ҳокимиятлар бўлиниш принципига зид равища ижро ҳокимияти ваколатларига номуқобил таҳдид сифатида қаралиши мумкин. Маъмурий суд иш юритувида дастлабки суд назорати истисно бўлиб

---

<sup>52</sup> Право Европейской конвенции по правам человека. М., 2016. С. 602.

<sup>53</sup> Vučetić Dejan. Op. cit. P. 82.

хисобланади, яъни фақат тор доирадаги ишларда дастлабки ҳуқуқий ҳимоя қўлланилишига рухсат этилади<sup>54</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида одил судлов стандарти, ўз навбатида, бир нечта элементлардан иборат деб ҳисобланади:

- процессда томонларнинг тенглиги;
- талаб қилувчи томонга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- суд қарорининг асослантирилганлиги<sup>55</sup>.

Суд ҳар бир тарафдан тақдим этилган далилларни ўрганиши ва ҳеч бир томон бошқа томонга нисбатан маълум муҳим устунликларга эга бўлмаслиги керак. Муҳтоҷ бўлган ва мустақил равишда ҳимояни ўзи таъминлай олишга қодир бўлмаган томонга, агар у одил судлов манфаати учун зарур бўлса, юридик ёрдам кўрсатилиши керак<sup>56</sup>. Суд қарорининг асослантирилганлиги суд таркиби томонидан баъзи далилларни қабул қилишнинг аниқ асосланганлиги, бундай далилларни батафсил таҳлил қилинганлиги, бошқа томоннинг тақдим этган эътиrozлари ва рад этишлари ўрганиб чиқилганлиги, тақдим қилинган фактлардан сабабий боғланиш шакллантирилганлигини англатади.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя сингари ишларни кўриб чиқишида асосли ва оқилона муддат стандарти императив характерга эга бўлиб, иш оқилона муддат доирасида якунланиши, шу қаторда, суд қарорлари қабул қилинишининг муддатларини белгилаш суд мустақиллиги принципига зид бўлмаслиги лозим. Ушбу стандартнинг амалий натижаси сифатида шуни айта оламизки, у суд тизимини шундай ташкил қилиши керакки, унда фуқароларнинг ҳуқуқлари оқилона муддат доирасида ҳимоя қилиниши даркор.

Умуман олганда, ишларни кўриб чиқишида асосли ва оқилона муддат мезонларига риоя қилиш аксарият давлатларда муаммоли масаладир. Инсон

---

<sup>54</sup> Vučetić Dejan. Op. cit. P. 84.

<sup>55</sup> Д.В.Галушко. Международные стандарты административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 1, 2016. Ст 42

<sup>56</sup> Wasek-Wiaderek M.The Principle of «Equality of arms» in criminal procedure under Article 6 of the European convention on Human Rights. Leuven, 2000.

хуқуқлари бўйича Европа суди ушбу мезонни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги жиҳатларни аниқлайди: ариза берувчининг ва жавобгарнинг хатти-ҳаракатлари, ишнинг мураккаблиги, давлат органининг ишни кўриб чиқиш жараёнига ёндашуви, суд муҳокамасининг узокроқ муддатини оқладиган аниқ ҳолатлар. Баъзи давлатларнинг миллий қонунчилигига ишни маълум маъмурий орган томонидан судгача кўриб чиқиш босқичи мажбурийдир; шунга мос равища, бундай ҳолларда, ишни кўриб чиқиш муддати судгача берилган процедуранинг давомийлигига боғлиқ бўлиб, оқилона муддатларнинг ошиб кетиши тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқишида Инсон хуқуқлари бўйича Европа суди томонидан ҳисобга олинади. Шунингдек, Европа суди суд қарорини ижро этиш вақтини ҳам инобатга олади.

Суд қарорини ижро этиш мажбурияти суд томонидан муҳофазаланиш хуқуқининг кафолати сифатида қаралади. Судга шикоят беришда ҳар бир шахс нафақат низоли ҳаракатни бекор қилишни, балки уни қабул қилишнинг салбий оқибатларини бартараф этишни ҳам мақсад қиласди. Шахсни ҳимоя қилиш ва унинг бузилган хуқуқларини тиклаш ўз ичига ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъектнинг суд қарорига мувофиқ тегишли чораларни кўриш мажбуриягини ҳам қамраб олади. Агар давлат органлари суд қарорларининг бажарилишини кечиктирса ёки уларни бажаришдан умуман бўйин товласа, бундай ҳолатда Конвенция 6-моддасида тақдим қилинган кафолатлар ўз маъносини йўқотади.

Шуни таъкидлаш керакки, айнан ҳалқаро стандартлар дунёning турли мамлакатларида, хуқуқий тартибга солишининг турли соҳаларида, шу жумладан маъмурий суд ишларини юритиш бўйича норматив кўрсатмаларни уйғунлаштириш механизмига айланмоқда.

Юқорида биз ҳалқаро принцип(стандарт)ларни бирма-бир санаб уларга етарли равища изоҳ бериб ўтдик. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодексда келтирилган принципларга тўхталиб, уларга қисқача изоҳ бериб, ҳалқаро принципларнинг баъзи бир қоидаларини қўллаш масалаларини хulosса сифатида ёритиб ўтсак мақсадга

мувофиқ бўлади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда принципларга алоҳида боб ажратилган бўлиб, 8-16-моддаларда уларга таъриф берилб үтилган. Унга кўра, маъмурий суд ишларини юритиш қуидаги принципларга таянган ҳолда амалга оширилади: одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳукуқлилиги, маъмурий суд ишлари юритиладиган тил, суд муҳокамасининг ошкоралиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, маъмурий ишларни қонун хужжатлари асосида ҳал қилиш, суд хужжатларининг мажбурийлиги.

Юқорида санаб үтилган принципларга эътибор берадиган бўлсак, уларни халқаро принциплар билан уйғунлигига амин бўламиз.

Биринчи принцип ҳақида сўз юритар эканмиз, маъмурий ишлар бўйича одил судлов Кодексда белгиланган қоидалар бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади. Бу орқали биз ҳеч қайси орган ёки ташкилот одил судловни олиб боришига ваколатли эмаслигини, одил судлов фақатгина Кодексда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда олиб борилиши тўғрисида фикрга эга бўламиз.

Иккинчи принципга кўра, маъмурий ишлар бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, юридик шахсларнинг эса мулкчилик шаклидан, жойлашган еридан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади. Бу принципнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 18-моддасида мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Учинчи принцип ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар; судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-

бир тарзда аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади; судьялар мустақиллигининг кафолатлари қонун билан белгиланади. Бунинг ҳам хуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 112-моддасида кўришимиз мумкин. Шунингдек, Жиноят кодексининг 236-моддаси диспозициясига кўра, суд ишларини ҳал этишга аралashiш,adolatciz хукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш жиноят таркибини беради. Бундан келиб чиқиб айта оламизки, принципда келтириб ўтилган жавобгарлик чораси қонуний тартибда Жиноят кодексида мустаҳкамланган. Судьялар мустақиллигининг кафолатлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қолинмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунда у тўлақонли акс этган.

Тўртинчи принцип қоидаларига кўра, маъмурий суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва teng хуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда, тарафлар ўз процессуал мажбуриятларини бажариши ва ўзларига берилган хуқуқларни амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиб беради. Суд маъмурий иш бўйича барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўради. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, фуқаролик процессида томонлар юридик жиҳатдан teng ва ўзаро тортишувчанлиги билан характерланади, яъни суд ишни кўриб чиқишида тарафлар томонидан тақдим қилинган далилларга таянади. Оммавий хуқуқий муносабатларда эса бир томонда фақат маъмурий органлар, яъни давлат органлари қатнашишини, субъектлар нотенглигини инобатга олган ҳолда, маъмурий суд ўз ташаббуси билан иш ҳолатларини кўриб чиқиши, тушунтиришлар, тарафлар келтирган далиллар билан чекланмаслиги, йўл қўйилган расмий хатоларни бартараф этиши, ноаниқ талабларни аниқлаштириши ва тушунтириши, тўлиқ бўлмаган фактларни тўлдириши ўринлидир. Шундагина, суд процесси tengлик ва тортишувчанлик принципларига амал қилинган ҳолда,adolatli равища

ўтади деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам судга маъмурий иш бўйича барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўриш ваколати тақдим қилинган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, маъмурий суд иш юритуви бошқа ишларни кўриб чиқишидан тубдан фарқ қиласи ва бунда соғ шаклдаги тортишувчанлик қандайдир равишда мавжуд эмас. Маъмурий суд иш юритишида томонларнинг тортишувчанлиги ва тенглиги субъектлар муносабатларининг нотенгсизлигини мувозанатга келтириш мақсадида суднинг фаол роли билан амалга оширилади. Маъмурий суд ишларини юритишида суднинг фаол роли, бошқа жиҳатлар қатори, объектив ҳақиқатни излашга қаратилган, чунки тортишувчанлик принципи суднинг иш юритувдаги фаол ролини истисно этмайди, албатта бунда суд холислиги таъминланган бўлиши даркор. Юқоридагиларга кўра, маъмурий суд иш юритуви принциплари қаторига суднинг фаол ролини киритиб ўтишни тавсия қиласиз.

Бешинчи принцип тилга оид ҳисобланиб, унга мувофиқ, маъмурий суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Маъмурий суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан танишиш, суд ҳаракатларида иштирок этиш ҳамда судда ўз она тилида ёки эркин танланган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуки таъминланади. Суд муҳокамаси жараёнида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари суд мажлиси қайси тилда ўтказилган бўлса, ўша тилда тузилади. Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекснинг 220-моддасига биноан, суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Навбатдаги принципга мувофиқ, судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилади. Давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда, ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилади. Ишни ёпиқ мажлисда видеоконференцалоқа режимида эшитишга

йўл қўйилмайди, бундай мажлиснинг аудио- ва видеоёзуви эса амалга оширилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошкора ўқиб эшиттирилади. Конституциянинг 113-моддасида белгиланишича, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Айнан қонунда белгиланган ҳоллар ҳар бир процессуал кодексда суд жараёнининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда келтириб ўтилган.

Суд маъмурий ишни қўриб чиқиша иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шарт ва уларга бирма-бир баҳо беради.

Суд маъмурий ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари асосида ҳал қиласиди. Маъмурий ишларни қўриб чиқиша қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдасига талқин этилади.

Ҳалқаро принципларда ҳам тилга олинган суд ҳужжатларининг мажбурийлиги айнан миллий қонунчиликда ҳам ўз ўрнини топган. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим. Суд ҳужжатларини бажармаслик қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноят кодекси 232-моддасига биноан муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юқорида биз ҳалқаро ва миллий принципларни санаб ўтиб, уларга қисқача таъриф бериб ўтдик. Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ҳалқаро принцип ҳисобланган самарали ҳуқуқий ҳимояни миллий

қонунчиликка тұлақонли татбиқ қилишимиз ўринли ҳисобланади. Чунки самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи судга нафақат маъмурий ариза (шикоят)нинг моҳиятини кўриб чиқиш, балки маъмурий ариза (шикоят) қаноатлантирилгандан кейин қандайдир товон пули(зарарни ундириш) тайинлаш ваколатига эга бўлиш имкониятини яратади. Халқаро миқёсда қоида тариқасида, компенсация тайинлаш алоҳида қарор орқали амалга оширилади. Бу қоидани ўрнатишимиз ва маъмурий судларга тааллукли ишлар қаторига зарарни ундиришни қўшишимиз орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада таъминланади, ортиқча вақт сарфлашлар олди олинади. Зеро, бу ҳолат ҳозирда фуқаролик судлари ваколати доирасида бўлғанлиги сабабли маъмурий судлар орқали ҳал этилган ишларнинг зарарни ундиришга оид қисми учун жисмоний ва юридик шахслар алоҳида тартибда фуқаролик судларига мурожаат қилишларига тўғри келмоқда.

## II БОБ. ОММАВИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

### 2.1. Германияда маъмурий ишларни күриб чиқишининг хусусиятлари

Тарихан Farb мамлақатларида маъмурий одил судловнинг иккита асосий тизими ёки моделлари ривожланган: континентал ва англо-саксон . Бу фикрни шу соҳада изланиш олиб борган В.В.Бойцова ва Л.В.Бойцов ҳам мустаҳкамлаб, маъмурият устидан суд назоратининг иккита асосий модели мавжудлигига тўхталишади. Биринчи модел: маъмурий судлар тизимиға эга бўлмаган давлатлар, уларнинг айримларида бошқа шунга ўхшаш тузилмалар мавжудлигини истисно этмайди, масалан, маъмурий трибуналлар (Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия). Г.И.Никеров трибуналларни Британиянинг ўзига хос ҳодисаси ва “норасмий” судлар деб айтади. Улар маъмурият ва умумий судлар ўртасида оралиқ мавқега эга<sup>57</sup>. Иккинчи модел: маъмурий судлар ишлайдиган давлатлар (Франция, Германия, Италия, Австрия, Финляндия, Швеция, Греция, Испания, Польша, Истроил ва бошқалар)<sup>58</sup>. Изланиш олиб бораётган соҳамиздан четга чиқмаслик мақсадида маъмурий судлов моделларига, уларнинг фарқли жиҳатларига чукур тўхталмай, айнан режамиз асосида Германияда маъмурий ишларни күриб чиқилишини очиб беришимиз мақсадга мувофиқ ва шу орқали танланган давлатларимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб моделлар ҳақида умумий тасаввур ҳосил қиласиз.

Самарали суд ҳимояси ва давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан суд контролини амалга ошириш мақсади<sup>59</sup>га мувофиқ Германиядаги маъмурий суд процеслари барча процессуал масалаларни қамраб оладиган муайян принциплар асосида қурилган<sup>60</sup>. Судьянинг маъмурий суд ишлари

---

<sup>57</sup> Цит. по: Административное право зарубежных стран. С. 64.

<sup>58</sup> Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Системы судебного контроля за администрацией: классические модели и модификации. Материалы семинара. — М., 2002. — С. 18–31.

<sup>59</sup> Kaufmann M. Untersuchungsgrundsatz und Verwaltungsgerichtsbarkeit. Mohr Siebeck, 2012. S. 400.

<sup>60</sup> Nolte J.J. Die Eigenart des verwaltungsgerichtlichen Rechtsschutzes. Grund und Grenzen der Anwendung des Zivilprozessrechts im Verwaltungsprozess. S. 6.

доирасидаги ҳаракатлари, авваламбор, маъмурий суд ишларини юритишнинг процессуал тамойиллари билан белгиланади. Маъмурий суд ишларини юритиш принциплари маъмурий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш бўйича процессуал қонунчиликка асосланган асосий қоидалардир<sup>61</sup>. Германия маъмурий судлари тўғрисидаги қонуни (*Verwaltungsgerichtsordnung*<sup>62</sup>)га мувофиқ принциплар қаторига қўйидагилар келтирилади: диспозитивлик (*Dispositionsgrundsatz*), ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиш (*Untersuchungsgrundsatz*), далилларни эркин баҳолаш (*Grundsatz der freien Beweiswürdigung*), ишларни суднинг расмий фаолияти доирасида олиб бориша ишга диққатлилик (*Amtsbetriebs- und Konzentrationsgrundsatz*), тингланиш ҳуқуқи (*Grundsatz des rechtlichen Gehörs*), оғзаки муҳокама, бевоситалилик, ошкоралик (*Mündlichkeit — Unmittelbarkeit — Öffentlichkeit*), шунингдек одил судлов принциплари<sup>63</sup>. Эътиборли жиҳати, Германия маъмурий процессуал қонунчилигига принципларнинг ҳаммаси ҳам алоҳида нормада келтирилмаган, уларни процессуал қонунчилик таҳлили давомида аниқласа бўлади<sup>64</sup>. Немис маъмурий ҳуқуқининг бошқа давлат, шу жумладан француз ҳуқуқ тизимидан асосий фарқи шундаки, немис маъмурий суд органлари, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг суддаги ҳимоясини назарда тутади. Ушбу қоида Германия Конституцияси 1-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>65</sup>.

Ҳар қандай маъмурий акт, унинг (мажбурий) ижроси, шунингдек, баъзи ҳолларда қонуности ҳужжатлар устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкин. Судга тааллуқлилик масаласини аниқлаб олишимиз учун шикоят объектларини фарқлай олишимиз ўринли.

<sup>61</sup> Kaufmann M. Указ. соч. S. 19.

<sup>62</sup> Текст Закона об административном производстве на немецком языке: <http://www.gesetze-iminternet.de/vwvfg/>. См. также Административно-процессуальное право Германии (под редакцией В.Бергманна), 2-е издание, Москва/Берлин 2013.

<sup>63</sup> Юрген Кипп. Ведение процесса судьей в административном судопроизводстве (*Handling of proceedings by the judge in the administrative court procedure*) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 273-279 с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

<sup>64</sup> Grunsky. Grundlagen des Verfahrensrechts. S. 16.

<sup>65</sup> Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 5-бет

Германияда суд ҳокимияти беш тармоқ<sup>66</sup> бўйича иш юритади: фуқаролик ва жиноий ишлардан ташқари давлат органлари томонидан етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга ваколатли бўлган умумий юрисдикция судлари (*ordentliche Gerichtsbarkeit*), мансабдор шахслардан ташқари барча меҳнат муносабатлари жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал қилувчи меҳнат судлари (*Arbeitsgerichtsbarkeit*), биринчи навбатда, (давлат) ижтимоий сугуртага оид ишлар тааллуқли бўлган ижтимоий судлар (*Sozialgerichtsbarkeit*), солиқ низоларини ҳал қиладиган молиявий судлар (*Finanzgerichtsbarkeit*), оммавий ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қиладиган маъмурий судлар (*Verwaltungsgerichtsbarkeit*). Маъмурий суд ишларини юритиш жараёни “Маъмурий судлар тўғрисида”ги Федерал қонун (*Verwaltungsgerichtsordnung*) билан тартибга солинади.

Бугунги кунда Германия маъмурий судлари тизими учта инстанциядан ташкил топган, яъни 52 та ўлкаларнинг маъмурий суди(*Verwaltungsgerichte*) биринчи инстанция судлари ҳисобланиб, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан фуқаролар томонидан берилган ҳар қандай шикоятларни кўриб чиқади; 14 та юқори маъмурий суд(*ObERVERWALTUNGSGERICHTE*) иккинчи инстанция ҳисобланиб, суд низоларини баъзи бир ҳолларда биринчи инстанция сифатида кўриб чиқиб ҳал қилиш билан бирга куйи маъмурий судларнинг қарорларига нисбатан апелляция инстанция суди ҳисобланади; маъмурий ишлар бўйича Олий суд вазифасини (охирги инстанция) Лейпциг шаҳрида жойлашган Федерал олий маъмурий суди(*BUNDESVERWALTUNGSGERICHT*) бажариб, унинг ваколатига асосан юқори маъмурий судларнинг қарорларини текшириш(ревизия)дан иборат<sup>67</sup>.

<sup>66</sup> Дмитрий Маренков. Судебная система Германии. Краткий обзор (Das deutsche Gerichtssystem im Überblick) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung <> Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), www.drv.org

<sup>67</sup> Йорг Пуделька. Виды иска в административном судопроизводстве на примере Германии (The different types of action in administrative court proceedings — the German example) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 206-217 с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

“Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасига кўра, конституциявий хуқуқ соҳасига тегишли бўлмаган барча оммавий хуқуқий низолар маъмурий судларда кўриб чиқилади, лекин шу ўринда қонунда баъзи бир истиснолар ҳам келтирилган. Жумладан, “агар федерал қонун бўйича ушбу низоларни ҳал қилиш тўғридан-тўғри бошқа суд ваколатига кирмаса” деган жумла қонунда мустаҳкамланган. Демак, ушбу жумла орқали қонун ижодкори даъво обьекти конституциявий хуқуқ соҳасига тегишли бўлмаган оммавий хуқуқий низо бўлса ҳам қонун нормалари орқали бу ишлар бошқа судларга тааллуқлилиги(abdrängende Zuweisung)ни назарда тутмоқда. Бундай нормаларга “Молия судлари тўғрисида”ги Низом(Finanzgerichtsordnung<sup>68</sup>)нинг 33-моддаси(параграф)даги, “Ижтимоий судлар тўғрисида”ги қонун(Sozialgerichtsgesetz<sup>69</sup>)нинг 51-моддасидаги қоидалар киради. Бундан ташқари, “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддаси 2-қисмида маъмурий судлар томонидан кўрилмайдиган ишлар келтирилган. Бундан қелиб чиқиб қисқача хулоса қилса бўладики, Германия маъмурий судлари юрисдикциясига юқоридаги истиснолардан ташқари барча оммавий хуқуқий низо(öffentlich-rechtliche Streitigkeit)лар киради.

Германия қонунчилигига маъмурий судларнинг оммавий хуқуқий низоларни кўриб ҳал этишда баъзи бир чекловлари мавжуд.

- Маъмурий судларга мурожаат этиш учун шахс аввал юқори турувчи органга ариза билан мурожаат этиши лозим. Агарда шахс ушбу орган томонидан қабул қилинган қарордан норози бўладиган тақдирда, маъмурий судларга мурожаат этишлари мумкин.
- Низоларнинг оммавий хуқуқийлик табиати икки мустақил бўғинга ажralади: ижтимоий низолар бўйича судлар ҳамда молиявий низолар бўйича судлар.

<sup>68</sup> Текст Положения о финансовых судах на немецком языке: <http://www.gesetze-im-internet.de/fgo/>.

<sup>69</sup> Текст Закона о социальных судах на немецком языке: <http://www.gesetze-im-internet.de/sgg/>.

- Оммавий хуқуқий тартибдаги заарни қоплаш билан боғлиқ низолар фуқаролик суд тизимида кўриб чиқилади<sup>70</sup>.

Маъмурий судлар тўғрисидаги қонунда даъволарнинг 5 тури кўрсатиб ўтилган. Биринчиси баҳслашув тўғрисидаги даъволар (Anfechtungsklage), мажбуриятни бажариш ҳақидаги даъволар (Verpflichtungsklage), мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий даъволар (allgemeine Leistungsklage), хуқуқий муносабатни тан олиш ҳақидаги даъволар (Feststellungsklage), қоидани ҳақиқийлигини текшириш тўғрисидаги даъволар (Normenkontrollklage). Конституциянинг 19-моддаси 4-бандига мувофиқ, ҳар ким оммавий хуқуқда конституциявий хуқуқлари бузилган тақдирда судга мурожаат этиш тўғрисидаги қоида мавжуд<sup>71</sup>. Бу шуни англатадики, агар қонун бўйича юқорида келтирилган даъвалардан биронтасига тўғри келмаса, фуқаро ҳар қандай ҳолатда ҳам мурожаат этиш хуқуқига эга. Бундай даъволар “sui generis” деб аталиб<sup>72</sup>, таржимаси “ўзига хос”<sup>73</sup> даъво шаклида келади.

“Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонун(кейинги ўринларда МСТҚ)га мувофиқ, даъваларнинг асосий кўринишини баҳслашув тўғрисидаги, мажбуриятни бажаришни таъминлаш тўғрисидаги даъволар ташкил этади. Баҳслашув тўғрисидаги даъвонинг обьекти маъмурий хужжат(акт), тўғрироғи унинг бекор қилиниши хисобланади. Даъвогарнинг (миллий қонунчиликда аризачи) хуқуқларини қонунга хилоф тарзда чиқарилган маъмурий хужжат бузаётган бўлса, у суд томонидан бекор қилиниши лозим(МСТҚнинг 113-моддаси 1-банди). Бундай даъво аризаси(миллий қонунчиликда ариза)ни бериш хуқуқига шикоят қилинган маъмурий хужжат шахснинг хуқуқларини чеклаётганлигига ишончли сабаб ва асослар мавжуд бўлсагина топширилади. Баҳслашув тўғрисидаги даъво МСТҚнинг 74-моддасида белгиланган

<sup>70</sup> Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 6-бет

<sup>71</sup> Текст Основного Закона на немецком и английском языках: <http://www.gesetze-im-internet.de/gg/>.

<sup>72</sup> Анастасия Бергер, Нина Веш. Административный процесс в Германии (Verwaltungsprozess im deutschen Recht) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung <> Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), ст. 32-47, [www.drjv.org](http://www.drjv.org)

<sup>73</sup> Sua generis // The New Dictionary of Cultural Literacy. — Houghton Mifflin Harcourt, 2002. — P. 79. — ISBN 0618226478, [ISBN 9780618226474](http://www.hmhco.com).

маъмурий хужжат топширилганидан кейин бир ойлик муддат ичиди берилиши керак. Ушбу шарт фақат даъвогарга шикоят қилиш тартиби ёзма равища тушунтирилган тақдирда кучга эга (Belehrung, § 58 МСТК), акс ҳолда шикоят муддати бир йилни ташкил этади.

Мажбуриятни бажариш тўғрисидаги даъво фуқарога керакли маъмурий хужжат (акт) берилмаган бўлса, яъни маъмурий орган ҳаракатсизлиги (Untätigkeitsklage, § 75 МСТК) ёки сўралган хужжатни бериш рад қилинганлиги ҳолатида мурожаат қилинади. Мажбуриятни бажариш тўғрисидаги даъво фуқаро томонидан аллақачон маъмурий органдан ушбу хужжатни қабул қилиш тўғрисида илтимос қилинган бўлсагина берилиши мумкин. Акс ҳолда даъво моҳиятан кўриб чиқишга қабул қилинмайди. Бунда бир жиҳатни эътиборга олиш ўринли, суд маъмурий органнинг хужжатини хоҳлаган тарзда ўзгартира олади ёки хужжат қабул қилишга мажбур қила олади деб тушунмаслик керак, бу, шубҳасиз, ҳокимиятлар бўлиниш принципига зид ҳам ҳисобланади. Суд фақатгина қонунда кўрсатилган ваколатлар амалга оширилмасдан қўпол бузилганда ёки тегишли чегарадан ўтилганда хужжатни бекор қилиши ёки қарор қабул қилишга мажбурлаши мумкин (§ 114 МСТК), қолган ҳолатларда суд маъмурий органга аниқ қарор қабул қилишни мажбур қила олмайди, фақатгина даъвогар фойдасига унинг хуқуқий баҳосини ҳисобга олган ҳолда ишни ҳал қилишга мажбур қиласди (Bescheidungsurteil , § 113 МСТК 5-банд).

“Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонунда мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий даъволар (allgemeine Leistungsklage) тўғридан тўғри берилмаган. Мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий даъво субсидиардир. Бу дегани, у янада самарали даъво қилиш имконияти мавжуд бўлса, суд томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди. Масалан, агар фуқаро аввало маъмурий органдан талаб қилган субсидия тўланишини сўрайдиган бўлса, у биринчи бўлиб ушбу хуқуқни белгилайдиган хужжатни чиқаришни талаб қилувчи мажбуриятни бажариш тўғрисидаги даъвони киритиши лозим. Субсидия ушбу ҳолатда ҳам тўланмайдиган бўлсагина,

фуқаро мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий даъво билан мурожаат қилишга ҳақли. Яна бир мисол сифатида қуйидагини келтиришимиз мумкин, агар тадбиркор унинг хўжалиги жойлашган жойга олиб борувчи таъмирталаб йўлни давлат томонидан таъмирланишини талаб қилмоқчи бўлса, бу ҳолатда кўриниб турибдики, хуқуқий ҳаракат, яъни маъмурий акт қабул қилиниши шарт эмас, балки фактик ҳаракатнинг ўзи етарли. Демак, суд даъвони қаноатлантирса, маъмурий органга ушбу йўлни таъмирлашни юклashi мумкин<sup>74</sup>.

Хуқуқий муносабатни тан олиш ҳақидаги даъво (Feststellungsklage) аризаси маълум бир хуқуқий муносабат мавжудлиги ёки йўқлигини тан олиш масаласи бўйича берилади (§ 43 МСТҚ). Шу билан бирга, икки ёки ундан ортиқ шахслар учун муайян хуқуқий оқибатларга олиб келадиган аниқ қонуний ҳолатларга нисбатан муайян қонун нормаларини қўллаш мумкинми ёки йўқми аниқ бўлади. Хуқуқий муносабатларни эътироф этиш тўғрисидаги даъвога, биринчи навбатда, даъвогар маълум иқтисодий ёки маънавий манфаатдор бўлган тақдирда, иккинчидан, агар бошқа ҳеч қандай даъво тури ушбу масалани ҳал қилиш учун яроқсиз бўлса, йўл қўйилади. Яъни, агар маълум бир аниқ маъмурий хужжат мавжуд бўлса, унда даъвогар у бўйича даъво қўзғатиб, баҳслашиши керак. Бу ҳам мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий даъволар сингари субсидиарлигини (Subsidiarität) англатади. Мисол учун агар тадбиркор ва маъмурий орган ўртасида маълум бир фаолият билан шуғулланиш учун умуман рухсат зарур бўладими ёки йўқми деган низо келиб чиқса, у ҳолда ҳал қилиш зарурати масаласи хуқуқий муносабатларни тан олиш тўғрисидаги умумий даъво билан текширилади.

Қоида(норма)ни ҳақиқийлигини текшириш тўғрисидаги даъволар ушбу норма томонидан унинг хуқуқлари бузилганлиги тўғрисида шикоят қилувчи хусусий шахс томонидан ҳам, шунингдек уни қўлловчи маъмурий орган

---

<sup>74</sup> Йорг Пуделька. Виды иска в административном судопроизводстве на примере Германии (The different types of action in administrative court proceedings — the German example) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 210 с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

томонидан ҳам берилиши мумкин. Иккаласи ҳам норматив ҳуқуқий хужжат нашр этилган кундан бошлаб бир йил ичидан берилиши мумкинлиги түғрисидаги муддатга амал қилиши керак(§ 43 МСТҚ 2-банд). Ушбу суд ишларини юритиш жараёнида даъвогарнинг ҳуқуқларини бузиш имкониятидан қатъий назар юқори маъмурий суд ушбу норматив ҳужжатнинг қонунийлигини текширади. Унинг қарори умуммажбурий характерга эга(*Allgemeinwirkung*).

Маъмурий суд ишларини юритища даъвони таъминлаш катта рол ўйнайди (*einstweiliger Rechtsschutz*). Германияда даъвони таъминлашнинг бир-биридан фарқ қилувчи икки хил шакли мавжуд: ҳаракатни тўхтатиб қўйишни ўрнатиш ёки уни тиклаш (*Anordnung oder Wiederherstellung der aufschiebenden Wirkung* §§ 80-81 МСТҚ) ва вақтинчалик даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни чиқариш (*einstweilige Anordnung*, § 123 МСТҚ). ҳаракатни тўхтатиб қўйишни ўрнатишнинг моҳияти қўйидагича: МСТҚ 80-моддасининг 1-бандига мувофиқ, баҳслашиш (ёки эътиroz) учун даъво бериш тўхтатиб турувчи ҳаракатга олиб келади, яъни маъмурий орган низога учраган маъмурий актнинг ижросини то у инкор этиб бўлмайдиган ҳолга келгунича (*unanfechtbar*) талаб қила олмайди, масалан, суд иш юритуви тутагунича (§ 80b МСТҚ). Бу шуни англатадики, баҳслашиш (ёки эътиroz) тўғрисидаги даъволарда даъвони таъминлашни қўллаш шарт ҳам эмас, яъни маъмурий ҳужжатнинг ҳаракати ўз-ўзидан музлатилганлигини билдиради. Аммо, МСТҚ 80-моддасининг 2-бандида буни истисно қилувчи тўртта ҳолат мустаҳкамланган. МСТҚ 123-моддасига кўра, суд шу қаторда илтимосномага асосан даъво тақдим қилингунига қадар ҳам аризачининг ёки манфаатида ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса, вақтинчалик даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни чиқаришга ҳуқуқи мавжуд.

Маъмурий судлар тўғрисидаги қонун шикоят қилишнинг имкониятларини қўйидагича фарқлайди: апелляция (*Berufung*, §§ 124-130b

МСТК), ревизия (Revision, §§ 132-144 МСТК) ва шикоят (Beschwerde, §§ 146-152 МСТК).

Апелляция шикоят қилишнинг асосий шакли ҳисобланади, бунда иш янги далиллар эвазига қайта кўриб чиқилади. Бироқ, апелляция биринчи инстанция суди ёки апелляция инстанция суди томонидан рухсат берилиши керак. Рухсат бериш ҳақидаги қоида суд иш юритуvida қўшимча жараённинг пайдо бўлишига олиб келади (Zulassung der Berufung). Апелляция куйидагиларга асосланган ҳолда берилиши лозим:

1. Суд қарорига нисбатан жиддий шубҳалар бўлган тақдирда;
2. Ишда фактик ёки юридик характернинг асосий қийинчилиги топилганида;
3. Иш принципиал аҳамиятга эга бўлганида;
4. Суднинг қарорида Юқори маъмурий суднинг, Федерал маъмурий суднинг, Конституциявий суднинг ҳамда Юқори судлар Федерациясининг бирлашган сенати қарорларига нисбатан зидлик мавжуд бўлса;
5. Процессуал хатолик аниқланган тақдирда.

Худди апелляция сингари ревизияга ҳам рухсат берилиши керак. Ревизия федерал қонуннинг (Verletzung von Bundesrecht) бузилишига(суд қарорининг асосланмаганлиги, суд таркибининг нотўғрилиги) асосланган бўлиши мумкин, шунинг учун текширишнинг бу тури истисно ҳукуқий саволларни ҳал қилишга хизмат қиласи (§ 137 МСТК). Ревизия суди қарорнинг юридик жиҳатдан қонунийлигини текширишдан иборат, фактларнинг ҳақиқийлигини текшириш эса бунга кирмайди. Шикоят эса судлар томонидан чиқарилган қолган барча қарорларга нисбатан берилиши мумкин(§ 146 МСТК)<sup>75</sup>.

---

<sup>75</sup> Анастасия Бергер, Нина Веш. Административный процесс в Германии (Verwaltungsprozess im deutschen Recht) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung <> Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), ст. 32-47, www.drjv.org

Оммавий ҳуқуқий низолар бўйича аксарият даъволар ўлкаларнинг маъмурий судларига биринчи инстансия судлари сифатида берилади. Даъво бериш учун илтимоснома ва иложи борича даъвогарнинг аниқ талабларини ўз ичига олган даъво аризаси талаб қилинади. Суд иш учун аҳамиятли бўлган барча далилларни аниқлаши шарт. Жумладан, агар бу ҳақиқатни ошкор қилиш учун зарур бўлса, гувоҳларни сўроқ қилиши, яъни суд терговини ўтказиши лозим. Суд ушбу мажбуриятни томонлар аниқ шаклда далилларни тақдим этмаган тақдирда амалга оширади, бу ҳолда ишнинг ҳолатларини маъмурий жиҳатдан аниқлаштириш принципи қўлланилади. Давлат органлари ишга оид маълумотларни ва ҳуқуқий ҳужжатларни чекловсиз тақдим этиши шарт. Судларга ҳуқуқий ва идоралараро ёрдамни кўрсатишнинг мажбурийлигини “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси ҳам яққол акс эттиради. Суд суд ишларини олиб бораётганда ва қарор қабул қилаётганда конституцияда кафолатланган процессда иштирок этиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги талабни бажариши шарт. Умуман олганда, амалдаги маъмурий процессуал қонунчилик ишнинг муҳим ҳолатларини тўлиқ батафсил текширишни ва ушбу ҳолатларни барча мумкин бўлган ҳуқуқий жиҳатлар нуқтаи назаридан ҳар томонлама баҳолашни талаб қиласди. Юқорида таъкидлаганимиз каби агар фуқаро маъмурий судга мурожаат қиласдиган бўлса, ҳар хил турдаги даъволарни ҳолатга қараб қўллаши мумкин. Апелляция шикояти ва даъво аризаси муддат масаласи бўйича бир-бирига ўхшаш, яъни иккала ҳолатда ҳам маъмурий акт эълон қилинганидан кейин ёки шикоят бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин бир ой ичидаги берилиши керак. Агар қарор устидан баҳслашиш тўғрисида даъво аризаси берилган бўлса, маъмурий суд қарама-қарши бўлган маъмурий ҳужжатнинг объектив нуқтаи назардан ноқонуний эканлигини ва натижада даъвогарнинг субъектив ҳуқуқлари бузилганлигини текширади. Агар мажбуриятни бажаришга мажбурлаш тўғрисида даъво берилган бўлса, у ҳолда суд маъмурий ҳужжатни рад этиш ёки бажармаслик қонунга хилоф бўлган ёки бўлмаганлигини ва даъвогарнинг субъектив ҳуқуқлари бузилганлигини текширади. Апелляция

шикояти ва қарор устидан баҳслашиш тўғрисидаги даъво ҳаракатни тўхтатиб қўювчи таъсирга эга(бу ҳақида юқорида ёритилган эди). Қарор, одатда, оғзаки суд муҳокамаси асосида қабул қилинади, бунда суд таркиби учта профессионал судья ва иккита профессионал бўлмаган судьядан иборат бўлади. Мураккаб бўлмаган оддий масалаларни кўришни ягона судья бўлган профессионал судьялардан бирига юбориши мумкин. Эътиборли жиҳати, миллий қонунчиликдан фарқли ўлароқ Германия қонунчилиги бўйича биринчи инстанция судлари(ўлка маъмурий судлари)да ҳам ҳайъат тузилиб, у ишларни уч судьядан ва икки халқ маслаҳатчисидан иборат таркибда, юқори маъмурий судларда сенат тузилиб, у ишларни уч судьядан ёки беш судьядан(икки нафари халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин) ёхуд беш судья ва икки нафар халқ маслаҳатчисидан иборат таркибда, Федерал судларда ҳам сенат тузилиб, беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқиши мумкин. Бизнинг маъмурий қонунчилик бўйича халқ маслаҳатчилари маъмурий ишларда қатнашиши бўйича қоида мавжуд эмас. Фикримизча, оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларда халқ маслаҳатчиларининг қатнашишини жорий қилиш ўринли ҳисобланади, сабаби айнан бир томон маъмурий бошқарув ваколатларга эга ишларни кўриб чиқишида халқ вакиллари фуқаро манфаатида қонуний қарор чиқарилишига ўз таъсирини қўрсатиши мумкин. Шунингдек, Германия “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуни 32-моддасига кўра, халқ маслаҳатчиларига ҳам қонунда кўрсатилган миқдорларда компенсациялар ва пул мукофотлари тўланишини инобатга олиб, айнан шу тартибни ўз миллий қонунчилигимизга жорий этиш самарали ҳисобланади деб ўйлаймиз.

Юқорида биз ўлка маъмурий судларида ишлар ҳайъатда ҳамда якка судья томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритдик. Ҳайъат ишнинг принципиал аҳамиятга эга эмаслигини ва соддалигини инобатга олиб, ишни якка тартибда профессионал судья томонидан кўриб чиқишига бериши мумкин. Шу қаторда, “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига биноан, маъмурий судларда куйидаги судьялар

ишлаши мумкин: синов муддатидаги судьялар, вақтингчалик судьялар, топшириқ бўйича судьялар. Эътиборли жиҳати, синов муддатига олинган судьялар биринчи бир йиллик муддатларида маъмурий ишларни якка тартибда кўриб чиқишига ҳақли эмаслар(МСТҚ 6-модда). Шундан келиб чиқиб, нафақат маъмурий судларда балки бутун суд тизимида дастлаб судьяларни синов тариқасида ишга қабул қилиш тартибини жорий қилиш, туманлараро судларда ҳайъатларни тузиш ва худди Германия қонунчилиги сингари стажёр судьяларнинг биринчи бир йилликларида ишларни якка тартибда кўришларига йўл қўймаслик тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Ваҳоланки, биринчи йил ишга қабул қилинган судья қўпинча хатоликларга йўл қўяди, бу эса фуқароларнинг хукуқлари сабабсиз бузилишига йўл очиб беради, юқорида келтирилган тартиб эса ушбу камчиликларни бартараф қилиб, судьянинг тажрибасини оширишига, тажрибали судьялардан тегишли ўрнак олишга, иш юритилиши тартибини янада мукаммал ўрганиб олишига сабабчи бўлади деб ҳисоблаймиз.

Юқори маъмурий судлар қуии судларнинг чиқарган қарорлари юзасидан берган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, у юзасидан тегишли қарор чиқаришига ваколатли. Илгари маъмурий суднинг ҳар бир қарори устидан шикоят қилиш мумкин эди, аммо Германия қонун чиқарувчилари кўп йиллар олдин, яъни 1997 йилда, апелляция шикоятини қабул қилиш тўғрисидаги Низомни ўрнатдилар. “Маъмурий судлар тўғрисида”ти қонуннинг 124-моддасига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар апелляция шикоятини фақатгина бу қонунда рухсат берилган ҳоллардагина беришлари мумкин. Фуқаро шикоятни қонунда кўрсатилган тегишли талабларни бажарган тақдирдагина беришга ҳақли. Апелляция шикояти билан суд қарорига шикоят қилиш имкониятининг қонуний чекланиши иккинчи инстанция судларининг иш ҳажмини камайтириш учун зарурдир ва бу мураккаб бўлмаган ишларни ёки хукуқий муаммолар деярли ечимини топган ишларни тезда ва ортиқча харажатларсиз тугатишга кўмак беради. Маъмурий суд томонидан апелляцияни беришга йўл қўймаслик ҳолатлари жуда кенг тарқалган. Бундай

холатда, манфаатдор томон шикоят беришига рухсат олиш учун маҳсус илтимоснома топшириши керак. Шунга мувофиқ, юқори маъмурий суд апелляция шикоятини ҳал қилиш учун асос бор ёки йўқлиги тўғрисида оғзаки суд муҳокамасиз қарор қабул қиласиди. Манфаатдор томон нуқтаи назаридан, юқори маъмурий суд томонидан апелляция шикоятини беришнинг энг муҳим асослари биринчи инстанция томонидан қабул қилинган қарорнинг адолатли эканлигига жиддий шубҳалардир. Муваффакиятли шикоят қилишга рухсат олинганидан кейин апелляция тартибига ҳам биринчи инстанция суд ишларига нисбатан худди шундай қоидалар қўлланилади. Апелляция суди ҳам ишни қути маъмурий суд сингари пухта ўрганишга мажбур ва ваколатлидир. Агар юқори маъмурий суд шу пайтгача олинган фактлар фикрни шакллантириш учун етарли эмас деб ҳисобласа, у қўшимча равишда уларни олиши керак. Масалан, биринчи инстанцияда чақирилган гувоҳлар қайтадан сўроқ қилинади ёки бўлмасам қайтадан воқеа жойи кўздан кечирилади. Юқорида таъкидланганидек, юқори маъмурий судлар апелляция инстанция вазифасини бажаради, лекин қонунда кўрсатилган баъзи истисно ҳолатларда биринчи инстанцияда ишларни ҳам кўриб чиқади(МСТҚ 47-48-моддалар). Муҳим жиҳати, юқори маъмурий судлар бошқа немис судлари каби парламент томонидан чиқарилган расмий қонунларни ҳақиқий эмас деб топиш ваколатига эга эмас, бу ваколат фақатгина Федерал Конституциявий суд ва ерларнинг конституциявий судларига берилган. Юқори маъмурий судлар ишларни уч профессионал судья таркибида кўради, шу қаторда ерлар ишни кўришни беш судья, улардан икки нафари жамоатчилик тарзида фаолият олиб борадиган нопрофессионал судьялар таркибида кўришни белгилашлари мумкин<sup>76</sup>.

Учинчи инстанция вазифасини бажарувчи Федерал маъмурий судларга мурожаат қилиш юқори маъмурий судлар каби эркин ҳисобланади. Бу

---

<sup>76</sup> Вольфганг Шлик. Структура и функции юрисдикции административных судов в Германии (Structure and functions of administrative courts' jurisdiction in Germany) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 126-129-с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

инстанцияда ишларни қайта кўриб чиқишига апелляция инстанциясидаги каби рухсат бериш тартибидан ўтганидан кейингина йўл қўйилади. Рухсат олиш эса аниқ асослар мавжуд бўлганда берилади. Ушбу асослар апелляция инстанциясига рухсат олиш асосларига қараганда янада камроқдир. Ишни бу инстанцияда қайта кўриш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган асослар мавжуд бўлиши ёки юқори маъмурий суд суд иш юритувида хатоларга йўл қўйган бўлиши керак. Натижада бу шуни англатадики, иккинчи инстанциядан кейин учинчи инстанцияга мурожаат қилиш мураккаб ва анча қийин, биринчи инстанциядан иккинчига мурожаат қилишга қараганда. Ишни қайта кўришни юқори маъмурий суд ёки Федерал маъмурий суд тайинлайди. Агар ишни қайта кўриб чиқиш тайинланган бўлса, Федерал маъмурий суд шикоят қилинган қарорда ҳуқуқий хатолар мавжудлигини текширади. Федерал маъмурий суд юқори маъмурий суддан фарқли ўлароқ, шикоят қилинган қарорни фақат ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқиши, текшириши мумкин. Текшириш даражасининг чегараланганилиги, авваламбор, Федерал маъмурий суд ишнинг ҳолатларини аниқлаштиришда юқори маъмурий суд натижалари билан боғлиқлигига намоён бўлади. Федерал маъмурий суд мустақил равишда иш бўйича фактларни ололмайди. Бу суд ваколати фақатгина ҳуқуқий нормалар контроли(назорати) билан чекланган. Агар Федерал маъмурий суднинг фикрига кўра, барча керакли фактлар аниқланмаган бўлса, унда кассация суди мавжуд бўлмаган фактларини аниқлаш ва кейин қайта қарор қабул қилиш тўғрисидаги талаб билан юқори маъмурий судга қайтариши керак. Ушбу қоида ишни кўриб чиқишида келиб чиқадиган камчиликларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Агар томонлардан бири қонуний асосларда у айтган гувоҳнинг сўроқ қилиниши кераклиги тўғрисида шикоят қилса, Федерал маъмурий суд бундай ҳолатда гувоҳни тинглай олиш имкониятига эга эмас ва натижада камчиликни бартараф қила олмайди. Бундай ҳолатда Федерал маъмурий суд қарорни бекор қилиши ва сўроқ қилинмаган гувоҳни сўроқ қилиш ва хатони тўғрилаш мақсадида ишни иккинчи инстанцияга қайтариши керак. Текшириш даражасининг қўшимча чекланиши, кассация суди ишни ҳар

бир хуқуқий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқа олмаслиги ва умуман олганда, бундай хуқуққа эга эмаслигидан келиб чиқади. У фақатгина юқори маъмурий суд шикоят қилиш хуқуқини тўғри талқин қилганлигини ёки ишлатганлигини текшириши мумкин. Бунда фақатгина Европа Иттифоқини ва умумий халқаро хуқуқни ўз ичига олган федерал миқёсдаги, яъни федерал қонунлардаги хуқуқлар шикоят қилина олади. Федерал маъмурий судларда қарор чиқаришда беш нафар профессионал судья, оғзаки суд мухокамасисиз чиқариладиган қарорларда эса уч нафар судья иштирок этади<sup>77</sup>.

Хулоса сифатида Германияда оммавий хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишининг хусусиятларини таҳлил қилиб, биз ўзимизда керакли тавсияларни ҳосил қилдик. Жумладан, “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, маъмурий судларга юқорида келтирилган баъзи истиснолардан ташқари барча оммавий хуқуқий низолар тегишлилигини инобатга олиб, ўз миллий қонунчилигимизда ҳам Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасидаги суд томонидан ҳал этиладиган ишлар тоифасини белгилаб, маъмурий судлар кўрадиган ишлар доирасини чеклаб қўйишимиз мақсадга мувофиқ эмас. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга, ҳарбий судларга тааллуқли бўлмаган барча оммавий хуқуқий низоларни кўриш маъмурий судларнинг ваколати жумласига киритилиши ўринли деб ҳисоблаймиз. Агар биз маъмурий судлар барча оммавий хуқуқий низоларни кўришини белгиласак, шунда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси 2-қисмидаги “Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин” деган жумлани олиб ташлаш керак. Шунингдек, айнан шу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган қоидалар маъмурий судларнинг барча оммавий

---

<sup>77</sup> Вольфганг Шлик. Структура и функции юрисдикции административных судов в Германии (Structure and functions of administrative courts' jurisdiction in Germany) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 129-130-с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

хуқуқий низоларни кўришларига тўсқинлик яратади ва бу фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига ҳам сабабчи бўлмоқда. Назарий жиҳатдан оладиган бўлсак, оммавий-хуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида фақат ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён булади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас ва юқорида олимларнинг фикрлари, халқаро стандартлардан келиб чиқиб айтдикки, оммавий-хуқуқий низоларни хал этишнинг маҳсус тартиби мавжуд, яъни принциплари, иш олиб бориш тартиби, қатнашувчи шахслар, суднинг ишга позицияси бошқа судларга нисбатан ўзгачадир. Шуларни инобатга олиб, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозимлиги мазмунан, моҳиятнан ҳамда назарий жиҳатдан нотўғри ҳисобланади. Аксинча, бу ваколатни маъмурий судларга бериш ёки бундай талабларни бирлаштирумаслигимиз мақсадга мувофиқ. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари – маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси қилиб белгиланиши, шунингдек, жиноят, фуқаролик, иқтисодий судлар умумий юрисдикция судлари сифатида бирлаштирилиши, маъмурий судларни алоҳида чиқарилиши ҳам юқоридаги қоиданинг мазмунан хатолигини билдиради.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, Германияда маъмурий судларга мурожаат этиш учун шахс аввал юқори турувчи органга ариза билан мурожаат этиши лозим. Агарда шахс ушбу орган томонидан қабул қилинган қарордан норози бўладиган тақдирда, маъмурий судларга мурожаат этишлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, ушбу амалиётни бизнинг қонунчилигимизга ҳам татбиқ қилиш масаласини ўйлаб кўриш керак деб ўйлаймиз. Сабаби, фикримизча, бу орқали биринчидан, суддаги иш ҳажми сезиларли равища

камаяди, иккинчидан, маъмурий ишларнинг тезда ҳал қилинишига эришилади, учинчидан, маъмурий органлар чиқараётган хужжатларнинг сифати ошади, чунки улар энди суд томонидан эмас, балки юқори турувчи орган томонидан бекор қилинади, натижада органлар устидан назорат кучаяди, тўртинчидан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг ҳақиқий ижроси таъминланади, мансабдор шахсларнинг ушбу қонунни қўллаш амалиётидаги камчиликлари бартараф этилади, қонун ҳақида тушунчага эга бўлинади(аҳоли томонидан ҳам), бешинчидан маъмурий органларнинг масъулияти ва жавобгарлиги ошиб боради. Юқоридагиларга кўра, ушбу амалиётни қонунчилигимизга татбиқ қилишимиз, тез эмас, лекин секин-аста ўз фойдасини бериб боради деб ўйлаймиз.

## **2.2. АҚШда оммавий-маъмурий ишларни кўриб чиқиши тартиби**

Умумий ҳуқуқ оиласига тегишли давлатларда шаклланган маъмурий юстициянинг англо-саксон модели ҳам бошқа давлатлар учун қатта қизиқиши уйғотади. Маъмурий юстициянинг англо-саксон модели билан континентал модели қиёсан таҳлил қилинганда асосли тарзда қайд қилинадики, тўлиқ маъмурий судлар мавжуд бўлмаган давлатларда (мисол учун, Буюк Британия ва АҚШ) давлат бошқарувининг турли соҳаларида (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий) фаолият олиб борувчи маъмурий квазисудлов органларининг (улар турлича номланиши мумкин: трибунал, кенгаш, қўмита, комиссия, агентлик, бюро ва ҳатто моҳияттан ундай бўлмасада, судлар деб ҳам) сони сезиларли равишда кўп бўлади<sup>78</sup>.

Бир вақтнинг ўзида англосаксон ҳуқуқий оиласига тегишли давлатларнинг кўпчилигида кенг доирадаги низоларда мажбурий судгача тартибда маъмурий юстиция органларига мурожаат қилиш принципи амал қиласиди. Фақатгина ваколатли квазисуд органларида кўрилган ишларгина умумий судларда кўриб чиқиши учун қўзғатилиши мумкин<sup>79</sup>.

Маъмурий юстициянинг англосаксон тизими афзалликлари сифатида мослашувчанликни, норасмийликни, квазисуд органлари ходимларининг юқори даражада малака ва тажрибага эгалиги туфайли ишларни тез ҳал қилиниши, худди шунингдек, маъмурий низоларни кўриб чиқиши процедурасининг қиёсан арzonлигини алоҳида қайд этса бўлади. Камчилик сифатида уларнинг қонунда белгиланган, аниқ ваколатларида кўрсатилган предмет бўйича иш кўрадиган махсус ташкилотлар эканлиги, шунга мос равишда, ҳар бир шундай орган барча тоифадаги маъмурий ишларни кўриб

<sup>78</sup> Соловьев А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – М., 2017. – 60 с.

<sup>79</sup> Зеленцов А.Б. Учебно-методический комплекс и методические рекомендации по изучению курса «Административная юстиция». – М.: Изд. РУДН, 2011. – С. 51; Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // . <[http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG\\_141.htm](http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm)>

чиқмасдан, фақатгина уларга бевосита тегишли ишлар кўриб чиқилиш ҳолатини эътиборга олишади<sup>80</sup>.

АҚШ маъмурий юстициясининг асосий жиҳатларидан бири бу унинг ягона, умумдавлат суд тизими мавжуд эмаслигидир. Шунинг учун ҳар бир штатда ўзининг суд тизими ва шу билан биргаликда федерал суд тизими фаолият кўрсатади. Шу ўринда шуни қайд этиш керакки, штатлар судлари ҳеч бир жиҳатдан федерал судлар бўйсунуvida эмас ва ҳисобдор ҳам эмас. АҚШда биринчи маъмурий муассасалар 1855 йилда қабул қилинган қонун билан молия соҳасидаги қонунбузишилар устидан шикоятлар натижасида ташкил этилган. Шу пайтдан бошлаб АҚШда шу каби маъмурий муассасалар ташкил топиши ривожлана борди<sup>81</sup>. Ўзининг тўлиқ институционал ҳолатини XX асрнинг бошларида, яъни умумий судлар билан биргаликда маҳсус маъмурий органлар ўз фаолиятини олиб бораётганларида мустаҳкамлади. Бу органлар ўзларининг квазисудлов ваколатлари доирасида фуқаролар ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги маъмурий низоларни кўриб чиқар, шунинг учун ҳам ўз ваколати доирасидан келиб чиқиб уларни маъмурий трибуналлар деб аташган. АҚШда квазисудлов ваколатларига эга бўлган шикоят суди (Претензионный суд), солик суди ва турли федерал агентликлар маъмурий трибуналлар деб аталади<sup>82</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бошқа давлатлардан фарқли тарзда Америка Кўшма Штатларида суд ҳокимияти тармоғига кирмайдиган, ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари қонунийлиги устидан назоратни таъминлайдиган квази судлар ёки трибуналлар ташкил этилган<sup>83</sup>. АҚШ маъмурий юстицияси тизимининг

<sup>80</sup> Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // <[http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG\\_141.htm](http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm)>

<sup>81</sup> Gussakovskii P.N. Administrative Justice [Administrativnaya yustitsiya]. Zhurn. Min. yust. - Magazine of the Ministry of Justice, 1906, 82-83 p.

<sup>82</sup> Бояхчян С. Административные суды США и Франции в контексте рецепции опыта создания административной юстиции (Administrative courts of the U.S.A. and France in the context of reception of experience of administrative justice creation) Московский государственный юридический университет имени О. Е. Кутафина.

<sup>83</sup> Qosimov, B. (2018) "Administrative justice and forms of its organization: national and foreign experience," Review of law sciences: Vol. 2 : Iss. 2 , Article 4. Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol2/iss2/4](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss2/4)

ташкилий хусусиятларини кўриб чиқищда иккиланмасдан айта оламизки, айнан юқорида келтирилган квазисудлов органлари (департамент, агентлик, комиссия, бюро ва бошқалар) асосий ролни ўйнайди. Ушбу агентликлар ижроий ва мустақилга бўлинади. Биринчи турдаги агентликларнинг асосий жиҳати уларнинг бошида Президент томонидан тайинланадиган ва унинг олдида жавобгар ҳисобланадиган мансабдор шахсларнинг туриши. Ўз ўрнида мустақил маъмурий агентликлар Конгресс томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини тартибга солиш учун тузилади<sup>84</sup>.

Америка маъмурий одил судловининг ўзига хос хусусияти бу турли хил функция ва ваколатларнинг биргина федерал агентликда жамланганидир, лекин хуқуқий мақом ва тузилишига кўра судлардан анча фарқ қиласидан маъмурий агентлик маъмурий хуқуқий низо келиб чиқса, холис суд органи каби ишни адолатли ҳал қила оладими деган савол туғилади? Судлов ва маъмурий квазисудлов қарорларининг асосий фарқи унинг процедурасида эмас, балки институционал жиҳатида. Умумий юрисдикция суди судьяси камдан-кам ҳолларда низо бўйича шу соҳада эксперт эгаллаган билимларга эга бўлади ва ҳар бир янги ҳолатга батафсил ва тўлақонли киришишга ҳаракат қиласиди. Бунга қиёсан маъмурий судья Конгресс томонидан эълон қилинган сиёsatни амалга ошириш мақсадларига эришиш учун янада фаол ва ижобий мажбуриятга эга. Уларнинг муваффақияти Федерал агентликнинг Конгресс ёки Президент томонидан тақдим этилган мақсадларга эришишда ижобий натижалари билан боғлиқ. Бундан ташқари, улар, қоида тариқасида, кўриб чиқилаётган иш бўйича эксперт бўлиб, шунинг учун маҳсус билимларга асосланган қарор қабул қила олишади. Шуни таъкидлаш керакки, Америка маъмурий адъюдикация доирасида қўплаб савол ва муаммолар мавжуд. Адолатни тиклаш учун тўсиқ сифатида, американлик хуқуқшунос Питер Уолл, қонунлар, кўрсатмалар ёки ахлоқий меъёрлар йўқ қила олмайдиган ва тан

---

<sup>84</sup> Слепченко Вероника Андреевна. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России (Some aspects of administrative justice in foreign countries and in the Russian Federation), <http://injust-journal.ru/wpcontent/uploads/2020/04/%D0%A1%D0%BB%D0%B5%D0%BF%D1%87%D0%B5%D0%BD%D0%BA%D0%BE.pdf>

олинган тақдирдагина уни бартараф қилиб бўладиган таъсирнинг нозик институционал шакллари сақланиб қолмоқда деб таъкидлайди<sup>85</sup>. Агентлик ходимлари параллел равишда ўзларининг асосий функциялари ҳисобланган хуқуқ ижодкорлигига диққатни жалб қилишлари керак, чунки адъюдикация жараёнидан кейин кўпинча тегишли тузатишлар ва тўлдиришни талаб қиладиган камчиликлар ва қонунлардаги бўшликлар аниқланади (нимага асосан низо чиқкан бўлса). Нима сабабдан қонун чиқарувчи квазисудлов жараёнидаadolатли қарор чиқариш классик суд жараёни каби қийин эмас деб ўйлайди, агар ундей деб тан олмаса, нимага маъмурий судьяларни (агентликдаги) тайинлаш талаблари федерал судьяларнидан анча паст?<sup>86</sup>

Демак, бундан хулоса қилса бўладики, АҚШ маъмурий одил судловида ҳам кўриб турганимиздек, ўз муаммо ва камчиликлари мавжуд. Буни нимага келтириб ўтмоқдаман, чунки изланишларим давомида шунга амин бўлдимки, маъмурий судлов ҳеч бир давлатда мукаммал ва камчиликлардан ҳоли эмас, балки ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб ўзининг давлатига мос моделни шакллантириб боради. Ҳар бир модел ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга ва бунга ўша давлатда истикомат қилаётган аҳоли ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, унга кўнишиб боради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қисқача қилиб айтганда шуни айтмоқчиманки, хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, таҳлил қилиб, уни тубдан такомиллаштирасдан, яъни натижани билмасдан кўр-кўrona хорижий тажрибани имплементация қилгандан кўра фақатгина камчиликларни бартараф қилса ва ўз моделимизни яратиб борсак ўринли деб биламан.

АҚШда маъмурий судлар билан кўриб чиқиладиган маҳсус маъмурий судлов тартиби мавжуд эмас<sup>87</sup>. “Маъмурий юстиция” атамаси орқали АҚШ амалиётидан келиб чиқиб, ижро ҳокимиияти фаолиятидан келиб чиқадиган

<sup>85</sup> Woll, P. Administrative law: the informal process / P. Woll. – Berkeley, CA : University of California Press, 1974. – 188 p.(203 бет)

<sup>86</sup> Carp, R. A. Judicial Process in America / R.A.Carp, R. Stidham. – 5th ed. – Washington, D. C. : Congressional Quarterly Press, 2001. – 421 p.(425)

<sup>87</sup> Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М.: Инфра-М-НОРМА, 2001. – С. 195.

низоларни ҳал қилиш билан шуғулланувчи барча квазисудлов органлари ва мансабдор шахсларни тушунишади. Деярли барча ижро ҳокимияти органлари қайсиdir даражада квазисудлов функцияларини бажаради<sup>88</sup>.

АҚШ 5-қонунлар тўпламининг 551-бўлимидаги шундай белгиланганки, маъмурий агентлик сифатида унинг бошқа агентликка бўйсунганинидан қатби назар барча ҳокимият вакилларини тушуниш керак, истисно тариқасида ташқи ишлар органлари ва ҳарбийлар келтирилади. Ҳудди шу бўлимда яна бир жиҳат белгиланганки, маъмурий агентликларга Конгресс (парламент), одил судлов органлари, пойтахт округини бошқарувчи органлар, ҳарбий органлар, шунингдек, штатларнинг қонунчилик органлари кирмайди. Бир вақтнинг ўзида, масалан, АҚШнинг ҳарбий кучлари Департаменти хусусий шахслар билан ҳарбий бўлмаган характердаги муносабатларда маъмурий агентлик сифатида қатнашади<sup>89</sup>.

Таъкидлаш жоизки, америкалик юристларнинг нуқтаи назаридан, белгиланган анъанага кўра, маъмурий хуқуқ учта обьектни тартибга солади: маъмурий хуқуқ ижодкорлиги; маъмурий квазисудлов фаолиятини; маъмурият устидан суд назоратини<sup>90</sup>.

Шу билан бирга, АҚШдаги маъмурий агентликлар кенг ваколатларга эга, шу жумладан, бевосита уларнинг ваколатига тегишли ҳуқуқий масалалар, низолар бўйича қарорлар қабул қилиш соҳасида. АҚШ давлат қурилмасининг федерал шаклларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий органлар тегишли ваколатлар билан штатлар миқёсида ҳам ўз фаолиятини олиб боришади. Юридик мустақилликка эга бўлган ва хусусий шахслар ва маъмурий ҳокимият ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш вазифаси юклатилган

<sup>88</sup> Лафитский В.И. Административная юстиция в США // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. – 2003. – № 1. – С. 178.

<sup>89</sup> Караманукян Д.Т. Административная юстиция США: монография. – Омск: Омская юридическая академия, 2014. – С. 51

<sup>90</sup> Богдановская И.Ю., Данилов С.Ю., Зеленцов А.Б. и др. Административное право зарубежных стран. Учебник / под ред.: Козырина А.Н., Штатина М.А. – М.: Спартак, 2003. – С. 362.

маъмурий агентликнинг мансабдор шахси маъмурий судьялар деб номланади<sup>91</sup>.

Юқорида келтирилган квазисудлов органларининг иш тартиби ҳақида гапирадиган бўлсак, 1946 йилда маъмурий ишларни маъмурий трибуналлар орқали кўриб чиқиш қонун кучига эга бўлган “Маъмурий процедура тўғрисида”ги Федерал акт билан тартибга солинган. Шу каби актлар бошқа кўплаб штатларда ҳам қабул қилинган. Бу қонун тўлиқ равища агентликларнинг индивидуал масалалар бўйича ишни кўриб чиқиш жараёнини ва тегишли тартибда қарор қабул қилишни (adjudicating), шунингдек, хуқуқ ижодкорлик фаолиятини таърифлаб берди. Бундан ташқари, қонун давлат агентлиги томонидан чиқарилган қарор ёки унинг ҳаракати устидан судга шикоят қилиш хуқуқини мустаҳкамлаб қўйди<sup>92</sup>.

АҚШда тарихан федерал судлар (округ, апелляция, маҳсус судлар) ва штатлар судлари тизими шаклланган. Федерал судлар тизимининг юқори чўққисида АҚШ Олий суди туради<sup>93</sup>. Маъмурий судлар давлат ва маҳаллий маъмурий органлар қарорлари устидан келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиши билан шуғулланадилар<sup>9495</sup>.

Маъмурий органларнинг қарорлари устидан шу маъмурий идора доирасида фаолият кўрсатувчи маҳсус апелляция муассасаларига, ундан кейин эса судга шикоят қилиш мумкин. Судлар одатда барча маъмурий инстанциялардан ўтган ишни қабул қиласидилар ва кўриб чиқадилар (фуқаро томонидан берилган барча қонуний маъмурий ҳимоя воситалари тугаганида). Бирламчи маъмурий юрисдикция доктринасининг ҳам моҳияти шунда. Шунга мувофиқ маъмурий органлар қандайдир даражада суд инстанциясидан

<sup>91</sup> Караманукян Д.Т. Административная юстиция США: монография. – Омск: Омская юридическая академия, 2014. – С. 60.

<sup>92</sup> Разгильдеев Александр Витальевич. Административное Правосудие: Опыт стран Европы, США и возможность его использования в России // Журнал «Закон» № 11 Ноябрь 2013, 135-150 с.

<sup>93</sup> Малько А.В. Сравнительное правоведение / А. В. Малько, А. Ю. Саломатин М.: Норма: ИНФРА-М, 2011, 129-130 с.

<sup>94</sup> Zimmer M.B. Overview of Specialized Courts / M. B. Zimmer. // International Journal for Court Administration. 2009 (August). Vol. 2. No 1. P. 12. URL: <http://www.iaca.ws/files/LWB-SpecializedCourts.pdf>

<sup>95</sup> Побединский В.Н. Административная юстиция в современной России: глобальный контекст и перспективы развития / В.Н.Побединский, С.С.Квач, Н.В.Фролова // Вестник Тюменского государственного университета. Социально-экономические и правовые исследования. 2016. Том 2, № 4. С. 96-106.

устунликка эга, лекин фақатгина ишдаги фактларни кўриб чиқиш масаласида. Ишдаги хуқуқий масалаларга келсак, яъни қонун нормаларини талқин қилиш ва қўллашнинг тўғрилиги, бу ерда бошланғич юрисдикция судларга тегишли ҳисобланади<sup>96</sup>.

Умумий қоида тариқасида, маъмурий органлар томонидан квазисудлов муҳокамаси натижасида олинган фактик маълумотлар, ҳолатлар, агар у “асосли далиллар” билан мустаҳкамланса, идоранинг қарорини текшириб чиқаётган суд томонидан тасдиқланади. Судлар маъмурий ишларни текшираётгандан асосан ҳолатнинг юридик томонига ва маъмурий орган томонидан ишни кўриб чиқиш жараёнида қай даражада ҳуқуқ нормалари қўлланилганига эътиборни қаратадилар. Ишнинг фактик томонлари ҳақида судлар ўз фикрларини эҳтиёткорона ифода этадилар, чунки маъмурий орган таркибидаги мутахассислар техник масалалар бўйича тўлиқ равища ваколатли ва тажрибали<sup>97</sup>.

Ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра, суд маъмурий органнинг қарорини ўзгаришсиз қолдириш, бекор қилиш ёки ўзгартириш ёхуд материалларни ваколатли органга қайта кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

Олий суд қарорига биноан судлар томонидан қуйидаги жиҳатлар аниқланиши керак:

- Агентлик ваколатининг чегаралари ва у ўз ихтиёрида бўлган фактларга қараб ҳаракат қилганми, шундай бўлса, қарор қабул қилишда чегара доираси бузилмаганми;
- Таҳлил қилинаётган қарор “ўзбошимчалик билан, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб ёки бўлмасам қонунга зид равища” эмасми. Бунинг учун суд қуйидагиларга баҳо бериши лозим:
- Қонун чиқарувчи томонидан белгиланганидек, қарордаги барча ҳолатлар асослантирилганми;

<sup>96</sup> Хаманева Н.Ю. Административная юстиция США // Государство и право. – 1993. – № 3. – С. 145.

<sup>97</sup> Никеров Г.И. Административно-процессуальное право США // Государство и право. – 1997. – № 12. – С. 102–106; Хаманева Н.Ю. Административная юстиция США // Государство и право. – 1993. – № 3. – С. 141–145.

- Унинг қабул қилинишида йўл қўйиб бўлмайдиган омиллар таъсир кўрсатмадими;
- Яққол хатога йўл қўйилмаганми;
- Агентлик томонидан қарор чиқаришда тегишли процедураларга амал қилинганми (due process)<sup>98</sup>.

Охирида келтирилган due process процудурасига қисқача таъриф бериб ўтсак. АҚШда маъмурий процедураларнинг асоси АҚШ Конституциясининг 1797 йилги V ва XIV ўзгартиришида намоён бўлади<sup>99</sup>. АҚШда маъмурий процедуралар тўғри процедура - due process (дю процесс) асосида ўрганилади<sup>100</sup>. АҚШ Конституциясида назарда тутилган дю процесс принципи инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкига дахл қиласидан ҳар қандай маъмурий ҳаракатларга татбиқ этилишини назарда тутади. Дю процесс принципининг илк процессуал талаби тарафнинг фикрини тинглаш учун уни хабардор қилинишида намоён бўлади. Дю процесс принципининг кейинги процессуал талаби тарафга суд тартибига ўхшаган тартибда фикрини тинглаш имкониятини тақдим этиш<sup>101</sup>.

Дю процесс принципининг яна бир процессуал талаби тарафнинг маслаҳатлашув ҳуқуқида намоён бўлади. Дю процесс принципининг муҳим талабларидан бири қарор чиқарувчи (маъмурий орган ёки мансабдор шахс)нинг холис бўлишидир. Дю процесс принципининг охирги процессуал талаби маъмурий қарорнинг чиқарилишида тегишли фактик ҳолатлар ва ҳуқуқий асослар, қарорни асослантирувчи далил ва сабаблар тўла ва етарли даражада асослантирилишида кўринади<sup>102</sup>.

---

<sup>98</sup> Harter P. Op. cit. P. 381; решение Верховного Суда США от 02.03.1971 по делу Citizens to Preserve Overton Park v. Volpe — 401 U.S. 402 (1971)

<sup>99</sup> Bernard Schwartz, Roberto L.Corrada, J.Robert Brown, Jr. “Administrative Law^ a casebook” seventh edition. Aspen Publishers, 2010. P. 385.; William F.Frunk, Richard H.Seamon “Administrative Law: examples and explanations” second edition. Aspen Publishers, 2006. – P.116.

<sup>100</sup> William F.Frunk, Richard H.Seamon “Administrative Law: examples and explanations” second edition. Aspen Publishers, 2006. – P.117.

<sup>101</sup> Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006. – P. 224-225, 227-229,230-234.

<sup>102</sup> Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006. – P. 234-236, 237-240,240-241.

Дю процесс принципи турли кўринишларда амалга оширилиши мумкин.

Шулардан энг муҳими ва процессуал талаблар энг юқори даражада кафолатланиладигани расмий қарор чиқариш процедураси (формал аджунишон – formal adjudication) деб аталади<sup>103</sup>. Гап шундаки, маъмурий ҳаракатлар турли хил характерда бўлади ва амалиётда бундай ҳаракатлар юзасидан чиқариладиган маъмурий қарорларнинг ҳаммасига нисбатан ҳам дю процесс принципининг барча талабларини қўллаб бўлмайди. Чунки дю процесс принципининг барча талабларини амалга ошириш кўп вақт ва ресурсларни талаб қиласди. Бу эса маъмурийятнинг фаолият юритишига ва қонуний вазифа ва функцияларини амалга ошира олишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам формал аджунишон, яъни расмий қарор чиқариш процедурасини ҳар қандай ишларга нисбатан эмас, балки адресат учун энг муҳим бўлган хуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қиласиган маъмурий ишларга нисбатан амалга оширишга эътибор бериш лозим бўлади<sup>104105</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида айтсак бўладики, оммавий хуқуқий низоларни ҳал қилишда Германия тажрибасидан фарқли равишда АҚШ кўпроқ маъмурий ишларни судгача (квази суд) тартибда кўриб чиқади ва бу соҳа бошқа давлатларга қараганда анча равнақ топган. Шундан келиб чиқиб, АҚШ тажрибасига айнан шу жиҳатдан ёндашиш, яъни низоларни судгача тартибда ҳал қилишни ривожлантиришга уларнинг кўникмалари ва амалиётини қўллаш ўринли. Бунга асос сифатида Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини

<sup>103</sup> Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin., 2006. – Р. 246-249.

<sup>104</sup> Англо-саксон хуқуқи асосидаги давлатларда бу масала суд прцеденти асосида шаклланиб боради.

<sup>105</sup> Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш (киёсий-хуқуқий таҳлил) // Монография. – Тошкент, 2018 йил.

ривожлантириш ечилиши лозим бўлган долзарб масала сифатида келтирилган, лекин ҳанузгача “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилганига қарамай, унинг ишлаш механизми ўз ўрнига тушиб кета олмаган. Чунки бизда маъмурий процедуралар ва маъмурий судлов ишларини юритишнинг боғлиқлиги мавжуд эмас, маъмурий процедуралар принципларига, уларнинг тартибига амал қилинмайди, аҳолининг аксарияти маъмурий тартиб-таомиллар ҳакида тушунчага эга бўлмаганлиги сабабли кўп ишлар суд йўли билан ҳал бўлади. Шу мақсадда маъмурий адлия тизимини ривожлантириш учун маъмурий акт юзасидан манфаатдор шахс шикоят ёки ариза билан мурожаат этмоқчи бўлганда аввал юқори турувчи маъмурий органга мурожаат этиши мажбурийлиги тизимини йўлга қўйса мақсадга мувофиқ бўларди деган фикрдамиз.

Маъмурий процедураларнинг маъмурий судлов ишларини юритиш билан боғлиқлиги хусусида бир қанча ҳуқуқшунослар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. А.А.Никольскаяning таъкидлашича, маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилик ишлаб кетиши учун тегишли суд амалиётини ривожлантириш ва маъмурий амалиётни шу орқали тўғрилаб бориш жуда муҳим аҳамият касб этади<sup>106</sup>. Н.Саванович ҳам маъмурий процедураларнинг батафсил тартибга солиниши аниқ бир ишда тегишли расмий қоидаларга риоя этилганини текширишга имкон беришини таъкидлайди. Чунки бундай қоидаларга амал қилмаслик қабул қилинган қарорни бекор қилинишига асос бўлади. Маъмурий процедураларни текширадиган тизим бу маъмурий судлов ишларини юритиш ҳисобланади<sup>107</sup>. Германия ҳуқуқшуноси Й.Пуделька ҳам маъмурий ҳуқуқда икки асосий қонун – маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун ва оммавий-ҳуқуқий низолар юзасидан суд иш юритуви тўғрисидаги процессуал қонун мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини келтириб ўтган<sup>108</sup>. Миллий

<sup>106</sup> Никольская А.А., 2007. Указ. Соч. – С.69.

<sup>107</sup> Саванович Н., Ежегодник публичного права 2017. Указ. Соч. – С. 446.

<sup>108</sup> Пуделька Й., Ежегодник публичного права 2015. Указ соч. – С. 46.

хукуқшунос олимларимиз ҳам маъмурий процедуралар ва маъмурий юстиция институтлари мақсади бир хиллигини ва ўзаро яқин алоқада эканлигини таъкидлашади<sup>109</sup>.

Бу борада X.Фентоннинг таъкидлашича, маъмурий судга мурожаат қилишдан аввал маъмурий тартибда шикоят қилиш талаби (exhaustion) давлатлар маъмурий хукуқида кенг тарқалганини кўриш мумкин. Бироқ МДҲ давлатларида бундай талабнинг йўқлигига асосий сабаб маъмурий органлар томонидан маъмурий шикоятларни қўриб чиқиш стандартларининг йўқлиги, маъмурий органлар фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилиши бўйича етарли ишончнинг мавжуд эмаслиги каби омиллар санаб ўтилади. Мисол учун, АҚШда маъмурий процедураларга катта эътибор берилишининг яна бир сабабларидан бири бу оммавий-хукукий низолар юзасидан суд ишлари маъмурий процедуралар натижасида тузилган ҳисоботларнинг қонунийлигини қўриб чиқиши асосида олиб борилиши билан изоҳланишида кўриш мумкин. Маъмурий шикоятнинг мажбурийлиги асосида аввало юқори органлар ўзларининг қуий органлари қарорларини мониторинг қилиб туриши ва нотўғри қарорларни тузатиш имкони борлиги билан ижобий саналади<sup>110</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам бир қараашда маъмурий тартибда судгача шикоят қилишнинг мажбурий тартибининг ўрнатилиши кўпгина ижобий жиҳатларга эга. Маъмурий орган ўз хатоларини тузатиши, юқори турувчи орган эса тегишли мониторинг олиб бориши ва энг асосийси маъмурий актнинг мақсадга мувофиқлик ва тўғрилиги юзасидан қайта кўриш ва баҳолашга имкон бўлади<sup>111112</sup>.

---

<sup>109</sup> Хамедов И.А., Цай И.М., Ежегодник публичного права 2014. Указ соч. – С. 396.

<sup>110</sup> Howard N. Fenton. Where too little judicial difference can impair the administrative process: the case of Ukraine. // Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Comparative administrative law: an introduction. // Comparative Administrative Law. SusanRose-Ackerman, Peter L.Lindseth. EdwardElgar 2010. – Р. 483-486.

<sup>111</sup> Маъмурий тартибда судгача шикоят қилишнинг яна бир афзаллиги шундаки, МТТтҚонуннинг 70-моддасига кўра, агар қонунда бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий хужжат устидан шикоят қилингандиги маъмурий шикоят маъмурий органда рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан унинг амал қилишини ва ижро этилишини тўхтатиб туради.

<sup>112</sup> Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш (киёсий-хукукий тахлил) // Монография. – Тошкент, 2018 йил.

### **ІІІ БОБ. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Маъмурий ишларни кўриб чиқишида мавжуд муаммолар**

Ўзбекистонда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишида юқорида асослаб келтирганимиздек назарий ҳамда таҳлиллар ва иш ҳужжатларини яқиндан ўрганиш давомида баъзи амалий муаммоларга дуч келдик. Қуйида уларни бирма-бир келтириб, асослаб беришга ҳаракат қиласиз.

Биринчидан, юқорида назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, таърифига алоҳида ёндашган сўзларимиз, яъни маъмурий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши, маъмурий низо деган атамалар амалиётда нотўғри, чалкаш ҳолатда ишлатилмоқда. Бу, албатта, жиддий муаммо эмас, лекин аҳоли шу орқали ушбу атамаларни нотўғри қўллашига, ачинарлиси амалиёт ходимлари ҳам шу каби хатоларни ишлатишига олиб келади. Умумий гаплардан йироқлашиб мисолга келадиган бўлсак, авваламбор, яқин йиллар ичида ишга туширилган public.sud.uz да маъмурий судлар кўриб чиқадиган ишлар турида маъмурий иш ва маъмурий низо келтирилмоқда. Тўғри, ҳозирги ўзгаришларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга берилди. Лекин оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни “маъмурий низо” категориясига қўйиш бизнинг фикримизча тўғри бўлмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни эса “маъмурий иш” деб эмас, балки “маъмурий ҳуқуқбузарлик иши” деб аташ мақсадга мувофиқ. Бунга яна бир тасдиқ сифатида судларда амалиёт ўташим давомида шунга амин бўлдимки, йўлланма хатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик иши маъмурий иш деб келтирилмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, бу жиддий муаммоласдир, лекин ушбу атамаларни Олий суд Пленум қарорида ҳамда кодексларда алоҳида “Атамалар бўлимиди” келтириб ўтишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Зеро, бу фуқароларимизнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишларнинг фарқини англашига, судларга тааллуқлилик масалаларида ҳам хатоликка йўл

кўймасликларига сабабчи бўлади. Ваҳоланки, ҳар бир норматив ҳуқуқий ҳужжат фуқароларга тушунарли ва содда қилинса, у қонунчиликни қўллаш жараёнида осонликни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига мувофиқ, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддасига кўра, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижроқисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда давлат ижроқисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижроқиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 25<sup>1</sup>-моддасига кўра, итта қарздорга нисбатан қўзғатилган мулкий тусга эга бўлган бир нечта ижро

хужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича қўзғатилган ижро иши юритишлар ийғма ижро иши юритишга бирлаштирилади. Ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, давлат ижрочиси Иқтисодий суднинг ижро варақасига асосан юритилган ижро ишини ва бошқа суднинг ижро варақасига асосан юритилган ижро ишларини битта ижро ишига бирлаштириш ваколатига эга. Амалдаги қонунчиликда эса ўзаро боғлиқ бўлиб, бири маъмурий судга, бошқаси эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди. Шунда табиийки савол туғилади, ушбу бирлаштирилган ижро иши бўйича давлат ижрочиси томонидан чиқарилган қарордан норози бўлиб судга шикоят ариза берилган тақдирда, иш қайси судга тааллуқли бўлади?

Учинчидан, Ўзбекистон Маъмурий судлари тизимидағи навбатдаги ўз ечимини кутаётган масалалардан бири бу судловга тааллуқлилик масаласидир. Амалдаги қонунчиликка қўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим, деб белгиланган диспозиция талаблари Маъмурий суд органининг юстицион аҳамиятини камайтиromoқда деган гипотезани илгари суришимиз мумкин. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон амалиётида аввалдан фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ишларни қўриб чиқиши юкламаси ниҳоятда оғир бўлиб келган. Маълумот учун таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 26-моддасига қўра, Фуқаролик ишлари бўйича судга қўйидаги ишлар тааллуқлидир: фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмагандан биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно; ушбу Кодекснинг 293-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар; ушбу Кодекснинг 18-бобида кўрсатилган ва буйруқ тартибида ҳал этиладиган ишлар; ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан

низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар; чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар. Ушбу фактнинг ўзи ҳам Фуқаролик судларидаги катта юкламани кўрсатади. Шунингдек, фактни статистик маълумотлар билан мустаҳкамлайдиган бўлсак, фуқаролик судлари томонидан Республика бўйича 2018 йил давомида 453 354 та иш(суд буйруқлари билан бирга), 2019 йил давомида 276 937 та иш(суд буйруқлари билан бирга), 2020 йил давомида 291 132 та иш<sup>113</sup>(суд буйруқлари билан бирга) кўриб чиқилган бўлса, маъмурий судлар томонидан оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар динамикаси эса 2018 йил давомида 17 427 та ишни, 2019 йил давомида 16 255 та ишни, 2020 йил давомида 15 066 та ишни ташкил этади<sup>114</sup>. Бундан яққол кўриниб турибдики, судлар кесимида кўриб чиқилган ишлар баланси ўзаро мувофиқ эмас. Агар уларга яна баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим деган қоидани сақлаб қолишини давом эттирсак, натижада ушбу суднинг ҳам самарали фаолият юритишини сўроқ остига қўйган бўлишимиз мумкин. Назаримизда, агар ишни бир томони маъмурий низо ва бошқа томонидан фуқаролик бўйича низо кузатиладиган бўлса, унда бундай ҳолда ишни тўлиқ Маъмурий судларда кўриб чиқиши қоидасини киритиш керак. Зоро, бу билан фуқаролик судларидаги ишлар балансини таъминлаш мумкин ва асосийси,

<sup>113</sup> Республика фуқаролик судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан маълумот. [https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib\\_2020.pdf](https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2020.pdf)

<sup>114</sup> Республика маъмурий судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан маълумот. [https://stat.sud.uz/file/2021/mib/mib\\_2020.pdf](https://stat.sud.uz/file/2021/mib/mib_2020.pdf)

назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш ҳамда биз интилаётган алоҳида ихтисослаштирилган маъмурий судларнинг фаолиятига ижобий таъсир қилишига эришамиз.

Тўртинчидан, статистик маълумотларга изоҳ келтирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайтида Маъмурий судларнинг 2019 йил 9 ойидаги фаолиятига оид статистик маълумотларда баён қилинишича, ўтган давр мобайнида ушбу судлар томонидан биринчи инстанция тартибида 286 772 та маъмурий ҳуқубузарлик, 25550 та материал ва 12159 та оммавий низо, жами 324 481 та иш (материал)лар кўриб хал этилган. Эндиликда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиши Жиноят судларига юклатилиши Маъмурий судлардаги ишлар кесимининг кескин камайишига сабабчи бўлади. Ўзбекистон амалиётида Маъмурий судларда оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид ишларнинг кам кўриб чиқилиши, бундай ишларнинг камлигидан ёки мавжуд эмаслигини англатмайди. Ўзбекистон давлатчилигининг тарихий омилларини ҳисобга олиб шуни таъкидлаш керакки, хусусий ҳуқук субъектларининг аксарияти оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишни сўраб Маъмурий судларга эмас, балки жойлардаги прокуратура органларига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда жойлардаги Халқ қабулхоналарига мурожаат қилишни маъқул кўради. Бунга тегишли объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Бугунги кундаги олимлар ва мутахассислар ҳамда қонуншуносларнинг маъмурий судларга оид асосий вазифаси аҳоли онгида Маъмурий судларга бўлган ишончни ошириш, мазкур судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган ишларни тез ва қонуний қўриб чиқишнинг илмий асосланган қонуний механизmlарини ишлаб чиқиши зарур ҳисобланади. Бунда, албатта, оммавий-ҳуқуқий низоларни судгача бўлган даврда қонуний ҳал этиш чораларини ҳам ўйлаб кўриш керак. Зоро, фактик жиҳатдан суд тартибида низо, конфликт ҳал бўлмайди, аксинча томонларнинг муносабатлари янада чигаллашади ва айрим ҳолларда судда

ютган томон ҳам хал қилув қароридан қониқмаган ҳоллари юзага келиши учраб туради. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти органлари томонидан қонуний асосларда оммавий-хуқуқий низоларни судгача бўлган даврда ҳал қилишнинг самарали муқобил вариантлари ишлаб чиқишга ундаш учун ҳам маъмурий органлар устидан парламент ва жамоатчилик назорати, қолаверса, суд назорати механизмларини кучайтириш лозим. Агар ижро ҳокимияти органлари суд назорати механизмларидан “қўрқмаса”, унинг хал қилув қарорлари ва тақдимномаларидан хайиқмаса, низоларни судгача бўлган муқобил механизмларини йўлга қўйиш ишларига киришмайди ҳам.

Шунингдек, оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқкан 12159 та низолар кўриб ҳал этилган. Шундан, 5173 таси ёки 42.5 фоизи маъмурий орган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан, 4784 таси 39.4 фоизи маъмурий орган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари юзасидан, 2202 таси ёки 18.1 фоизи оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқкан бошқа низоларга оид ишлар ҳисобланади. Ушбу сифат таҳлили натижасида дастлабки тарзда шуни хулоса қилиш мумкинки, ижро ҳокимияти органларининг қарорларига нисбатан, уларнинг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги юзасидан хусусий хуқуқ субъектларида шикоятлар кўплигини қузатиш мумкин. Бу ижро ҳокимияти органларининг айрим мансабдор шахсларида аҳоли билан мулоқот қилиш кўникумаси, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларига лозим даражада эътиборли эмаслигидан, касбий профессионалликнинг етарли эмаслигидан далолатдир. Албатта, бундай вақтларда маъмурий ишлар бўйича судьялар кўрилган маъмурий ишлар юзасидан тегишли маъмурий органларга тақдимномалар киритиши орқали ушбу масалаларда тегишли ишлар тизимли тарзда йўлга қўйилиши лозимлигини эслатиб туриши керак. Аксинча, Маъмурий ислоҳотлар концепциясида назарда тутилган маъмурий адлия тизимини, яъни низоларни судгача ҳал қилишни йўлга қўйишда қийинчиликларга дуч келиниши мумкин, чунки аҳоли ижро ҳокимияти

органларини уларнинг муаммоларига малҳам бўлувчи даргоҳ сифатида қарамайди. Мисол учун ўз амалиётим давомида шунга гувоҳ бўлдимки, ижро ҳокимияти органи 2018 йилда ўз қарорларига асосан берилган ер участкасини прокуратура томонидан киритилган протестга кўра маъмурий тартиб-таомилларга риоя қилмасдан, қарорга биноан ери олиб қўйилаётган шахсни бу бўйича хабар қилмасдан қарорни бекор қилмоқда. Шунга кўра, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг амалий моҳиятини кучайтириш, унинг қўлланилишини кенгайтириш зарур, аксинча биз интилаётган маъмурий адлия тизимини, унинг устидан маъмурий судларнинг назоратини йўлга қўйиб бўлмайди ва натижада нотўғри амалиёт шаклланишига сабабчи бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексининг 186-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида”ги қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддасида давлат ижроқисининг қарори, харакати (харакатсизлиги) устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиш муддати белгиланган.

Ҳозирда давлат ижроқиси билан боғлиқ ишларни кўриш жараёнида давлат ижроқилари томонидан чиқарилган қарор нусхалари тарафларга ўз вақтида берилмаётганлиги ёки умуман берилмаганлиги ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек давлат ижроқиси томонидан амалга оширилган харакатлар тўғрисида тарафлар умуман бехабар қолмоқда, баъзи холларда ижро иши тамомлангандан кейин ҳам манфаатдор шахслар томонидан ҳуқуқи бузилганлиги юзасидан давлат ижроқисининг қарори, харакати (харакатсизлиги) устидан шикоят ариза бермоқда.

Амалдаги қонунчиликда эса 10 кунлик муддат берилган бўлиб, манфаатдор шахс томонидан қарор нусхасини олиб, шикоят ариза ёзиб уни судга топширгунига қадар 10 кунлик муддат ўтиб кетмоқда, натижада аризачиларнинг имкониятлари анча чекланмоқда.

Ваҳоланки, маъмурий судга топширилаётган аризаларнинг кўпчилиги шикоят қилиш муддати ўтказилиб юборилиб тақдим қилинмоқда. Натижада,

суд томонидан шикоят қилиш муддатини тиклаш ёки жавобгар томонидан шикоят аризага нисбатан муддатни қўллаб шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида илтимосномалар қўпаймоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, давлат ижрочисининг қарори, харакати (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш муддатини узайтириш мақсадга мувофик.

Олтинчидан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида унинг ишда иштирок этувчи шахслар қаторида эканлиги, 46-моддасида прокурорнинг иштироки масалалари берилган бўлсада, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуидаги жумла келтирилган: “судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд хужжатларига протест келтириш”. Эътибор билан қарайдиган бўлсак, прокурорнинг судларда маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда иштироки масаласи келтирилмаган. Шуни инобатга олиб, юқорида келтирилган моддага тегишинча ўзгартиш киритиш лозим.

Еттинчидан, Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекснинг 92-98-моддаларида дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш ва уни бекор қилиш тартиби берилган бўлиб, унга кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра суд, агар:

1) маъмурий иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатида ариза берилган шахснинг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса;

2) аризачининг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чоралар кўрмай туриб, ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин.

Шунингдек, дастлабки ҳимоя чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган. Бироқ эътибор берадиган бўлсак, суднинг ташаббуси билан дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш ва бекор қилиниши белгиланмаган. Шу муносабат билан кодексга “суднинг ташаббуси”ни қўшиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида аризачига етказилаётган заарнинг ўз ўрнида олдиндан бартараф қилинишига эрилишиши мумкин. Ваҳоланки, аризачи дастлабки ҳимоя чоралари ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, шу ҳолатда, суд вақтида фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлақонли ҳақли деб ўйлаймиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маъмурий судларнинг З йиллик фаолияти даври натижасида белгиланган вазифалар ва идеал мақсадларни амалда руёбга чиқаришга бир қатор ташкилий ва хукуқий омиллар салбий таъсир қилмоқда. Агарда юқорида таъкидланган муаммолар бартараф қилинса ҳамда тавсиялар ўрганиб чиқилиб, уларнинг қонуний тарзда амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистонда маъмурий юстициянинг сифат нуқтаи назаридан янги босқичга кўтарилишига ҳамда ижро ҳокимияти органларининг ўз фаолиятида қонунийлик ва мутаносиблик принципларига мос равишда ишлашига, пировардида инсон хукуқлари таъминланишининг янги босқичга кўтариш имконияти яратилишига ишончимиз комил.

### **3.2. Маъмурий ишларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш**

Маъмурий ишларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш борасида юқоридагилардан келиб чиқиб, бир қанча таклиф ва тавсияларни киритишни лозим деб топдик. Шунга кўра, бир қанча эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатларни келтириб ўтамиз.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг атамалар бўлими ёки алоҳида асосий тушунчалар деган моддасида оммавий ҳуқуқий муносабатларга, маъмурий ҳуқуқий низоларга, маъмурий суд иш юритуви, маъмурий иш тушунчасига таъриф бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида фуқароларда асосий тушунчалар ҳақида тасаввур пайдо бўлади, бошқа ишлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар ойдинлашади ва судга тааллуқлилик масалаларида чигалликлар бироз юмшалади деб ҳисоблаймиз. Шу баробарида, кодексда маъмурий органлар тушунчасига ҳам таъриф бериб ўтилса, модданинг пастки қисмида ПФ-3358, ПФ-3366 ларни ҳавола тарзида келтирса айни муддао бўлар эди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, фуқаролик процессида томонлар юридик жиҳатдан teng ва ўзаро тортишувчанлиги билан характерланади, яъни суд ишни кўриб чиқиша тарафлар томонидан тақдим қилинган далилларга таянади. Оммавий ҳуқуқий муносабатларда эса бир томонда фақат маъмурий органлар, яъни давлат органлари қатнашишини, субъектлар нотенглигини инобатга олган ҳолда, маъмурий суд ўз ташаббуси билан иш ҳолатларини кўриб чиқиши, тушунтиришлар, тарафлар келтирган далиллар билан чекланмаслиги, йўл қўйилган расмий хатоларни бартараф этиши, ноаниқ талабларни аниқлаштириши ва тушунтириши, тўлиқ бўлмаган фактларни тўлдириши ўринлидир. Шундагина, суд процесси тенглик ва тортишувчанлик принципларига амал қилинган ҳолда, адолатли равища ўтади деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам судга маъмурий иш бўйича барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўриш ваколати тақдим қилинган. Бундан хulosа қилиш мумкинки, маъмурий суд иш

юритуви бошқа ишларни кўриб чиқишдан тубдан фарқ қиласди ва бунда соғ шаклдаги тортишувчанлик қандайдир равишда мавжуд эмас. Маъмурий суд иш юритишида томонларнинг тортишувчанлиги ва тенглиги субъектлар муносабатларининг нотенгсизлигини мувозанатга келтириш мақсадида суднинг фаол роли билан амалга оширилади. Маъмурий суд ишларини юритишида суднинг фаол роли, бошқа жиҳатлар қатори, объектив ҳақиқатни излашга қаратилган, чунки тортишувчанлик принципи суднинг иш юритувдаги фаол ролини истисно этмайди, албатта суд холислиги таъминланган бўлиши даркор. Юқоридагиларга кўра, МСИЮТК 11-моддаси 1-қисмини “Маъмурий суд ишларини юритиши суднинг фаол ролини инобатга олиб, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади” деб ўзгартириш лозим.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлар, ҳаракатлар натижасида етказилган мулкий ва маънавий зиённи қоплаш масаласини маъмурий иш билан биргаликда Маъмурий суд томонидан кўриб чиқилишини ўрнатиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда худди ЖПКда белгиланган тартибдагидек, агар шахс маъмурий иш билан биргаликда етказилган мулкий ва маънавий зиённи қоплаш масаласини ҳам келтирган бўлса, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкинлиги, агар бундай талаб келтирилмаган бўлса, фуқаролик судларига мурожаат қилиниши мумкинлигини белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга, ҳарбий судларга тааллуқли бўлмаган барча оммавий ҳуқуқий низоларни кўриш маъмурий судларнинг ваколати жумласига киритилиши ўринли деб ҳисоблаймиз. Агар биз маъмурий судлар барча оммавий ҳуқуқий низоларни кўришини белгиласак, шунда Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси 2-қисмидаги “Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин” деган жумлани олиб ташлаш керак. Шунингдек, айнан шу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган қоидалар

маъмурий судларнинг барча оммавий хуқуқий низоларни кўришларига тўсқинлик яратади ва бу фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига ҳам сабабчи бўлмоқда. Назарий жиҳатдан оладиган бўлсак, оммавий-хуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида фақат ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён булади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас ва юқорида олимларнинг фикрлари, халқаро стандартлардан келиб чиқиб айтдикки, оммавий-хуқуқий низоларни хал этишнинг маҳсус тартиби мавжуд, яъни принциплари, иш олиб бориш тартиби, қатнашувчи шахслар, суднинг ишга позицияси бошқа судларга нисбатан ўзгачадир. Шуларни инобатга олиб, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозимлиги мазмунан, моҳиятан ҳамда назарий жиҳатдан нотўғри хисобланади. Аксинча, бу ваколатни маъмурий судларга беришимиз ўринли бўлади.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, Германия ва АҚШда маъмурий судларга мурожаат этиш учун шахс аввал юқори турувчи органга ариза билан мурожаат этиши лозим. Агарда шахс ушбу орган томонидан қабул қилинган қарордан норози бўладиган тақдирда, маъмурий судларга мурожаат этишлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, ушбу амалиётни бизнинг қонунчилигимизга ҳам татбиқ қилиш масаласини ўйлаб кўриш керак деб ўйлаймиз. Шунга кўра, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 186-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддасида давлат ижро исхомининг қарори, харакати (харакатсизлиги) устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиш муддати белгиланган.

Ваҳоланки, маъмурий судга топширилаётган аризаларнинг кўпчилиги шикоят қилиш муддати ўтказилиб юборилиб тақдим қилинмоқда. Натижада, суд томонидан шикоят қилиш муддатини тиклаш ёки жавобгар томонидан шикоят аризага нисбатан муддатни қўллаб шикоятни қаноатлантиришни рад этиш хақида илтимосномалар қўпаймоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, давлат ижроқисининг қарори, харакати (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш муддатини узайтириш мақсадга мувофиқ.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида унинг ишда иштирок этувчи шахслар қаторида эканлиги, 46-моддасида прокурорнинг иштироки масалалари берилган бўлсада, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуидаги жумла келтирилган: “судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд хужжатларига протест келтириш”. Эътибор билан қарайдиган бўлсак, прокурорнинг судларда маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда иштироки масаласи келтирилмаган. Шуни инобатга олиб, юқорида келтирилган моддага тегишинча ўзгартиш киритиш лозим.

Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекснинг 92-98-моддаларида дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш ва уни бекор қилиш тартиби берилган бўлиб, унга кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра суд фақатгина дастлабки ҳимоя чорасини қўллаши ва унинг илтимосномасига асосан бекор қилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Шу муносабат билан кодексга “*суднинг ташаббуси*”ни қўшиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида аризачига етказилаётган заарарнинг ўз ўрнида олдиндан бартараф қилинишига эрилишиши мумкин. Ваҳоланки, аризачи дастлабки ҳимоя чоралари хақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, шу ҳолатда, суд

вақтида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлақонли ҳақли деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, ташқилий масалаларга келадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармонига кўра, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилди, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари эса тугатилди. Аммо, бу ислоҳотнинг туб мақсади ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга енгиллик яратиб қолмасдан, балки баъзи қийинчиликларни туғдирмоқда. Мисол учун, Навоий вилоятини оладиган бўлсак, Учқудукда истиқомат қилувчи фуқаро маъмурий судга ариза билан шахсан мурожаат қилиши учун 300 километр узоқликдаги Навоий шаҳарда жойлашган маъмурий судга бориши керак. Бу каби қийинчиликлар бошқа вилоят ва Тошкент шаҳрида ҳам мавжуд. Шу муносабат билан бир вилоят ёки шаҳарнинг марказларида икки ёки учта туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, юқорида амалга оширилган таҳлиллар, амалий хулосалар ва хорижий тажрибани ўрганиш давомида бир қанча назарий, ташқилий ва амалий тавсия ҳамда шу борада жамланган фикрларимизни келтириб ўтдик. Ишонамизки, келтирилган тавсияларимиз маъмурий ислоҳотларнинг туб моҳияти саналган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшади.

## **ХУЛОСА**

Тадқиқот ишида келтирилган фикрларга таянган ҳолда ўзимизнинг хулосавий ғояларимизни уч гурухга бўлиб, уларда тегишли тавсия ва таклифларни аниқ ва лўнда изоҳлаймиз:

### **I. Ташкилий тавсия ва таклифлар**

1. Public.sud.uz электрон сайтидаги маъмурий судлар кўриб чиқсан ва кўраётган ишлар рўйхатининг иш туридаги оммавий ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар тоифасини “маъмурий низо” дан “маъмурий иши” атамасига, маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тоифасини “маъмурий иш” дан “маъмурий ҳукуқбузарлик иши” атамасига ўзгаришиш лозим. Шунингдек, ўзгаришилган “маъмурий ҳукуқбузарлик иши” атамасини жиноят судлари кўриб чиқадиган ишлар рўйхатига киритиш керак.

2. Фуқароларга судга мурожаат қилишда енгиллик яратиш мақсадида вилоятлар ёки шаҳарнинг марказларида икки ёки учта туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

### **II. Назарий хулосалар**

1. Диссертация ишимиздан келиб чиқиб, қуйидаги атамаларга муаллифлик таърифи берилди:

- Маъмурий суд ишларини юритиши (маъмурий судлов) – маъмурий судлар орқали қонунчиликда белгиланган процессуал қоидалар асосида оммавий ҳукуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиши, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилиши, уни шикояти, протест бўйича қайта кўриши, шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этиши жараёни.

- Оммавий-ҳукуқий муносабат – иштирок этувчи томонларнинг бири сифатида ҳокимият вақолатларига эга бўлган субъект қатнашувчи, оммавий ҳукуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар.

- Оммавий-хуқуқий низо – юридик низонинг бир тури бўлиб, мазмуни хуқуқнинг оммавий соҳаларини қамраб оладиган, оммавий (жамоат) характерига эга бўлган, ваколатли органлар томонидан қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган низо, зиддият.

- Маъмурий-хуқуқий низо – оммавий-хуқуқий низоларнинг бир таркибий қисми ҳисобланувчи, жисмоний ва юридик шахслар ва бир томонда қатнашувчи ҳокимият ваколатларига эга бўлган маҳсус субъектнинг бошқарув жараёнида юзага келувчи ёки оммавий хуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги номувофиқлик(келишмовчилик) ёки зиддият.

- Маъмурий иш – суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган маъмурий-хуқуқий ва бошқа оммавий-хуқуқий низолар, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллар.

### **III. Қонунчиликни тақомиллаштиришга қаратилган таклифлар**

1. *МСИЮтКга “Асосий тушунчалар” деб номланган қуийидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-моддани киритиш мақсаддага мувофиқ:*

*Ушбу Кодексда қуийидаги асосий тушунчалар қўлланилади:*

*“Маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) – маъмурий судлар орқали қонунчиликда белгиланган процессуал қоидалар асосида оммавий хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиши, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилиши, уни шикоят, протест бўйича қайта кўриш, шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этиши жараёни.*

*Маъмурий иш – суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган маъмурий-хуқуқий ва бошқа оммавий-хуқуқий низолар, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллар.*

*Манфаатдор шахс - маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) хуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл этган бошқа шахс.*

*Қарор - маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан якка ёки коллегиал тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат түгдирувчи ҳужжат.*

*Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари - қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар.*

*Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги - маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик.*

*маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари, шунингдек ушибу фаолиятни амалга оширишига ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва маҳсус тузилган комиссиялар.*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириши тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли “Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириши тўғрисида”ги Фармони.”*

2. МСИЮтК 11-моддаси 1-қисмини “*Маъмурий суд ишларини юритиши суднинг фаол ролини инобатга олиб, тарафларнинг тортишиуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади*” деб ўзгартириш лозим.

3. МСИЮтК 26-моддасига ўзгартишлар киритилиб, қуйидагича ифодаланиши лозим:

*“Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя*

*қилиши тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.*

*Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда туттилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.*

*Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар маъмурий ишлар бўйича судда кўрилиши лозим.*

*Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришига йўл қўйилмайди.”*

4. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси 1-қисми 7-хатбоисини янги жумла билан тўлдириб, уни куйидагича келтириш лозим:

*“судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришида иштирок этиши, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириши.”*

5. МСИЮтК 186-моддаси 2-қисмидаги “ўн кун ичida” жумласини “икки ой ичida” жумласига ва Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддаси 1, 2-қисмидаги “ўн кунлик муддатда” жумласини “икки ойлик муддатда” жумласига ўзгариши лозим.

6. МСИЮтКга “Маъмурий процессда фуқаровий даъво. Бошқа мулкий ва маънавий ундиришилар” деб номланган янги боб қўшиш ва унда фуқаровий даъвони қўзғатиш тартиби, даъвони тан олиш, воз кечиш оқибатлари, зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми каби қоидаларни киритиш лозим. Бу билан маъмурий процесснинг ўзида фуқаролар давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хукуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун хужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг хукуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган заарларни самарали ундиришга имконият яратилади. Бу каби амалиёт Аргентина, Грузия, Италия, Хитой, Испания, Латвия, Литва, Португалия, Армения, Болгария, Ҳиндистон, Франция, Украина, Эстония каби хорижий давлатларда йўлга қўйилган.

7. МСИЮтКнинг 92-98-моддаларида келтирилган дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш ва бекор қилишда “суднинг ташаббуси”ни киритиш лозим.

8. МСИЮтКдаги 127-моддасига иккинчи қисм сифатида “Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва маъмурий шикоятни кўриб чиқшига ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган ҳоллардан ташқари, суд фақатгина маъмурий аризани (шикоятни) юқори турувчи маъмурий орган кўриб чиқсан тақдирдагина иши юритишга қабул қилиши ва иши қўзғатиши мумкин” деган қоида киритилиши ва шунга мувофиқ МСИЮтКнинг бошқа моддаларида ва “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I. Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.  
<https://www.lex.uz/acts/20596>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон. <https://lex.uz/docs/3527353>;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.;
4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон. <https://lex.uz/docs/3523891>;
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337>;
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон. <https://lex.uz/docs/111460>;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.;
8. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2018, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февральдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан

- такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармон;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.;
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони;
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли “Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони;
14. Административное процессуальное право Германии = Verwaltungsrechtsschutz in Deutschland : Закон об административном производстве; Закон об административно-судебном процессе ; Законодательство об исполнении судебных решений : пер. с нем. / [В. Бергманн, введ., сост.]. М., 2007.
15. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.  
[http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declhr.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml);
16. “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт, 16.12.1966.  
<https://lex.uz/docs/2640479>;
17. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт, 16.12.1966. [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/pactecon.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml);

18. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш түғрисидаги Европа конвенцияси, 04.11.1950.
19. Европа Кенгаши ҳомийлигига қабул қилинган судьялар мақоми түғрисидаги Европа Хартияси, 1998.  
<http://www1.umn.edu/humanrts/russian/euro/Rrec;>
20. Recommendation № R (89) 8 of the Committee of Ministers to member states on provisional court protection in administrative matters / Adopted by the Committee of Ministers on 13 September 1989 at the 428th meeting of the Ministers' Deputies.  
<https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/>;
21. Закон об административном производстве на немецком языке:  
<http://www.gesetze-iminternet.de/vwvfg/>. См. также Административно-процессуальное право Германии (под редакцией В.Бергманна), 2-е издание, Москва/Берлин 2013.;
22. Положения о финансовых судах на немецком языке: <http://www.gesetze-iminternet.de/fgo/>;
23. Закон о социальных судах на немецком языке: <http://www.gesetze-iminternet.de/sgg/>;
24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.12.2019 й. 24-сон “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш түғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори;

## **II. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:**

1. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан Общая часть. Учебник. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.;
2. Э.Т.Хожиев, Ф.Т.Хакимов. Маъмурий ҳукуқ. Бакалавриатнинг юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. / Масъул

- мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.  
– 407 бет.;
3. Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистон Республикасида маъмурӣ процедуралар институтини такомиллаштириш (қиёсий-хуқуқий таҳлил) // Монография. – Тошкент, 2018 йил.;
  4. Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурӣ юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018.;
  5. Лупарев Е.Б. Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003.;
  6. Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001;
  7. Зеленцов А.Б. Учебно-методический комплекс и методические рекомендации по изучению курса «Административная юстиция». – М.: Изд. РУДН, 2011. – С. 51;
  8. Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // [http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG\\_141.htm](http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm);
  9. Чечот Д.М. Неисковое производство. М., 1973.;
  10. Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.;
  11. Хартмут Маурер : *Общее административное право* , 15-е издание, 2004 г., ISBN 3-406-52631-4 . Раздел 3, маргинальный номер 12.;
  12. Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015.;
  13. Бахрах Д.Н. Административное право. М., 1997.;
  14. Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора //Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002.;
  15. Марченко М.Н. Правовые системы современного мира : учеб. пособие. М., 2008. С. 327 ;
  16. Сайдов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности) : учебник / под ред. В. А. Туманова. М., 2004.;

17. Соловьев А.А., Остроумов А.А. Зарубежные модели административной юстиции : учеб. пособие для аспирантов. М., 2015.;
18. Соловьев А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – М., 2017.
19. Gussakovskii P.N. Administrative Justice [Administrativnaya yustitsiya]. Zhurn. Min. yust. - Magazine of the Ministry of Justice, 1906.;
20. Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М.: Инфра-М-НОРМА, 2001.;
21. Караманукиян Д.Т. Административная юстиция США: монография. – Омск: Омская юридическая академия, 2014.;
22. Богдановская И.Ю., Данилов С.Ю., Зеленцов А.Б. и др. Административное право зарубежных стран. Учебник / под ред.: Козырина А.Н., Штатина М.А. – М.: Спарк, 2003.;
23. Малько А.В. Сравнительное правоведение / А. В. Малько, А. Ю. Саломатин М.: Норма: ИНФРА-М, 2011.

### **III. Диссертация, диссертация авторефератлари, илмий мақола ва тезислар:**

1. Хакимов Ғуломжон Турғунпўлатович. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари // ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун Диссертация, ТДЮИ, 2009 йил.;
2. Артиков Дилмурод Раҳматиллаевич. идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий хуқуқий жиҳатлари // юридик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. ТДЮУ, 2020.;

3. Замышляев Д.М. Виды судебных юрисдикций в Российской Федерации: сравнительно-правовой и исторический подход: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015.;
4. Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. Воронеж, 2014. С. 116.;
5. Соловьева А.К. Административная юстиция в России: проблемы теории и практики: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. СПб., 1999.;
6. Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: дис. ... док. юрид. наук. Воронеж, 2003.;
7. А.В.Гарцуева. Принципы административного судопроизводства в России и Германии. Магистерская диссертация, 2017.
8. Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси (2019, № 4 (40)).;
9. Нематов Ж. Административная юстиция в Республике Узбекистан: сравнительно-правовой анализ // Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси. 2016 й. – С. 38-47.;
- 10.Qosimov, B. (2018) "Administrative justice and forms of its organization: national and foreign experience," Review of law sciences: Vol. 2 : Iss. 2 , Article 4. Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol2/iss2/4](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss2/4);
- 11.Хаманева Н.Ю. Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998. № 12. С. 29–36.;
- 12.Хахалева Елена Владимировна. Проблемы разграничения публично-правовых и частноправовых споров. Теория и практика общественного развития (2010, № 4). ст. 196. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razgranicheniya-publichno-pravovyh-i-chastnopravovyh-sporov/viewer>;

13. Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998. № 6. С. 8–13.; И.В. Михеева. Судебная защита публичных интересов.  
[http://www.unn.ru/pages/vestniki\\_journals/99990195\\_West\\_prawo\\_2003\\_2\(7\)/B\\_1-8.pdf](http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_prawo_2003_2(7)/B_1-8.pdf);
14. Минина А.И. Критерии арбитрабельности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.;
15. Панова И.В. Проблемы рассмотрения административных дел // Вестник ВАС РФ. 2012. № 5. С. 12–46.;
16. Галий И.М. Административно-правовые споры в рамках института Административного судопроизводства : проблемные вопросы содержательной характеристики // Административное право и процесс. 2007. № 1. С. 9–12.;
17. Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5-13.;
18. Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора // Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002.;
19. А.В. Глодина. Административное дело и административно-правовой спор: понятие и соотношение.  
<http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/pravo/2017/03/2017-03-14.pdf>;
20. Р.О. Опалев. О ключевых европейских стандартах (принципах) в сфере административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 2, 2017.;
21. Д.В. Галушко. Международные стандарты административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 1, 2016. Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // [http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG\\_141.htm](http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm);

- 22.Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Системы судебного контроля за администрацией: классические модели и модификации. Материалы семинара. — М., 2002. — С. 18–31.;
- 23.Юрген Кипп. Ведение процесса судьей в административном судопроизводстве (Handling of proceedings by the judge in the administrative court procedure) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — ISBN 978-5-9998-0220-0.;
- 24.Дмитрий Маренков. Судебная система Германии. Краткий обзор (Das deutsche Gerichtssystem im Überblick) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung < > Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), [www.drv.org.;](http://www.drv.org.)
- 25.Йорг Пуделька. Виды иска в административном судопроизводстве на примере Германии (The different types of action in administrative court proceedings — the German example) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — ISBN 978-5-9998-0220-0.;
- 26.Анастасия Бергер, Нина Веш. Административный процесс в Германии (Verwaltungsprozess im deutschen Recht) // Deutsch-Russische Juristenvereinigung < > Германо-Российская ассоциация юристов Сборник статей о праве Германии, выпуск № 1 (август 2015 г.), [www.drv.org.;](http://www.drv.org.)
- 27.Вольфганг Шлик. Структура и функции юрисдикции административных судов в Германии (Structure and functions of administrative courts' jurisdiction in Germany) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — ISBN 978-5-9998-0220-0.;
- 28.Бояхчян С. Административные суды США и Франции в контексте рецепции опыта создания административной юстиции (Administrative

- courts of the U.S.A. and France in the context of reception of experience of administrative justice creation) Московский государственный юридический университет имени О. Е. Кутафина.;
29. Слепченко Вероника Андреевна. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России (Some aspects of administrative justice in foreign countries and in the Russian Federation),<http://injustjournal.ru/wpcontent/uploads/2020/04/%D0%A1%D0%BB%D0%B5%D0%BF%D1%87%D0%B5%D0%BD%D0%BA%D0%BE.pdf>;
30. Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М.: Инфра-М-НОРМА, 2001.;
31. Лифитский В.И. Административная юстиция в США // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. – 2003. – № 1.;
32. Разильдеев Александр Витальевич. Административное Правосудие: Опыт стран Европы, США и возможность его использования в России // Журнал «Закон» № 11 Ноябрь 2013, 135-150 с.;
33. Малько А.В. Сравнительное правоведение / А. В. Малько, А. Ю. Саломатин М.: Норма: ИНФРА-М, 2011.;
34. Побединский В.Н. Административная юстиция в современной России: глобальный контекст и перспективы развития / В.Н.Побединский, С.С.Квач, Н.В.Фролова // Вестник Тюменского государственного университета. Социально-экономические и правовые исследования. 2016. Том 2, № 4. С. 96-106.;
35. Хаманева Н.Ю. Административная юстиция США // Государство и право. – 1993. – № 3.;
36. Никеров Г.И. Административно-процессуальное право США // Государство и право. – 1997. – № 12. – С. 102–106;
37. Хаманева Н.Ю. Административная юстиция США // Государство и право. – 1993. – № 3. – С. 141–145.;

38.Саванович Н., Ежегодник публичного права 2017.

#### **IV. Хорижий тилдаги адабиёт ва илмий мақолалар:**

1. Funke, Perspektiven subjektiv-rechtlicher Analyse im öffentlichen Recht, JZ 2015, 369.;
2. Хартмут Маурер : *Общее административное право* , 15-е издание, 2004 г., ISBN 3-406-52631-4 . Раздел 3, маргинальный номер 12.;
3. Vučetić Dejan. Serbian judicial review of administrative acts and European standards for administration disputes // Law and Politics. 2005. Vol. 3, № 1. 2005. P. 73–90.;
4. Kaufmann M. Untersuchungsgrundsatz und Verwaltungsgerichtsbarkeit. Mohr Siebeck, 2012. S. 400.;
5. Nolte J.J. Die Eigenart des verwaltungsgerichtlichen Rechtsschutzes. Grund und Grenzen der Anwendung des Zivilprozessrechts im Verwaltungsprozess.;
6. Hermann Pünder. German administrative procedure in a comparative perspective: Observations on the path to a transnational ius commune proceduralis in administrative law. Oxford University Press and New York University School of Law. 2013. Downloaded from <https://academic.oup.com/icon/article/11/4/940/698721> by guest on 23 December 2020.;
7. Gussakovskii P.N. Administrative Justice [Administrativnaya yustitsiya]. Zhurn. Min. yust. - Magazine of the Ministry of Justice, 1906.;
8. Woll, P. Administrative law: the informal process / P. Woll. – Berkeley, CA : University of California Press, 1974. – 203 p.;
9. Carp, R. A. Judicial Process in America / R.A.Carp, R. Stidham. – 5th ed. – Washington, D. C. : Congressional Quarterly Press, 2001. – 425 p.;
10. Zimmer M.B. Overview of Specialized Courts / M. B. Zimmer. // International Journal for Court Administration. 2009 (August). Vol. 2. No 1. P. 12. URL: <http://www.iaca.ws/files/LWB-SpecializedCourts.pdf>.;

- 11.Bernard Schwartz, Roberto L.Corrada, J.Robert Brown, Jr. “Administrative Law^ a casebook” seventh edition. Aspen Publishers, 2010. P. 385.;
- 12.William F.Frunk, Richard H.Seamon “Administrative Law: examples and explanations” second edition. Aspen Publishers, 2006.;
- 13.Bernard Schwartz, Roberto L.Corrada, J.Robert Brown, Jr. “Administrative Law^ a casebook” seventh edition. Aspen Publishers, 2010.;
- 14.William F.Frunk, Richard H.Seamon “Administrative Law: examples and explanations” second edition. Aspen Publishers, 2006.; Ernest Gellhorn, Ronald M.Levin., 2006.;
- 15.Howard N. Fenton. Where too little judicial difference can impair the administrative process: the case of Ukraine. // Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Comparative administrative law: an introduction. // Comparative Administrative Law. SusanRose-Ackerman, Peter L.Lindseth. EdwardElgar 2010.

## V. Интернет ресурслари:

1. <http://lex.uz>
2. <http://lawlibrary.ru>
3. <http://www.consultant.ru>
4. <http://www.pravo.org.ua/>
5. <http://constitution.uz/uz>
6. <http://www.consultant.ru>
7. <http://norma.uz>
8. <http://proacademy.uz>
9. <http://qomus.info>
10. <http://uzjournals.edu>
11. <https://worldjusticeproject.org>
- 12.<http://pravogizn.h1.ru>
- 13.<https://cyberleninka.ru/>
- 14.<http://www.unn.ru>

- 15.<http://www.vestnik.vsu.ru>
- 16.[www.drjv.org](http://www.drjv.org).
- 17.<http://injustjournal.ru>
- 18.<https://stat.sud.uz>
- 19.<https://public.sud.uz/>
- 20.<http://www.gesetze-im-internet.de/sgg/>
- 21.<https://rm.coe.int>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан \_\_\_\_\_ да қабул қилинган

Сенат томонидан \_\_\_\_\_ да маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ-462-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги **кодексига** (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон; 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон, \_\_\_\_\_.20\_\_ й., \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_-сон) қуидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилсин:

«3<sup>1</sup>-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Кодексда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) – маъмурий судлар орқали қонунчиликда белгиланган процессуал қоидалар асосида оммавий ҳукуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни қўриб чиқиш, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклидаги суд хужжатларини қабул қилиш, уни шикоят, протест бўйича қайта кўриш, шунингдек, суд хужжатларини ижро этиш жараёни.

Маъмурий иш – суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган маъмурий-хуқуқий ва бошқа оммавий-хуқуқий низолар, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллар.

Манфаатдор шахс - маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) хуқуқ ва қонуний манфаатларида дахл этган бошқа шахс.

Қарор - маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан якка ёки коллегиал тарзда қабул қилинган ва муайян хуқуқий оқибат туғдирувчи хужжат.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари - қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар хуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг хуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги - маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик.

маъмурий органлар — маъмурий-хуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар.

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли “Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони»;

2) 11-модданинг:

биринчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол ролини инобатга олиб, тарафларнинг тортишуви ва teng ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади»;

3) 26-модданинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар маъмурий ишлар бўйича судда кўрилиши лозим.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди»;

4) 186-модда иккинчи қисмидаги «ўн кун ичида» деган сўз «икки ой ичида» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) Қуидаги мазмундаги 21<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

«Маъмурий процессда фуқаровий даъво. Бошқа мулкий ва маънавий ундиришлар»;

6) 92-модданинг:

биринчи қисми биринчи хатбоиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки суд ўзининг ташаббуси билан, агар»;

7) 98-модданинг:

биринчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Дастлабки ҳимоя чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин»;

8) 127-модда:

Қуидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва маъмурий шикоятни кўриб чиқишига ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган ҳоллардан ташқари, суд фақатгина маъмурий аризани (шикоятни) юқори турувчи маъмурий орган кўриб чиқсан тақдирдагина иш юритишга қабул қилиши ва иш қўзғатиши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган 257-II-сонли Конуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон,

25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон,  
\_.\_.20\_ й., \_/\_/\_-сон) куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) 4-модданинг:

биринчи қисми еттинчи хатбоиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«судларда жиноят ишлари қўриб чиқилаётганда давлат айловини  
кувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисидаги ишларни, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан  
келиб чиқадиган ишларни ҳамда иқтисодий низоларни қўришда иштирок  
етиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул  
қилинган 258-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Суд ҳужжатлари ва бошқа  
органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
2001 й., 9-10-сон, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда, 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 14-15-  
сон, 91-модда, 94-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда,  
38-сон, 328-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й.,  
33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-  
сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018  
й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 30.01.2018 й.,  
03/18/463/0634-сон; 2019 й., 2-сон, 47-модда, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-  
сон, 30.07.2019 й., 03/19/551/3493-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон,  
23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон,  
\_.\_.20\_ й., \_/\_/\_-сон) куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) 86<sup>1</sup>-модда биринчи ва иккинчи қисмидаги «ўн кунлик муддатда»  
деган сўзлар «икки ойлик муддатда» деган сўзлар билан алмаштирилсин

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирулсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги Қонун  
лойиҳасига**

**ТАҚҶОСЛАМА ЖАДВАЛ**

<b>№</b>	<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Таклиф қилинаётган таҳрир</b>	<b>Асос</b>
<b>Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси</b>			
1	Тўлдирилмоқда	<p>3<sup>1</sup>-модда. Асосий тушунчалар</p> <p>Ушбу Кодексда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:</p> <p>Маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) – маъмурий судлар орқали қонунчиликда белгиланган процессуал қоидалар асосида оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклидаги суд хужжатларини қабул қилиш, уни шикоят, протест бўйича қайта кўриш, шунингдек, суд хужжатларини ижро этиш жараёни.</p> <p>Маъмурий иш – суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий низолар, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллар.</p> <p>Манфаатдор шахс - маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатлариға дахл этган бошқа шахс.</p>	<p>Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга асосий атамаларнинг киритилиши фуқароларда асосий тушунчалар ҳақида тасаввур пайдо бўлишига, бошқа ишлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар ойдинлашишига ва судга тааллуклилик масалаларидағи чигалликлар юмшалишига олиб келади деб ҳисоблаймиз.</p>

	<p>Қарор - маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан якка ёки коллегиал тарзда қабул қилинган ва муайян хуқуқий оқибат туғдирувчи хужжат.</p> <p>Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари - қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар хуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг хуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар.</p> <p>Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги - маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруклар) билан юқлатилган мажбуриятни бажармаслик.</p> <p>маъмурий органлар — маъмурий-хуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар.</p> <p>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли “Хўжалик бошқаруви органлари</p>
--	--

		тизимини тақомиллаштириш тұғрысіда”ғи Фармони	
2	<p><b>11-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг хуқуқлилиги</b></p> <p>Маъмурий суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг хуқуқлилиги асосида амалга оширилади.</p> <p>Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда, тарафлар ўз процессуал мажбуриятларини бажариши ва ўзларига берилган хуқуқларни амалга ошириши учун зарур шароитлар яратып беради.</p> <p>Суд маъмурий иш бўйича барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўради.</p>	<p><b>11-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг хуқуқлилиги</b></p> <p><b>Маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол ролини инобатга олиб, тарафларнинг тортишуви ва тенг хуқуқлилиги асосида амалга оширилади.</b></p> <p>Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда, тарафлар ўз процессуал мажбуриятларини бажариши ва ўзларига берилган хуқуқларни амалга ошириши учун зарур шароитлар яратып беради.</p> <p>Суд маъмурий иш бўйича барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўради.</p>	<p>Фуқаролик процессида томонлар юридик жиҳатдан тенг ва ўзаро тортишувчанлиги билан характерланади, яъни суд ишни кўриб чиқища тарафлар томонидан тақдим қилинган далилларга таянади. Оммавий ҳуқуқий муносабатларда эса бир томонда фақат маъмурий органлар, яъни давлат органлари қатнашишини, субъектлар нотенглигини инобатга олган ҳолда, маъмурий суд ўз ташаббуси билан иш ҳолатларини кўриб чиқиши, тушунтиришлар, тарафлар келтирган далиллар билан чекланмаслиги, йўл қўйилган расмий хатоларни бартараф этиши, ноаниқ талабларни аниқлаштириши ва тушунтириши, тўлиқ бўлмаган фактларни тўлдириши ўринлидир. Шундагина, суд процесси тенглик ва тортишувчанлик принципларига амал қилинган ҳолда, адолатли равишда ўтади деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам судга маъмурий иш бўйича барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш чораларини кўриш ваколати тақдим қилинган. Бундан хуоса қилиш мумкинки, маъмурий суд иш юритуви бошқа ишларни кўриб чиқишдан тубдан фарқ қиласи ва бунда соф шаклдаги тортишувчанлик қандайдир равишда мавжуд эмас. Маъмурий суд иш юритишида томонларнинг тортишувчанлиги ва тенглиги субъектлар муносабатларининг нотенгсизлигини мувозанатга келтириш</p>

			мақсадида суднинг фаол роли билан амалга оширилади.
3	<p><b>26-модда. Судга тааллуқли ишлар</b></p> <p>Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган <b>барча</b> ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.</p> <p>Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.</p> <p>Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.</p> <p><b>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар маъмурий ишлар бўйича судда кўрилиши лозим.</b></p> <p>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди</p>	<p><b>26-модда. Судга тааллуқли ишлар</b></p> <p>Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган <b>барча</b> ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.</p> <p><b>Чиқарилмоқда</b></p> <p>Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.</p> <p><b>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар маъмурий ишлар бўйича судда кўрилиши лозим.</b></p> <p>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга, ҳарбий судларга тааллуқли бўлмаган барча оммавий хуқуқий низоларни кўриш маъмурий судларнинг ваколати жумласига киритилиши ўринли деб ҳисоблаймиз. Агар биз маъмурий судлар барча оммавий хуқуқий низоларни кўришини белгиласак, шунда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси 2-қисмидаги “Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин” деган жумлани олиб ташлаш керак. Шунингдек, айнан шу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган қоидалар маъмурий судларнинг барча оммавий хуқуқий низоларни кўришларига тўсқинлик яратади ва бу фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига ҳам сабабчи бўлмоқда. Назарий жиҳатдан оладиган бўлсак, оммавий-хуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида фақат ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён булади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас ва юкорида олимларнинг фикрлари, халқаро стандартлардан келиб чиқиб айтдикки, оммавий-хуқуқий низоларни ҳал этишнинг маҳсус тартиби мавжуд, яъни принциплари, иш олиб бориш тартиби, қатнашувчи шахслар, суднинг ишга позицияси бошқа судларга</p>

	<p>эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.</p> <p>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.</p> <p>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.</p>		<p>нисбатан ўзгачадир. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринbosари – маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси қилиб белгиланиши, шунингдек, жиноят, фуқаролик, иқтисодий судлар умумий юрисдикция судлари сифатида бирлаштирилиши, маъмурий судларни алоҳида чиқарилиши ҳам юқоридаги қоиданинг мазмунан хатолигини билдиради. Бундан ташқари, Германия маъмурий қонунчилигини ўрганишимиз натижасида барча оммавий ҳуқуқий низолар маъмурий судларда кўрилиши тартибидан келиб чиқиб, айнан шу амалиётни миллий қонунчилигимизда қўллаш мақсадга мувофиқ. Шуларни инобатга олиб, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозимлиги мазмунан, моҳиятан ҳамда назарий жихатдан нотўғри ҳисобланади. Аксинча, бу ваколатни маъмурий судларга беришимиз ўринли бўлади.</p>
4	<p><b>186-модда. Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органнинг, улар мансабдор шахсларининг қарори,</b></p>	<p><b>186-модда. Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органнинг, улар мансабдор шахсларининг қарори,</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 186-моддаси ҳамда Ўзбекистон</p>

<p><b>мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (харакатсизлиги) устидан ариза (шикоят) билан судга мурожаат этиш муддатлари</b></p> <p>Агар ушбу Кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (харакатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичидаги судга берилиши мумкин.</p> <p>Давлат ижроининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (харакатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан икки ой ичидаги судга берилиши мумкин.</p> <p>Ариза (шикоят) беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.</p>	<p><b>ҳаракати (харакатсизлиги) устидан ариза (шикоят) билан судга мурожаат этиш муддатлари</b></p> <p>Агар ушбу Кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (харакатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичидаги судга берилиши мумкин.</p> <p><b>Давлат ижроининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (харакатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан икки ой ичидаги судга берилиши мумкин.</b></p> <p>Ариза (шикоят) беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.</p>	<p>Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддасида давлат ижроининг қарори, ҳаракати (харакатсизлиги) устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиш муддати белгиланган.</p> <p>Хозирда давлат ижроини билан боғлиқ ишларни кўриш жараёнида давлат ижроини томонидан чиқарилган қарор нусхалари тарафларга ўз вақтида берилмаётганлиги ёки умуман берилмаганлиги ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек давлат ижроини томонидан амалга оширилган ҳаракатлар тарафлар умуман бехабар қолмоқда, баъзи холларда ижро иши тамомлангандан кейин ҳам манфаатдор шахслар томонидан хукуқи бузилганлиги юзасидан давлат ижроининг қарори, ҳаракати (харакатсизлиги) устидан шикоят ариза бермоқда.</p> <p>Амалдаги қонунчиликда эса 10 кунлик муддат берилган бўлиб, манфаатдор шахс томонидан қарор нусхасини олиб, шикоят ариза ёзиси уни судга топширгунига қадар 10 кунлик муддат ўтиб кетмоқда, натижада аризачиларнинг имкониятлари анча чекланмоқда.</p> <p>Ваҳоланки, маъмурий судга топширилаётган аризаларнинг кўпчилиги шикоят қилиш муддати ўтказилиб юборилиб тақдим қилинмоқда. Натижада, суд томонидан шикоят қилиш муддатини тиклаш ёки жавобгар томонидан шикоят аризага нисбатан муддатни</p>
---	---	--

	юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.		кўллаб шикоятни қаноатлантиришни рад этиш хақида илтимосномалар кўпаймоқда.
5	<b>Тўлдирилмоқда</b>	<b>21<sup>1</sup>-боб. Маъмурий процессда фуқаровий даъво. Бошқа мулкий ва маънавий ундиришлар</b>  ...	<p>Халқаро принцип ҳисобланган самарали ҳуқуқий ҳимояни миллий қонунчиликка тўлақонли татбиқ қилишимиз ўринли ҳисобланади. Чунки самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи судга нафакат маъмурий ариза (шикоят)нинг моҳиятини кўриб чиқиши, балки маъмурий ариза (шикоят) қаноатлантирилгандан кейин қандайдир товон пули(зарарни ундириш) тайинлаш ваколатига эга бўлиш имкониятини яратади. Халқаро миқёсда қоида тариқасида, компенсация тайинлаш алоҳида қарор орқали амалга оширилади. Бу қоидани ўрнатишимиш ва маъмурий судларга тааллуқли ишлар қаторига зарарни ундиришни қўшишимиз орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада таъминланади, ортиқча вакт сарфлашлар олди олинади. Зеро, бу ҳолат ҳозирда фуқаролик судлари ваколати доирасида бўлғанлиги сабабли маъмурий судлар орқали ҳал этилган ишларнинг зарарни ундиришга оид қисми учун жисмоний ва юридик шахслар алоҳида тартибда фуқаролик судларига мурожаат қилишларига тўғри келмоқда.</p> <p>Бунда агар шахс маъмурий иш билан биргаликда етказилган мулкий ва маънавий зиённи қоплаш масаласини ҳам келтирган бўлса, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкинлиги, агар бундай талаб</p>

			<p>келтирилмаган бўлса, фуқаролик судларига мурожаат қилиниши мумкинлигини белгилаш лозим.</p> <p>Бундан ташқари, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган талаблар бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар маъмурий судда кўрилишини белгилашимиз ҳам ушбу ўзгартиришнинг келиб чиқишига асос бўлиб хизмат қиласи ва бу юқоридаги ўзгартиришнинг мантиқий давоми саналади.</p> <p>Бу каби амалиёт Аргентина, Грузия, Италия, Хитой, Испания, Латвия, Литва, Португалия, Армения, Болгария, Хиндистан, Франция, Украина, Эстония каби хорижий давлатларда йўлга қўйилган.</p>
6	<p><b>127-модда. Иш қўзғатиш асослари</b></p> <p>Суд:</p> <p>1) манфаатдор шахсларнинг;</p> <p>2) прокурорнинг;</p> <p>3) давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.</p> <p><b>Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва маъмурий шикоятни кўриб чиқишига ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган ҳоллардан ташқари,</b></p>	<p><b>127-модда. Иш қўзғатиш асослари</b></p> <p>Суд:</p> <p>1) манфаатдор шахсларнинг;</p> <p>2) прокурорнинг;</p> <p>3) давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.</p> <p><b>Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва маъмурий шикоятни кўриб чиқишига ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган ҳоллардан ташқари,</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшлиши механизmlарини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш ечилиши лозим бўлган долзарб масала сифатида келтирилган, лекин ҳанузгача “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилганига қарамай, унинг ишлаш механизми ўз ўрнига тушиб кета</p>

<p>шахсларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.</p> <p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>суд фақатгина маъмурий аризани (шикоятни) юқори турувчи маъмурий орган кўриб чиқсан тақдирдагина иш юритишга қабул қилиши ва иш қўзғатиши мумкин.</b></p>	<p>олмаган. Чунки бизда маъмурий процедуралар ва маъмурий судлов ишларини юритишининг боғлиқлиги мавжуд эмас, маъмурий процедуралар принципларига, уларнинг тартибига амал қилинмайди, аҳолининг аксарияти маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида тушунчага эга бўлмаганлиги сабабли кўп ишлар суд йўли билан ҳал бўлади. Шу мақсадда маъмурий адлия тизимини ривожлантириш учун маъмурий акт юзасидан манфаатдор шахс шикоят ёки ариза билан мурожаат этмоқчи бўлганда аввал юқори турувчи маъмурий органга мурожаат этиши мажбурийлиги тизимини йўлга кўйса мақсадга мувофиқ бўларди деган фикрдамиз.</p> <p>Бу борада X.Фентоннинг таъкидлашича, маъмурий судга мурожаат қилишдан аввал маъмурий тартибда шикоят қилиш талаби (exhaustion) давлатлар маъмурий хукуқида кенг тарқалганини кўриш мумкин. Бироқ МДХ давлатларида бундай талабнинг йўқлигига асосий сабаб маъмурий органлар томонидан маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш стандартларининг йўқлиги, маъмурий органлар фуқаролар хукукларини ҳимоя қилиши бўйича етарли ишончнинг мавжуд эмаслиги каби омиллар санаб ўтилади.</p> <p>Ҳақиқатдан ҳам бир қарашда маъмурий тартибда судгача шикоят қилишининг мажбурий тартибининг ўрнатилиши кўпгина ижобий жихатларга эга. Маъмурий орган ўз хатоларини тузатиши, юқори турувчи орган эса тегишли мониторинг олиб бориши ва энг асосийси</p>
---	---	---

			маъмурий актнинг мақсадга мувофиқлик ва тўғрилиги юзасидан қайта кўриш ва баҳолашга имкон бўлади
7	<p><b>92-модда. Дастлабки ҳимоя чораларини кўриш асослари</b></p> <p>Ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра суд, агар:</p> <p>1) маъмурий иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатида ариза берилган шахснинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса;</p> <p>2) аризачининг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чоралар кўрмай туриб, ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин.</p>	<p><b>92-модда. Дастлабки ҳимоя чораларини кўриш асослари</b></p> <p><b>Ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки суд ўзининг ташаббуси билан, агар:</b></p> <p>1) маъмурий иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатида ариза берилган шахснинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса;</p> <p>2) аризачининг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чоралар кўрмай туриб, ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин.</p>	Бунинг натижасида аризачига етказилаётган зарарнинг ўз ўрнида олдиндан бартараф қилинишига эрилишиши мумкин. Ваҳоланки, аризачи дастлабки ҳимоя чоралари ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, шу ҳолатда, суд вактида фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлақонли ҳақли деб ўйлаймиз.
8	<p><b>98-модда. Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш</b></p> <p>Дастлабки ҳимоя чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.</p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тўғрисидаги масала суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлиснинг вакти</p>	<p><b>98-модда. Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш</b></p> <p><b>Дастлабки ҳимоя чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин</b></p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тўғрисидаги масала суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлиснинг вакти</p>	Дастлабки ҳимоя чораларини суд ўз ташаббуси билан қўллаганидан кейин, агар бунга зарурат бўлса, суд ўз ташаббусига кўра уни ўз вактида бекор қилиш ваколатига ҳам эга бўлиши керак деб хисоблаймиз. Бу МСИЮтК 92-моддасига киритилган ўзгартишнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

<p>суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлиснинг вақти ва жойи тұғрисида ушбу Кодекснинг <a href="#">124-моддасыда</a> назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тұғрисидаги масалани күриб чиқишига тұсқинлик қилмайди.</p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тұғрисидаги масалани күриб чиқиши натижалари бүйича ажрим чиқарилади.</p> <p>Ажримнинг күчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга у чиқарилган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан юборилади.</p> <p>Ариза (шикоят) қаноатлантирилган тақдирда, дастлабки ҳимоя чоралари суд ҳужжати амалда ижро этилгунига қадар үз кучини сақтайтын.</p> <p>Аризани (шикоятни) қаноатлантириш рад этилган, ариза (шикоят) күрмасдан қолдирилган, иш юритиш тугатилган ҳолларда, дастлабки ҳимоя чоралари тегишли суд қарори қонуний кучга киргунига қадар үз кучини сақтайтын.</p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест көлтирилиши) мүмкін.</p>	<p>ва жойи тұғрисида ушбу Кодекснинг <a href="#">124-моддасыда</a> назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тұғрисидаги масалани күриб чиқишига тұсқинлик қилмайди.</p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тұғрисидаги масалани күриб чиқиши натижалари бүйича ажрим чиқарилади.</p> <p>Ажримнинг күчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга у чиқарилган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан юборилади.</p> <p>Ариза (шикоят) қаноатлантирилган тақдирда, дастлабки ҳимоя чоралари суд ҳужжати амалда ижро этилгунига қадар үз кучини сақтайтын.</p> <p>Аризани (шикоятни) қаноатлантириш рад этилган, ариза (шикоят) күрмасдан қолдирилган, иш юритиш тугатилган ҳолларда, дастлабки ҳимоя чоралари тегишли суд қарори қонуний кучга киргунига қадар үз кучини сақтайтын.</p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тұғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест көлтирилиши) мүмкін.</p>
--	---

	<p>қадар ўз кучини сақлайди. Бироқ суд кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиш билан бир вақтда ёки улар қабул қилинганидан кейин дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.</p> <p>Дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.</p>	
--	--	--

#### Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни

<b>1</b>	<p><b>4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари</b></p> <p>Прокуратура органлари ўз фаолиятини кўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:</p> <p>вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>фуқаронинг хуқук ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни</p>	<p><b>4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари</b></p> <p>Прокуратура органлари ўз фаолиятини кўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:</p> <p>вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>фуқаронинг хуқук ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни</p>	<p>Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 46-моддасида прокурорнинг оммавий хукукий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларда иштироки масаласи, ариза тақдим этиш тартиби, ундан воз кечиш каби масалалар ёритилганига қарамасдан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларида прокурорнинг маъмурий ишларда иштироки ёритилмаган.</p>
----------	--	--	--

<p>қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>тезкор-қидирав фоалиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;</p> <p>жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;</p> <p>судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳамда иқтисодий низоларни қўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд хужжатларига протест келтириш;</p> <p>солик интизомини мустаҳкамлашга, солик, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши</p>	<p>амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;</p> <p>жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;</p> <p><b>судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳамда иқтисодий низоларни қўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд хужжатларига протест келтириш;</b></p> <p>солик интизомини мустаҳкамлашга, солик, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши</p>
--	--

<p>курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиной жазоларни ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.</p>		
--	--	--

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси**  
**магистратура тингловчиси Мингбоев Шохруҳ Баҳодир ўғлининг**  
**“Оммавий хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни**  
**кўриб чиқиш: қиёсий-хуқуқий таҳлил” мавзусидаги магистрлик**  
**диссертацияси бўйича Сўровномаси**

1. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни “маъмурий иш”, оммавий хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишни “маъмурий низо” деб аташ тўғри деб ўйлайсизми?
  - Ҳа, тўғри
  - Йўқ, нотўғри
  - Бошқа фикрдаман
  - Билмайман
2. Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодексда оммавий хуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар атамасига таъриф берилишига муносабатингиз қандай?
  - Ижобий
  - Салбий
  - Бошқа фикрдаман
  - Билмайман
3. Фуқаролик процессида томонлар юридик жиҳатдан teng ва ўзаро тортишувчанлиги билан характерланади, яъни суд ишни кўриб чиқиша тарафлар томонидан тақдим қилинган далилларга таянади. Оммавий хуқуқий низоларда эса бир томонда фақат маъмурий органлар, яъни давлат органлари қатнашишини, субъектлар нотенглигини инобатга олган ҳолда, маъмурий суд ўз ташаббуси билан иш ҳолатларини кўриб чиқиши, тушунтиришлар, тарафлар келтирган далиллар билан чекланмаслиги, йўл қўйилган расмий хатоларни бартараф этиши, ноаниқ талабларни аниқлаштириши ва тушунтириши, тўлиқ бўлмаган фактларни тўлдириши керак деб ўйлайсизми?

- Ҳа, шундай фикрдаман
  - Йўқ
  - Билмайман
4. Маъмурий суд иш юритуви бошқа ишларни кўриб чиқишдан тубдан фарқ қиласди ва бунда соф шаклдаги тортишувчанлик қандайдир равишида мавжуд эмас. Маъмурий суд иш юритишида томонларнинг тортишувчанлиги ва тенглиги субъектлар муносабатларининг нотенгсизлигини мувозанатга келтириш мақсадида суднинг фаол роли билан амалга оширилиши кераклигига муносабатингиз қандай?
- Ижобий
  - Салбий
  - Бошқа фикрдаман
  - Билмайман
5. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлар, харакатлар натижасида етказилган мулкий ва маънавий зиённи қоплаш масаласини Маъмурий суд томонидан кўриб чиқилиши ўрнатилишига муносабатингиз қандай?
- Ижобий
  - Салбий
  - Бошқа фикрдаман
  - Билмайман
6. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозимлиги мазмунан, моҳиятан ҳамда назарий жиҳатдан тўғри деб ўйлайсизми?
- Тўғри
  - Нотўғри

- Башқа фикрдаман
  - Билмайман
7. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаширилган тақдирда, барча талаблар маъмурий судда кўрилишига муносабатингиз қандай?
- Ижобий
  - Салбий
  - Башқа фикрдаман
  - Билмайман
8. Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси иккинчи қисмидаги “Конун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин” деган жумла нотушунмовчиликларга сабабчи бўлиши мумкинми?
- Ҳа, албатта
  - Йўқ, бўлмайди
  - Башқа фикрдаман
  - Билмайман
9. Германия ва АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, Маъмурий судларга мурожаат этиш учун шахс аввал юқори турувчи органга ариза билан мурожаат этиши лозимлиги белгиланишига муносабатингиз қандай? Бу Маъмурий ислоҳотлар концепциясида назарда тутилган маъмурий адлия тизимини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшади деб ўйлайсизми?
- Ижобий, ҳа қўшади
  - Салбий, йўқ қўшмайди
  - Ижобий, лекин қўшмайди деб ўйлайман
  - Башқа фикрдаман

10. Маъмурий процедуралар ва маъмурий суд иш юритуви бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак деб ўйлайсизми?

- Ҳа, албатта
- Йўқ, ундаи эмас
- Бошқа фикрдаман
- Билмайман

11. Иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда, қолган ҳолларда эса шу муддатда умумий юрисдикция судига шикоят берилиши тўғри деб ўйлайсизми?

- Ҳа, тўғри
- Йўқ, нотўғри
- Бошқа фикрдаман
- Билмайман

12. Амалдаги қонунчиликда эса ўзаро боғлиқ бўлиб, бири маъмурий судга, бошқаси эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди. Юқоридаги ҳолат бўйича ижро ишлари б ижро ишига бирлаштирилса, ноаниқликни келтириб чиқармайдими?


- Ҳа, келтириб чиқаради
- Йўқ, келтириб чиқармайди
- Билмайман

13. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддасидаги давлат ижрочисининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишнинг ўн кунлик муддатини узайтирилишига муносабатингиз қандай?

- Ижобий
- Салбий
- Башҡа фикрдаман
- Билмайман


1. Маъмурый ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишни “маъмурый иш”, оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурый ишни “маъмурый низо” дәб аташ түғри дәб ўйлайсизми?

26 ответов




2. Маъмурый суд иш юритуви түғрисидаги кодексда оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурый ишлар атамасига таъриф берилишига муносабатингиз қандай?


26 ответов




3. Фуқаролик процессида томонлар юридик жиҳатдан тенг ва ўзаро тортишувчанлиги билан харakterланади, яъни суд ишни кўриб чиқишида... фактларни тўлдириши керак деб ўйлайсизми?  
26 ответов




4. Маъмурий суд иш юритуви бошқа ишларни кўриб чиқишидан тубдан фарқ қиласи ва бунда соғ шаклдаги тортишувчанлик қандайдир рави...рилиши кераклигига муносабатингиз қандай?  
26 ответов




5. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлар, ҳаракатл...илиши ўрнатилишига муносабатингиз қандай?  
26 ответов




6. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурӣ судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта тала...амда назарий жиҳатдан тўғри деб ўйлайсизми?  
26 ответов




7. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурӣ судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта тал...рий судда кўрилишига муносабатингиз Қандай?  
26 ответов




8. Маъмурӣ суд иш юритуви тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси иккинчи қисмидаги “Қонун билан маъмурӣ судга тааллуқли ишл...шунмовчиликларга сабабчи бўлиши мумкинми?  
26 ответов




9. Германия ва АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, Маъмурий судларга мурожаат этиш учун шахс аввал юқори турувчи органга ариза била...тиришга ўз ҳиссасини қўшади деб ўйлайсизми?  
26 ответов




11. Маъмурий процедуралар ва маъмурий суд иш юритуви бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак деб ўйлайсизми?  
26 ответов



12. Иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарзд...удига шикоят берилиши тўғри деб ўйлайсизми?  
26 ответов



13. Амалдаги қонунчилликда эса ўзаро боғлиқ бўлиб, бири маъмурий судга, бошқаси эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта ...тирилса, ноаниқликни келтириб чиқармайдими?  
26 ответов



14. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддасидаги давлат ижрочисининг қарори, харакати (ҳаракатсизли...тини узайтирилишига муносабатингиз қандай?  
26 ответов

